

Олисларда ёнган чироқлар

(Хужжатли кисса)

Холдор Вулқон

Биринчи боб

БОЛАЛИК

Бишкекда қиш. Бола-чақаларим билан жон сақлаб ижарада яшаётган уйнинг айвонидаги устунга елкамни тираганимча ёғаётган қор учқунларига термуламан. Қор гоҳ шошиб, гоҳ беғам учқунлайди. Шу кунларда сочларим пўстакка ўхшаб, соқолим ўсиб, озиб кетганман. Мен жимгина ёғаётган лайлак қорга термуламан-у ўтган телба умрим хақида ўйлайман.

Хаётим мундарижасига синчиклаб разм солсам, кўрган-кечирганларим тропик тўфонлар ичра очиқ океанда каноз қайиғи pista пўчоқдай тўлқинлардан тўлқинларга ўтаётган Полинезиялик балиқ овчининг океанга ғарқ бўлмаслик учун олиб бораётган тинимсиз курашига ўхшайди.

Трагикомедия хаётим қайғули ва кулгили воқеаларга бой. Бундай ўйласам мен туғма мухолифатчи эканман. Эсимда, болалик пайтларим дадам тайинлаган ишлар эсимдан чиқиб болалар билан Қорадарё соҳилидаги чўчкахонага футбол ўйнагани кетиб, окшом чоғи дадамнинг ғазабига дучор бўлардим. Яъни, уйдан қувилардим. Шундай маҳаллар мен отбоқар бобом мулла Абдусаломдан сиёсий бошпана сўрардим. Бобом билан энам ортикча бюрократлик қилмай, хужжатсиз, визасиз менга уйларида бошпана берарди.

Бобом узун бўйли, дўнг пешона, чўзиқ юзли, Имоми Аъзам мазхабидаги мусулмонларга ҳос соқол мўйлови калта кузалган одам бўлиб, гарчанд отбоқар бўлсаларда, Қуръони Каримни хатм қилган олим киши эдилар. Энам эса, бўйи пастак, оғзида бегимотнинг тишларига ўхшаш атиги икки дона тиши қолган, номозхон, меҳрибон кампир эди. Гарчанд бўйи бастрлари билан худди Донки Хот ва Санчо Пансадай бир-бирларига номутаносиб бўлсаларда, бобом билан энам чунги чиқмай аҳил-иноқ яшашарди. Пастак уйларида тахта пол бўлмагани боис, қалин қилиб тўшалган хашак устига полос ёзилганди. Полос устида юрган одам ўзини худди ичига сув тўлдирилган улкан грелка устида юргандай ҳис қилар, уйда радио-телевизор бўлмаганидан хонада кутб жимлиги ҳукмрон эди. Жимликда соат кафгирининг товуши худди калтакесак чиқиллаётгандай қаттиқ эшитиларди.

Энам менга юмшоқ кўрпачалардан ўрин тўшаб берар, мен деразадан Кўки холамнинг баҳайбат бақатерагини, терак ортидан оҳиста кўтарилаётган тўлин ойни кузатиб ётардим. Бу пайт энам бобомнинг яктагини ямаб-ясқар, бобом бўлса 30 - йилларда расм бўлган юмалоқ гардишли кўзойнагини тақиб, араб имлосида ёзилган қандайдир қадимий китобни ўқир, ҳар замонда китобнинг сарғайиб кетган саҳифаларини варақларди. Мен Кўки холам ҳақида ўйлай бошладим, эри иккинчи жаҳон урушига кетиб қайтиб келмаган, бу бева кампир, қуритилган балиқдай озгин, ҳажман кичик боши ғознинг бошига ўхшашиб кетадиган, бир қўли қуриб қолган, бу ҳам камдай бир кўзи кўр бўлиб, кўзининг ковагида каптарнинг тухуми қисилиб турганга ўхшар, устига- устак чувак юзида ияги деярли йўқ эди. Худоё тавба қилдим, унинг шунақа қиёфаси сабаб эри ҳам урушга кетворган бўлса керак, деб ўйладим. Кўки холамнинг тушуниксиз исми, исмдан кўра кўпроқ таҳаллусга ўхшарди. Исми жисмига монанд Кўки холам афтидан эрини қаттиқ севар эканми, ҳайтовур қайта турмуш қилмай эрини кута-кута оламдан ўтиб кетди, раҳматли. У болаларга меҳрибон, пок қалбли, ботинан гўзал, беш вақт номоз ўқийдиган эътиқодли, покиза, тақволи кампир бўлиб хотирам кўзгусида умрбод қолди. Баъзан Кўки холам ёлғиз ўзи куйманиб юрадиган кулбасининг оқшомлар жинчиноқ шуъласидан ғамгин ёришиб турадиган пастаккина деразаси ҳаёлимда намоён бўлади. Гоҳо урушдан қайтиб келмаган эрини кутиб бошқага турмушга чиқмай умрини ёлғизликда ўтказган ўша садоқатли кампир ҳақида шеърми, ҳикоями ёзгим келади менинг.

Мен Кўки холам ҳақида ўйлаб ётгандим , бир маҳал бобом кўзойнагини олганича энамга қараб «Э, ухласангчи, латтапараст!» деса бўладими? Тўғриси, бунақа қизик сўзни биринчи бор эшитишим эди. Кулгим кистади, лекин кулвориб бу ердан ҳам қувилмай, ҳозир қоронғида қаерга ҳам бораман деган ўйда кулгимни тийишга уриндим. Кулгидан лунжим шишиб юзларим зўриқиб қизарди. Охири қулиб юбордим. Мени кўриб бобом ҳам қулиб юбордилар. Қарасам, гўдакники каби тишсиз милклари ва тили жинчиноқ шуъласида ялтираб энам ҳам қуляпти.

Учаламиз роса қулдик. Кулавериб энамнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Бобом кулгидан ўзини тийиб истиғфор айтди. Биз қулишдан тўхтадик. Мен Кўки холамнинг бақатераги ортидан кўтарилган порлоқ ойга, ёруғ осмондаги бир парча булут пўстагини кемираётгандай ғимирлаган олмос қуяларга ўхшаш сон-саноксиз юлдузларга боқиб, гўё хум ичида ҳураётгандай буғиқ аккилаган тун итларининг хорғин овозларини тинглаб ётдим. Бир маҳал кўзим илиниб ухлаб қолибман. Эрталаб нонуштадан сўнг бобом мени худди қўлга олинган диссидент каби яна уйимизга депортация қилди.

-2-

ЖУДОЛИК

Мен ушбу қиссамда жафоқаш онам кечмишларини ёзмасам бир буюк қарз

гардинимда кетадигандай. Онам бечора узоқ вақт бетоб бўлиб ётгач, дадам бошқа аёлга уйланмоқчи эканини, қизларини олиб кетишларини Миржалол опоқ дадам ва Мағфират энамларга айтгач, улар онамнинг юк-тақини эшак аравага юклаб, кўрпалар устига бемор онамни ётқизишиб, мени кўтариб йиғлаб-йиғлаб жўнаб кетишган экан. Мен у пайтлар беш ойлик бола бўлганман. Кўп ўтмай дадам уйлангач, рашк ўти онамни адои тамом қилган. Муборак холам «боласини ўзи боқсин» дея, мени дадамларникига олиб келиб:- «Ол, болангни ўзинг боқ!», деб сўрига отиб юборганда йўргагим чуваланиб кетган экан. Эртасига бу воқеадан хабар топган дадамнинг укаси Фазил амаким мени олиб бориб: - «Ол, ўзларинг кара!», дея Миржалол бобомларникига ташлаб келибди.

Мен теннис коптогидай у ёқдан бу ёққа сур-сур бўлаётганимдан хабар топган Абдусалом бобом дадам билан амакимга танбех бериб, мени ўз қарамоғига олган эканлар. Мени энди эридан ажраб келган бефарзанд Патила аммам боқа бошлаган. Аммам ҳам Исмон ака деган кишига турмушга чиқиб кетгач, мени дадамнинг иккинчи хотини ўғай онам парвариш қилиб бефарзандлиги боис, мени ўз боласидай меҳр қўйиб тарбиялай бошлаган. Мен ўшанда етти ойлик бола бўлганман.

Шундай қилиб, акам иккимиз ўғай она қўлида ўса бошладик. Мен секин - аста эс таниб улғайиб мактабга қатнайдиغان бўлдим. Мактабдан бўш пайтларимиз Эркин деган дўстим билан Қорадарё йилғинзорларида сигир боқардик. Йилғинзорлар аро чивинларни думи билан ялқовларча хайдаб беғам ўтлаётган сигирлар, сигирлар шохига қўнганича сайр қилиб юрган майналар, ёйилиб оқаётган дарё, қий-чув қилиб шовқин солганича учаётган соҳил қушлари, узоқда тириллаётган экскаваторлар, кўзгудек ялтираётган шопипоялар, олис «Зилолмас» яъни «Зелёный мост» томонда юк ташувчи поездлар чинқириғи, дарёнинг нариги соҳилидаги ям-яшил аэродромда кўтарилиб қўнаётган АН-20 дорисепар самолётлари,

Эркин иккимиз ёввойи одамлар каби сигир хайдаб ўтгувчи дарёнинг тошлари кўринган саёз кечуви, узоқда қорайиб кўриган тўқайзор, баланд, ҳайбатли жарлар пойини ялаб оқаётган дарёнинг вахимали тўлқинлари ҳамон ёдимда. Баъзан онам мени тукқан ўша жонажон Ватанимнинг бир парча жаннатий гўшаси тушларимга киради.

Мен у ерларни соғинаман, Ватанимга кетгим келади. Лекин бунинг иложи йўқ. Мен яқинда Бишкекдан туриб телефон орқали қариб қолган отам билан гаплашдим.

Салом-алиқдан сўнг ҳол - ахвол сўрашгач дадам:

-Қаёқларда юрибсан ? Нега келмаяпсан ? - деди.

-Дада, мен боролмайман. Борсам қамаб қўйишади. –дедим.

-Нега қамашади? Биронтасини ўлдириб негиб қўйдингми? –деди, яна дадам.

Мен «хақиқатни айтганим учун» демоқчи эдим, томоғимга тош тикилгандай димоғим ачиб, кўз ёш деган заҳарли суюқликдан кўзларим ачишиб хиралашди, кабина деворига ёпиштирилган эслатма харфлари шувалиб кетгандай бўлди.

-Бегона юртларда бола-чақаларингни ҳам сарсон қилиб нима зарил. Жўн юрсанг бўлмайдами, болам? –деди дадам. У ҳам йиғлар эди. Анча сукунатдан кейин у яна гапира бошлади. Бўпти, энди, қаерда бўлсанг ҳам соғ-омон бўл. Дадам мени узоқ дуо қилдилар.

Майли, булар ҳақида кейинроқ хикоя қиларман. Ҳозир онамнинг ўлими билан боғлиқ бир воқеага тўхталгим келди. Ёз кунлари эди ўшанда. Жийдалар қийғос гуллаб ётган соҳилда болалар билан сугир боқиб юргандик.

Бир пайт дамба томондаги тупроқ йўлни чангитиб келаётган велосипедли одамга кўзим тушди, у яқин келганда менинг тоғам эканлиги маълум бўлди. Тоғам велосипедни қўйиб менга яқинлашди. Кўришаркан у менга: Юр, сени олиб кетаман. Онанг сенларни кўргиси келибди – деди. Мен ортга тисарилдим : - йўқ, мен мол боқаяпман, боролмайман, менинг вақтим йўқ – дедим. Бу гапимдан аччиқланган тоғам сугиримни дўстларимга тайинлаб топшириб мени мажбур уйга олиб кетди. Уйда дадамнинг онаси Фотима энам кутиб турган экан. Тоғам билан энам ва акам иккимиз юк машинасининг аравасига чиқиб жўнаб кетдик. Энам менинг бошимни силаб нукул йиғлар эди. Буни қаранки, бизлар етиб борганимизда, бечора онам оламдан ўтиб бўлган эканлар. Бизни онам ётган уйга олиб киришди.

Шунда акам соғиниб кетган эканми, кўрпага ўраб қўйилган онамнинг жасади устига ётиб уни қучоқлаб олди. Мен боргани кўрқдим. Жанозадан аввал онамни кафанлашиб тобутга солишгач, тобут атрофида тоғаларим, холаларим, эналарим «айтиб» йиғлай бошладилар. Бир маҳал бундай қарасам қиморбоз кичкина тоғам оқ қанд еяпти. Ие, нега ҳамма йиғлаётганда тоғам қанд еяпти экан, дея ажабландим."Қанддан менгаям беринг "дебманда қаранг. Адашган эканман. «Қайғу аламдан юзлари махсидек бужмайган» Муҳаммад тоғамнинг оғзида оқариб кўринган оқ қанд эмас, тишлари экан. Ёшлигимда менинг шайтоним тез эди. Ўзимни тутолмай елкаларимни силкитиб кула бошладим.

Холаларим йиғлашдан тўхтаб менга қаҳрли нигоҳ ташладилар. Катта холам кутилмаганда бармоқлари билан биқинимни бураб: - нега куляпсан, тошбағир?! Йиғла! – деди. Мен бўлса, йиғлаш ўрнига баттар кулдим. Энди билсам, бекор кулган эканман ўшанда. Айнан ўша пайт бутун дунё одамлари жўр бўлиб қораласа ҳам, мени оқлагувчи, пора олмайдиган яккаю ёлғиз адвокатим, жафокаш, меҳрибон онажонимдан мангуга жудо бўлаётганимни билмаган эканман.

-3-

ДИССИДЕНТ

Мени муҳолифатчи бўлишимга ёшлиқда чеккан жабру жафоларим, ноҳақ зулмлар сабаб бўлган. Акам иккимиз гарчанд бир ота, бир онадан дунёга келган бўлсакда, феъл-атвор жихатидан бутунлай бошқа-бошқа, қарама-қарши қутблар эдик. Акам

жангари, меҳнаткаш бўлса, мен романтик эдим. Декабрнинг қор шамоли эсаётган совук кечалари қор учқуни тушармикан деб соатлаб қоронғу осмонга тикилиб турардим. Қор ёғишини орзиқиб кутар эдим. Қор ёғаётган кечалар мен ухлай олмасдим.

Зулматда бўралаб ёғаётган қор учқунларини деразадан кузатиш, энг завқли машғулот эди мен учун. Айниқса, эрталаб турсанг дов-дарахтлар, уйларнинг томи, чорбоғлару далалар оппоқ қорга беланиб ётган бўлса!

Шундай қорли тонгларнинг бирида қор оғирлигини кўтараолмай эгилган дарахт шохларига ҳаяжон ичра ҳайрат билан боқиб «Эҳ-хе-ей!» деганимча кўчага чиқибман. Ариқ устидаги бетон кўпригимизнинг темир тўсиғи устидаги қорни тилим билан олиб емоқчи бўлдим. Бир пайт тилим темирга чип этиб ёпишиб қолса бўладими. Тилинг темирга ёпишиб қолса гапираолмай қоларкансан одам.

-А-а-а-а! – дейман нуқул. Яхшиям денг, ташқарига чиққан ўғай онам мени кўриб қолибди. Вой, ўлмасам - деди у нима қилишини билмай эсанкираб. Кейин югириб уйдан чойнақда иссиқ сув олиб чикдида темирнинг тилим ёпишиб турган жойига куйди. Мен «тузоқдан» озод бўлдим.

Шундан кейин уйдагилар ўша воқеани эслаб узоқ вақт кулиб юришди. Мен айниқса, баҳорни яхши кўрардим. Омборхонамизнинг лойпахса томига чиқиб, кўм-кўк баҳор осмонида ликиллаб юқорилаётган варракларга, чорбоғларда гуллаган ўрикларга, томда хуштак чалаётган болаларга ва ҳавода умбалоқ ошаётган каптарларга термулиб ўтираверар эдим.

Бир куни ёз пайти ўша томда ўтиргандим, қўшнимизнинг ховлисида хотин-халаж овози эшитилиб қолди. Қарасам, қўшнимизнинг хотини қизлари билан чойшаблардан қилинган тўрт бурчак тўсиқ ичида 16 ёшлардаги кичик қизини тоғорага кип-ялонғоч ҳолда ўтқизиб чўмилтиряпти. Мен бунақа эротик томошани ҳаётимда илк бор кўришим эди. Вужудимда жунбушга келган нотаниш ғалати ҳиссиётдан ўзимни ноқулай сезиб томоғим қуриб кетди. Қилт этиб ютиндим. Мен бўйнимни чўзиб, яна томоша қилаётсам, қутилмаганда акам чақириб қолди. Мен шундай томошани белига тепган акамдан норози бўлиб «оббо!» дея томдан тушдим.

-Юр молларга ўт ўриб келамиз – деди акам кўлида ўроқ билан велосипедни етаклар экан. Боягина ўт ўриб келдикку. Яна борамизми? Иссиқни қара. Бошимиздан офтоб ўтиб кетади! – дедим мен. Акам ғазабдан кўзларини чакчайтириб остки жағини олдинга чиқарди:

- Ортиқчасини қуришиб томга босиб қўямиз. Қишда хашак сотиб олмаймиз – деди у. Мен бормаслигимни айтдим. Шунда акам: - Яшилиқча юр деяпман сенга. Учгача санайман. Би-и-ир, икки-и-и. Шу пайт уйдан дадам чиқиб қолди:

- Ҳа?-деди дадам акамга.

-Ўтга борамиз десам манавинингиз унамаяпти- деди акам.

Дадам менга қовоқ уйиб қараб турдида, акамга: -Гапинга кирмаса, қорнига теп-деди.

Менинг акам билан жўнашдан бошқа чорам қолмади. Иссиқда ўт ўргани Қорадарёга жўнадик. Биз Қорадарё соҳилига баланд жарлар аро «сувот» деб аталган тик нишаблиқдан тушиб бордик. Бу нишаблиқдан тушиш қийин эмас. Қайтиб чиқиш ит азоби. Биз шопипояларнинг пушталарида ўсган курмакларни ўришга киришдик. Акам ўради, мен ўрилган ўтларни ташиб тўплайман. Ниҳоят ўтларни арқонга боғлай бошладик. Ихчам қилиб боғланган ўтлар тайёр бўлгач боғламаларнинг бирини елкасига олмоқчи бўларкан, акам менга бақирди: - Нега қараб турибсан, ёрдамлаш!

Мен ўт боғламини кўтаришда акамга кўмаклашдим. Акам боғламни кўтаришга кўтарди-ю лекин юк оғирлигидан мувозанатини йўқотиб, ёнбош-ёнбош бўлиб балчиққа қулади. Мен акамнинг балчиққа беланган афти- ангорини кўриб, кулиб юбордим.

Акам бўлса ғазабланиб: - Нимага куляпсан? Бувингни фалондақасига куляпсанми-а, эй?- дея ердан ярим килоча келадиган тошни олди. Қарасам вазият жиддий. Мен қоча бошладим. Акам яна бақира кетди:- Тўхта! Тўхта, деяпман сенга! Яхшиликча бу ёққа кел, бола!

Мен тўхтаб : - Борсам, урасанда!-деб йиғлай бошладим. Шу маҳал акам: «Ур, Ҳамзани!», дея кўлидаги тошни бор кучи билан менга отди. Ярим килодан мўлрок келадиган ҳалиги тош «гуп!» этиб, менинг белимга тегди. Мен: «ахх!» дея, белимни ушлаб азобдан буришган юзим билан осмонга қараб инградим. Нафасим чиқмай қолди. Акам бўлса: -баҳана қилма, ифлос, ҳозир ўроқ билан калангни олиб кўяман. Яхшиликча бу ёққа кел-деди.

Мен кўрқиб қисқа-қисқа нафас олганимча белимни пайпаслаб, йиғлаб акамнинг олдига келдим. Биз бир нарса қилиб ўт боғламларини ялангликка олиб чиқиб велосипедга юкладик. Сувот деб аталган қияликдан юқорига кўтарилгунча бир ёқлик бўлиб қолдик.

Ўз яқинларимдан кўрган, кўп жабру зулмлар менинг юрагимда ноҳақликка, зўравонликка нисбатан нафрат уйғотди.

Гарчанд ўша пайтларда акамнинг ёш эканини, дадамнинг тарбия усули ўшандай бўлганини хисобга олиб, уларни аллақачон кечириб юборган бўлсамда, улғайгач золимлар билан курашиб, мазлумларни химоя қилиш одатимга айланди.

- 4 -

ШОИРНИНГ ЎЛИМИ

Менинг бадий адабиётга қизиқишим жуда эрта бошланган. Ўша пайтлари

кўчамизда Олимжон Матмуродов деган шоир яшарди. Озгин, бўйи пастак, сочларини ўстириб елкасига тушириб юргувчи, чап кўкрагига игнада ўйиб сиёх билан Лениннинг расмини чизиб олган, Сталинча мўйлов қўйган, қўй кўз бу кимса ҳазил-хузулни, шароб ичишни яхши кўрар, гўзал лирик шеърлар ёзар, ёзган шеърлари, чизган масҳара расмлари туман газетасида пайдар-пай босилиб турар, менинг бу ноанъанавий ҳаёт кечиргувчи одамга ҳавасим келарди. Унинг шеърлари руҳ билан ёзилгувчи, ўқиган одамни сеҳрлагувчи ҳақиқий санъат асарлари эди. Афсус, минг афсус, унинг ёзган шеърларидан адабий жамоатчилик бебаҳра қолди. Ўша пайтлар маҳалламизнинг номи Крупская деб аталар, қариларнинг тили келмай Крупская сўзини кирписка деб талаффуз қилишарди. Биз Олимжон Матмуродов билан битта кўчада турардик. Кўчанинг бир ёнидан Қурама номли катта ариқ оқиб ўтгани учун дов-дарахт кўп эди. Ариқнинг икки четида кулоч етмас толлар, азим тераклар ўсиб шамолларда чайқалиб ётарди. Одамлар ариқ бўйларига турли-туман гуллар экишар, кўчаларни, ариқ қирғоқларини ёғ тушса ялагундай қилиб супуриб қўйишарди. Биз болалар ёзда тошиб кетгундай тўлиб оқувчи ўша Қурама ариқ сувида эртадан кечгача қий-чув қилиб чўмилар, ҳар замон-ҳар замонда ариқ қирғоғидаги иссиқ кумда тюлень, моржлар галасидай исиниб ётиб яна бақаларга ўхшаб ўзимизни сувга отардик. Баъзан ўзимиз кийиниб олиб дўстларимизнинг кийимларини, шимларининг пойчаларини, кўйлақларининг энгларини ечолмайдиган қилиб тугиб ташлардикда, "Безгак шоомол беез без! Яаалонғочга эээс эс!" деб бақарардик. Шоша-пиша кийинаман деб тугилган кийимларига ҳайрат билан қараган дўстларимизни кўриб кулиб қотар эдик. Кўчамизда биз билан тенг, лекин бизга иккита келадиган Араббой исимли соқов бола бор эди. Араб қачон қарасак жуссаси кичик, озгин Исроил деган бола билан муштлашаётган бўларди. Уларни Адхам акам гиж-гижлаб уриштирарди. Унинг гиж-гижлаши ҳам қизик бўлиб иккита бармоғини кўрсатиб Араб билан Исроилга "Қайсинисан?" дер баландроқ бармоқни кўрсатган рақиблардан бирига "Сол, бўмаса" дерди. Қарабсизки, Араб билан Исроил қопоғон итлардай бир- бирига ташланиб муштлашиб кетар, кўча асфальт бўлмагани учун чанг тўзон кўтарилар, болалар: "Исройилистон билан Арабистон уришяпти! Сол, Араб!", "Ур, Исроил!" деб қийқиришар, Араб билан Исроил бир-бирини уриб даб-даласини чиқаришарди. Муштлашишларда жуссаси кичиклиги туфайли Исроилга кўпроқ талофат етсада, у бўш келмас, тенгсиз, қақшатгич "Жангларда" ҳеч қачон мағлуб бўлишни хохламас эди. Кўчамизда Исроил-Араб уруши то Араббойларнинг оиласи чўлга кўчиб кетгунгача давом этди. Йиллар ўтиб Араббойнинг отаси оиласи билан қишлоғимизга қайтиб келди. Лекин дўстимиз Араббой қайтмади. Айтишларича Араббой далани текислаётган трактор ортидаги баронага сакраб чиқиб олибдию уни чанг-тўзонда тракторчи кўрмай кетаверибди. Араббойнинг оёғи тойилиб мола орасига тушиб қолгач у шиклар остига кириб кетган. Шафқат нелигини билмагувчи трактор Араббойнинг жасадини судраб юраверибди. Унинг доду войини шовқин-суронда тракторчи эшитмаган. Араббой шу тариқа фожиали ўлим билан бу телба дунёни тарк этди. Исроил эса ҳали ҳам бор. Умри узок бўлсин. Бизнинг болалигимиз кечган ўша олис замонларда асфальт ётқизилмаган кўчамиз ёмғир ёғса, тизза бўйи лой бўлиб кетар, катталар йўл четларидаги тош ва ғиштларга ҳатласа, ёш- яланг ёғоч оёқда шопипоядан бақа излаётган лайлақлардай юриб ўтишарди. Баъзан эҳтиётсизлик қилган одамларнинг этиклари ё маҳсиси лойда

қолиб кетган ҳоллар ҳам бўларди

Колхоз раиси ва бошқа мутасаддилар бу ҳолатга панжа орасидан қараб келаётган, бир пайт «Муштум» журналида Олимжон Матмуродовнинг «Сувонкул сувоқчи» номли мақоласи чиқди. Ўшанда шоир Ўзбекистонда биринчи бор рекламага асос солиб:- Кимнинг уйини суваш керак бўлса, бизга мурожаат қилсин. Ёмғир ёққанда кўчамизга сомон ташласак йўловчилар ёрдами билан хаш-паш дегунча, сомонли лой тайёр бўлади. Ана ўша лой билан уйлариғизни сифатли сувоқдан чиқариб берамиз. Ҳурмат билан Сувонкул Сувоқчи, дея ёзган эди.

Шу мақоладан кейин кўчамизга шағал тўка бошладилар. Энг қизиғи, мақола ёзган Олимжон Матмуродовнинг уйи рўпарасига атайлаб шағал тўкишмади. Табиийки, шоир ўз норозилигини намойиш қилди.

Шунда Қоровой ака деган қурилиш бригадири ўша шағалдан олинган кааатга тош билан уриб, Олимжон Матмуродовнинг бошини ёриб қўйди. Лекин шоир барибир ўз танлаган йўлидан қайтмади. Қалами билан ноҳақликларга қарши курашаверди. Охири уни пичоқлаб қўйишди. Маҳалламиздан чиққан бир ўжар шоир шу тарика касалхонада оламдан ўтди.

Мен «Андижон воқеалари»дан бироз олдин, Қорадарёга бориб баланд жарликлар устида турганимча, дарё соҳилида узун чўпак билан юзлаб ўрдакларни хайдаб юрган Баҳодирни-шоир Олимжон Матмуродовнинг ўғлини кўрдим. Киприкка кўниб, эриб кетган қор заррасидай қисқа, лекин, гўзал умр кечирган шоирни ёлғиз қолган кезларим бот-бот эслайман. Шоирлик дарди, золимлар кўзига тик қараш касали менга ўша Олимжон Матмуродовдан юққан бўлса не ажаб.

«Партия»

Мен бадий адабиётга қизиқибгина қолмай, расм чизишни ҳам яхши кўрардим. Акамнинг китобида қайсидир рус рассоми, Репин бўлса керак, «Бурлақлар» номли картинасидан кўчирма босилган бўлиб, унда бир тўп оч қолган, ҳорғин, усти бошлари йиртиқ, соч-сақоли пўстакдек тартибсиз одамлар қайиш, арқонлардан елкалари қийилиб, Волга дарёсидаги кемани кирғоққа тортиб чиқараётгани акс этдирилганди. Бир куни ўшандай аянчи манзарани колхоз клуби олдидаги пахта қуритиладиган хирмонда кўрдим. Кун тиккага келган сентябр иссиғида бир тўп кишилар, худди асирга тушган одамлар каби қўлларини ортга қилганларича сафланиб, ерга қараб ёйилган пахталарни тепиб, ағдариб хирмон айланишарди. Уларнинг ғамгин ҳолати менга ўша бурлақларни эслатди. Ноябрь ойи оёқлаб, декабрнинг қировли кунлари, пахтани бир граммини ҳам нобуд қилмай, «Ватан»га топшириш учун кўсак чувиш мавсуми бошланар, кечалари хирмонларга ўрнатилган «вороха»лар ғалдур-ғулдир қилиб шовқин солиб, сўнгги чанокларни янчиб, қолган- қутган пахталарни ажратиб олар, чанг тўзонда ишлаётган одамлар кўринмай кетар, ўнлаб «вороха»лар шовқинида бор овоз билан бақириб гаплашилса ҳам гаплар мазмуни аранг анланар, бир томондан ажратилган пахта бўлса, иккинчи ёқда, янчилган чаноклар тўпланиб тепаликларга айланарди.

Авом тилида «ғўзапўчок», деб аталадиган чиқиндини, одамлар ворохада ишлаётганлар кўзини шамғалат қилиб уйларига олиб қочишарди. Ер ости бойликлари, хусусан, ичида одам бемалол юрса бўладиган қувурларда, гази ғайрий ўлкалар томон кетадиган ўзбек халқи газсизлигидан ўша пахта чиқиндисини ёқилғи сифатида уйга ғамлар, қишда ўчоқларга ёқиб чўғини сандалга солганларича, устига кўрпа ёпиб ётиб, қишдан чиқишар эди. Биз ҳам акам иккимиз елкаларимиз арчилиб совуқда изиллаб, ярим тунгача ғўзапўчок таширдик. Менинг иссиқ ўринга кириб маза қилиб ухлагим келар, лекин бунга акам йўл қўймасди. Мен ворохалардан кўтарилаётган чанг-тўзон ичра ғуборга беланиб ишлаётган одамлар ўпкасига ўрнаган чанглар, аллақачон гуваллакка айланган бўлса керак, деб ўйлаб кетардим. Улар инсон ҳаёти учун зарарли чанг ичида, асабни ишдан чиқарувчи шовқин остида ишлаётганлари учун қўшимча иш ҳақи, ҳеч бўлмаса сут-қатик ҳам талаб қилмас, суткалаб ишлайверар эдилар.

Қишлоғимиз халқи фақат пахта эмас, пилла ҳам етиштирар, ипак куртлари катта даха уйқусидан уйғонган маҳал, ғира-шира тонг қоронғусида чархланган болталарни олиб, одамлар далалар четида ўсган тут шохларини кесиб келиш учун жўнашар, баъзан тут дарахтини талашиб муштлашиб кетишар, ҳатто болта билан хужум қилиб, бир-бирларига тан жароҳати етказган ҳолатлари ҳам бўлар эди. Жамиятда коммунистик мафкура ҳукмрон бўлиб, ҳар бир қишлоқ совети биноти, колхоз бошқаруви идораларининг бинолари олдида, йўқсиллар доҳийси Владимир Лениннинг ҳайкаллари бўлар, ўқувчилар бўйнига қизил латта боғлаб, байроқ кўтариб горн, барабан садолари остида Ленин ҳайкалининг пойига гулчамбар қўйиш учун кўчадан ўтиб кетишаётганда пахса, четан деворлар оша қишлоқ одамлари кулимсираб кузатиб қолишарди. Болалар қаҳрамон пионерлар ҳисобланган Павлик Морозов, Петя Клипа, Қичан Жакиповларга ўхшашни орзу қилишарди. У пайтлар қишлоғимизда Камолиддин ака исмли киши ҳам бўлиб, табиатан қувноқ, хийла ширали овози бор, одамлар ичида даромад қилиб туриб тортинмай катта ашула ҳам айтиб юбораверадиған, кўзлари йирик-йирик, кулганда оғзи кенг очилиб майда тишлари кўриниб кетадиган, ўрта бўйли бу одамни яқингача, то фано топиб фавт бўлғунига қадар йиғлагани у ёқда турсин, қовоғи уюлганини, кайфияти пастлаганини кўрмаганман. Бу ажойиб инсоннинг лақаби «Партия» эди. Баъзилар «партком» ҳам дейишарди. Баъзилар эса Комолдин партия сўзларини қисқартириб Компартия деб қўярди. Маълум бўлишича, қачонлардир у киши халқ орасида коммунистик партия ғояларини тарғиб қилиб кишиларни компартия аъзоси бўлишга даъват қилган, алалоқибат кўпчилик тиришиб-тирмашиб коммунист бўлган дейишади. Аъзо бўлганлар ўз илҳомқунандаларини суриштиришса, Камолиддин аканинг ўзи Компартия сафига ўтмаган экан. Шундан кейин, Камолиддин ака «Партия» деган «муборак» тахаллусга, ғайринусха куняга лойиқ, деб топилган. «Камолиддин партия» далаларда ашула айтиб, ғўзаларга сув қўяр, офтоб ўтиб кетмасин, дея бошига газетадан айвонли қалпоқ ясаб кийиб олар, бўш вақтлари сояга ўша газета қалпоғини ёзиб ундаги хабарларни, мақолаларни ўқирди. Чарчаса ажриққа ётиб юзига ўша газетани ёпганича ухлар, биронта хариф билан қарта ўйнаса, ўша газетага қарта тақсимлар эди. Хуллас, газетадан унумли фойдаланар эди... Эсимда, бир куни у менга қизиқ воқеани сўзлаб берган эди. Унинг айтишича Мирзавой ака деган колхозчи ой порлаб ётган ёз кечаси ёлғиз ўзи кимсасиз далада ғўзаларга сув

тараб, сув агатларни ювиб кетмаслиги учун даҳаналарга органик ўғит сақланадиган сув ўтмас қоғоз қоп парчаларини босиб юрса, кутилмаганда бир нарса қаттиқ шитирлабди. У ишлашдан тўхтаб қулоқ солса, ҳаммаёқ жим-жит. Менга шундай туюлди, шекилли, деб яна ишлай бошлаган экан, ҳалиги товуш яна такрорланибди. Бу сафар Мирзавой ака кўркиб кетибди. Негаки, қишлоқ аҳли аро айнан у сув тараётган дала тўғрисида хосиятсиз бир ҳикоя юрар, унда айтилишича, кечаси ёлғиз юрган бир одам шу далада оппоқ кафанга ўранганича қўлидаги йўрғакланган боласига мунгли алла айтаётган икки бошли аёлни кўргани, куркувдан оғзи қийшайиб, домла-хўжа, чиллаёсинлар ҳам кор қилмай ўлиб қолгани ҳикоя қилинар экан. Бу машъум ривоят ёдига тушган Мирзавой ака кетмонини ташлаб қишлоқ томон қочибди. Шитирлаган товуш эса, уни пайдар-пай таъқиб қилиб, ортидан қувишга тушибди. Мирзавой сувчи кўркув ичра чопиб уйига етса ҳам товуш ортидан эргашиб келаверибди. Дорвозадан чопиб кирган маҳал ҳовлида юрган хотини уни кўриб кўркиб кетибди. Мирзавой ака хотинининг:

- Вой, нима бўлди сизга?! Нега қочяпсиз?! – деган саволига:

- Икки бошли аёл қувиб келяпти! – деб югирганича уйга кириб кетибди. Хотини сўраб-суриштира Мирзавой сувчи нимадир шитирлаб ортидан қувганини, айниқса уйга қараб югирганда шитирлаш кучайганини, кўркиб кетганини айтибди. Хотини бўлса кўркиш ўрнига қулиб юборибди.

- Э, ўлинг-е, шитирлаган мана бу белбоғингизга қистирилган қоғоз қоп парчаси шекилли. Югирган пайтингиз шамолда шитирлабди! - деб қотиб-қотиб қулибди..

Қишлоғимиздан чиққан «сиёсий испикулянт», шунақа кулгили ҳикояларни сўйлаб, суҳбатдошини зериктирмайдиган қувноқ инсон Комолиддин "партия"нинг кулганда кенг очилгувчи оғзи, дельфинники каби майда, аммо соғлом, оппоқ тишлари, самимий кулгидан ёришган нурли қиёфаси умрбод ёдимдан ўчмаса керак.

-6-

Биринчи муҳаббат

«Дунёда муҳаббат йўқ, муҳаббат йўли каравотгача» деган гапларга мен қўшилмайман. Чунки, ёшлигимда буюк севги шамоли мени гармселда қолган экиндай сарғайтириб кетган. Қўшнимизнинг Гуландом исмли кизини севиб қолиб, жин чалиб кетган одамдай кўрпа-тушак қилиб ётиб қолганман. Мен унинг дийдорига сира тўймас эдим. Тўйларга борсам уни қизлар ичида кўриб, «охх!», дея деворларга суяниб қолардим. Унга севгим изҳор қилинган хатларни ёзардим у бергани журъат қилолмасдим.

- Кечирасиз, мен сизни севмайман. Менга бошқа хат ёзманг. Менинг севган йигитим бор, дея рад жавобини ёзса, ёки хатимни йиртиб, бетимга отса нима деган одам бўламан, дея хавотирланардим. Баъзида унинг йўлини тўсиб:

- Гули, мен сизни севиб қолганман, - дея юзига дангал айтмоқчи бўлардим у лекин унинг олдига бордим дегунча тилдан қолардим. Айниқса қишлоғимизга кино келса мен учун энг қувончли байрам бошланар, маҳалла қизлари билан Гули ҳам кинога боришини ўйласам юрагим орзиқиб кетарди. Ювиниб, кийиниб оқшом,

кино кўйилаётган жойга борардим. Қоронғи тушгач, одамлар ажриқ устига ўтирганларича деворга осилган, гапиргувчи сеҳрли латтага тикилиб кино томоша қилишар, айни кино қизиган маҳал «во-ой!», дея қоқиниб ҳамма ёғини чумоли босиб кетган аёллар ҳам бўларди. «Сангам» деган кинони кўраётди эса, пионино чалиб бевафо дўст ҳақида кўшиқ айтаётган ва кўзларидаги кўз ёш тўкилиб кетмаслиги учун осмонга қараб кўйлаётган Сундрга кўшилиб хўнг-хўнг йиғлаган одамларни ўз кўзим билан кўрганман. Мен ҳам Сундр каби учувчи бўлишни, Ватан ҳимоясига отланиб ҳарбий аҳамиятга эга бўлган юкни қамалда қолган бизникиларга етказиб парашутда сакраганимча, ёнаётган самолётни тарк этсам , мени ўлди, деб ўйлаган ҳарбий қўмондонлик:

- Ҳалдарсинх Ватан ҳимояси йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлди ва унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, дея, «Маслахат»даги колхоз идораси олдида олий қўмондонликнинг мақтов қоғозини ва ўрденни қора кийим кийганича дадаси Абдумалик ака билан турган Гулига топширса. Гули менинг севгимга эътиборсиз қарагани учун афсус надомат ила оҳ-чекиб лаблари титраб мақтов қоғозини юзларига босганича хўнг-хўнг йиғласа, мени ўлдига чиқариб, қўнғиз мўйловли суратим четига қора лента тортишган пайт дала госпиталида тузалиб кириб келсам, сўнг Сундр каби пионино чалиб бевафо дўст ҳақида кўз ёшларим тўкилиб кетмаслиги учун шифтга қараб кўйласам эри билан турган Гули:

- Ҳалдарсинх, Худо ҳаққи, бас қил, бу кўшиғингни! Юрак бағримни эзиб юбордингку! – деб йиғласа, мен бўлсам, яна куйлайверсам, куйлайверсам, дея орзу қилардим. Лекин, орзуларим амалга ошмади. Мен учувчи бўлолмадим. Ҳарбий хизматдан келсам, Гули Музаффар деган болага турмушга чиқиб кетибди. Бир куни у билан қишлоқ гузарида учрашиб қолдик. Қўлида боласи, отасиникига келаётган экан. Ёмғир чирсиллаб ёғаётган эди, ўшанда. Биз кўришиб ҳол-аҳвол сўрашгач, бирга гаплашиб юриб кела бошладик.

Йўлда у:

- Ҳолдор ака, ёшлик пайтларимиз қандай ажойиб дамлар экан-а, худди эртакка ўхшайди, – деди.

Мен: - Ҳа-а- а, деб қўярқанман, китоблари нашр қилинган шоир, ёзувчи бўлсамда, заҳирадаги сўзларим ҳазинаси бўм-бўш бўлиб нима дейишимни билмай қолдим.

- Ўғилларингизга тўй қилсангиз мени ҳам тўйга таклиф қиласизми? – деди у яна.

- Албатта, - дедим мен. Ниҳоят хайрлашадиган вақтимиз ҳам келди .

Шунда Гули:

- Ҳолдор ака, ҳар доим иккимиз бирга юрганимизда шу йўл тезда тугаб қолаверади-а?- деди. Шунда Гули мени доим севганини ва ҳозир ҳам севишини англаб етдим. Ёшликда ўзимни энг хунук бола, деб ўйлаб Гулига севгимни изҳор қилмаганим, турли шубҳаи иштибоҳларга борганим, тортинганим учун ўз-ўзимни койидим, афсусландим. Биз ёмғирда узоқ хайрлашдик. Гули ортига қарай-қарай уйлари томон кетаркан, у то кўздан ғойиб бўлгунича ортидан кузатиб, йўл ўртасида мунғайганимча ёмғирда туравердим .

Эҳ, Гули, Гули мен-ку тортинибман, сен ўшанда, нега севаман, дея айтмадинг, дедим ичимда, сўнг ручкамни олдимда блокнотимга:

Бугун мен кўчада

Кўрдим қачонлардир

Севган қизимни.
Сочлари оқариб
Озиб кетибди

дея ёзиб қўйдим. Бу дунё жуда қизиқ экан. Биринчи хотиним билан ажрашгач,
иккинчи хотинга уйландим. Хотинимнинг исми Гулсора бўлгани учун мен уни Гули
деб чақираман. Ҳар гал Гули деганимда ўша олисларда қолиб кетган биринчи
муҳаббатим Гуландом ёдимга тушади. Бу ҳақда хотинимга айтсам у кулади. Менга
раҳми келади. Мен Бишкек шаҳрида Гуландомга атаб шеър ёздим. Қуйида ўша
шеърни ҳукмингизга ҳавола қиламан.

Қадрдон қирғоқлар

(Болаликдаги қўшнимизнинг қизи Гулига)

Оқар эди дарё ёйилиб,
Сенсиз гўё яшардим хумда.
Оёғингни ўпарди сувлар,
Эрир эди изларинг кумда.
Учрашганда телбалар каби,
Сўзлашолмай қолардик тилдан.
Йўлларингда мухтож нигоҳим,
Узоқ эди секундлар йилдан.
Лаъл, жавохир юлдузлар ила,
Тун осмони кетганда бойиб.
Ухлар эдинг баланд сўрида,
Сочларингни дарёдай ёйиб.
Муҳаббатим фарқ бўлган дарё-
Ёт ёстикқа ёйилган сочинг.
Далаликда кесишган йўллар,
Кўзларимдан михлаган хочинг..
Балки ҳамон бизсиз соҳилнинг,
Тўлқинлари бир-бирин қувар.
Қорадарё ой лаганида,
Юлдузларни олтиндек ювар.

2006 йил, 8 июль. Соат 14 : 41

Бишкек шаҳри. Советская кўчаси. 128 уй.

39 квартира.

7. Дон Ки Хот

Мен илк бор мутаола қилган бадиий китоб Антон Павлович Чеховнинг
«Каштанка» номли асари бўлиб, у китобда акс эттирилган лайча ит ва у чеккан
жабру жафоларни ўқиб лайчага роса раҳмим келганди. Бир-икки ҳафтагача биров

билан гаплашишни истамай асар ҳаёли билан ёлғиз яшашни хоҳлаб қолгандим.

Тушкун кайфиятдан мени «Дон Кихот» асари ҳалос қилганди.

Мгель Де Сервантес Сааведра ёзган бу ғаройиб асардаги бош қаҳрамон Ламанчеслик идалго Кехона исмли новча, чиллашир, чўққисоқол, суварак мўйловли жаҳонгашта рицарнинг ва бу рицарга яроқбардор бўлиб ёлланган пакана, доимо эшак миниб юргувчи мешқорин Санчо Пансалар бошидан кечирган саргузаштларини ўқиб кулавериб, котиб қолганман.

Дон Кихотнинг омборда ётган эски совут билан дубулғани таъмирлаб кийиб, бесунақай найзасини олиб, ем емаганидан озиб- тўзиб кетган қирчанғи отига минганича хўрланган, камситилганлар ҳимоясига отлангани, шамол тегирмонини тегирмон шаклига кириб олган ёвуз сеҳргар, дея ўйлаб унинг паррагига найза ургани ва парракка илиниб қолиб ҳавога кўтарилгани ҳамда ерга чалпак бўлиб тушганини, қайта-қайта ўқиб бошқаларни ҳам кулдираддим. Жамолдин ака деган киши кулиш ўрнига:

- Агар ўшнақа қилган бўлса, қип-қизил жинни эканда, қизталоқ. Вей, жинни бўлмаса кап-катта одам жўн турган тегирмон паррагига найза урадимиз? Унинг ўрнига намоз ўқиса бўлмайдими? Янаям Испанияликларга раҳмат, шунча жиннилик қилсаям кечирибди. Бизда ўшнақа қилиб одамларни ҳимоя қилсин-а, иккита оқ халатлик келиб шундай қўлтиғидан олади-ю, оёғини ерга теккизмай, тў-ў-ўғри жиннихонага олиб бориб қўяди. Жуда бўйсунмаса, чўнтагига наша солиб, тегирмон паррагини ишдан чиқаргани учун давлатга фалонча рубл моддий зарар етказди, жамоатчилик мулкига қуролли хужум уюштирган халқ душмани, дея Сибирга сургун қилиб, дарахт кестириб ботқоқларда чиритиб юборади - деди у. Бу гаплардан баттар кулгим қистади. Мен яқинда мазкур асарни топиб яна бир бор ўқиб чиқдим. Энди негадир аввалгидай кулиб эмас, йиғлаб ўқидим. Бечора Дон Кихот! Ўзининг чиллашир, носоғлом эканига қарамай, таҳқирланганлар, ноҳақ калтакланганлар, хўрлаб камситилганлар ҳимоясига отланиб, жонини гаровга қўйиб, золимлар билан курашишга ўзида журъат- жасорат топибди.

Бизчи, биз? Ақлан соғлом, жисмонан бақувват бўлсақда, нафақат бошқалар, ҳатто ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишга ҳам кўрқамиз. Ҳуқуқ ҳимоячилари аталган харом тамоқ адвокатлар, прокурор ва судьялар билан ўзаро жиноий тил бириктириб арзимаган ақча учун айбланувчи қолиб камбағал жабрланувчини ноҳақ тухматлар билан қаматиб юборадилар. Халқ ишонч билан кўз тикиб турган каззоб, виждонсиз полковниклар, генераллар жулдур мартаба, йиртиқ пағонидаги елим юлдуз илинжида иймонини сотиб, халқининг қонини сўриётган харом зулукларни ёқлаб, қонли жиноятини оқлаб Худодан уялмай, жаллод ҳукмдорни фаришталарга тенглайдилар, мақтайдилар, халқи берган тузни еб туздонга туфлайдилар! О-о-о, Сервантес Сааведра! Энди билсам биз ўқиб, котиб-қотиб кулгувчи асарингни сен йиғлаб ёзган экансан! Жаҳонда биринчи бўлиб инсон ҳуқуқлари ҳимоясига асос солибсан! Мазлумларга ишора қилибсан, йўл кўрсатибсан! Чўчка ёғини тузлайдиган, Алансо исмли хунук бесўнақай аёлни - Дульсинея Табассо - дея уни аслзода малика, соҳибжамол паризод даражасига кўтара олган Донки Хот севгиси орқали бизларга ўзининг унчалик хушрўй эмаслигидан қисиниб- қимтинган, қалби кемтик, қиз-жувонларни улуғлашни, Ҳақ йўлида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, калтаклансак ҳам ўжарларча курашаверишни ўргатиб кетибсан! Узоқ термулиб турганда монотон товуши ички резонанс ҳосил қилиб адепт тафаккурини

Ўзгартиргувчи улкан шаршара каби сен ёзган китоб онгимни ўзгартирдирки, мен энди кулгили китобларни йиғлаб, халқнинг интим туйғуларига сентиментализм билан таъсир этиб, уни золим ҳукмдор қопига солиб берувчи, қайғули майда асарларни, қаҳ-қаҳ уриб кулиб ўқийман, - дея хитоб қилгим келди, менинг!

-8-

Урушларга ўқилган лаънат

Бу жаҳонда садоқатли жон дўстнинг топилиши жуда қийин, улар жуда камёб бўладилар. Менинг ўшандай жон дўстим бор эди. Абдувоҳид исми бу боланинг лақаби «Пўкис» бўлиб, у табиатан қувноқ, қизиқчи, гапга чечан, қўй кўз, жингалак сочли бола эди. Иккимиз бир-биримизни бир соат кўрмасак, соғиниб қолардик ва деярли доим бирга юрардик. Бир синфда ўқирдик. Мен уларнинг уйида ўз уйимиздагидай юраверар эдим.

Дўстимнинг ота-онаси ҳам, акаси ҳам, опаси ҳам мени яхши кўришар, улар менга яқин қариндошдай бўлиб қолган эдилар. Пўкиснинг отаси Йигитали ака, деган киши бўлиб, новча бўйли, қувноқ бу одамни эл орасида «Ракатак» дейишар, лақаб билан чақирганлардан у асло хафа бўлмас эди. Йигитали аканинг ширали овози бўлиб баъзан ашула хиргойи қилиб қолар, дўстим иккимиз унинг репертуаридаги баъзи ашулаларни ёдлаб ҳам олгандик. Баҳор кунлари Пўкис иккимиз ҳовлида ўйнаб юрсак, таморқада ер ағдараётган Йигитали ака кетмон зарбини қўшиқ оҳангига мослаб куйлай бошлади:

Этигимни ечмайман,

Суюқ ошингни ичмайман

Қорда қарағай кесганман

Ҳеч ҳақимдан кечмайман.

Пойизингни жилдирган

Ўтхонаси билан дўнгалаги

Двинскийга кетди, Андижоннинг

Мард йигитнинг бир бўлаги.

Двинскийга кетмас эди

Мард йигитнинг бир бўлаги.

Двинскийга кеткизворган

Николайнинг замбараги.

У пайтлар батареякага ишлайдиган радиотранзисторлар чикқан бўлсада, ҳали кассетали магнитофонлар ишлаб чиқарилмаган эди. Бўйдоқ йигитлар «Хазар», «Глала», «Океан» номли транзисторларни кўтариб севги ҳақидаги қўшиқларни янгротиб, қизларнинг бошини айлантиришар, бизнинг уларга ҳавасимиз келарди.

Пўкис дўстимнинг Неъмат акаси плата устига ўрнатилган приставка билан ҳаво тўлқинларига чиқиб радиоқароқчилик қилар, ўзининг қўлбола студиясидан Шерали Жўраев қўшиқларини ҳавога узатарди. У замонлар радиоқароқчилик ёшлар орасида расм бўлиб радио қароқчилар частота таллашиб баъзан бир-бирларини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлар, ҳавода даҳанаки жанглар авж олар, баъзилар эфир орқали танишгач, дўстлашиб борди-келди қилиб сингилларига уйланиб куда-анда бўлиб кетганларининг ҳам гувоҳи бўлганмиз.

Халқпарварлиги, цензура қолипларига сиғмагани, оқибат, «неформат» ёрлиғи

билан сахналардан четлатилган элимизнинг сеvimли ҳофизи Шерали Жўраев қўшиқлари мухлисларга айнан шу норасмий радиостудиялар орқали етиб борарди. Бу ишлардан истеъдодсиз бўлишларига қарамай сахналарни, телевизор экранини, давлат радиоларини бўшатмайдиган, тузсиз қўшиқларини атала-бўтқа каби хоҳламаса ҳам эл оғзига мажбур тиқиштирган ҳасадгўй, ҳукуматпараст хофизлар норасмий радиостудияларни ич-ичидан ёмон кўрар, уларни ёпиб ташлаш керак дея ҳукуматга ишоралар қиларди. Лекин якка ҳукмрон ҳукумат ҳам, лаганбардор ялоқхўрлар ҳам элни ўз севган ҳофизидан ажрата олмадилар.

Республика филармониясидаги қалби қаро раҳбарчалар Шерали Жўраевни “хорда қўшиқ айтасиз” дея ўз ҳукмларига бўйсундирмоқчи, мазах қилмоқчи бўлдилар. Лекин Худо азиз қилганни бутун дунё халқи қарши бўлса ҳам хор қила олмаслигини, Худо хор қилганни эса бутун дунё одамлари ёрдам бериб ҳам азиз қила олмаслигини тушуниб етдилар. Шер акага қазилган чуқурларга уларнинг ўзлари куладилар, шармсор бўлдилар. Неъмат акам гоҳида Пўкис иккимизга радиотранзисторни бериб нариги маҳаллага юборар, шу тарика эфирдаги ўз мавқеини текшириб турарди. Биз қўшни маҳаллада туриб радиодан Неъмат акамнинг таниш овозини эшитиб бир-биримизга қараб оғзимиз қулоғимизга еткудек илжайардик. Пўкис иккимиз Қорадарёнинг баланд жарликлари устида ўтирганимизча дарёнинг нариги соҳилидаги ям-яшил аэродромдан кўтарилиб қўнаётган Ан-20 самолётларини завқ билан кузатиб ўтирардик. Самолётларнинг пахтазорлардаги ғўза барглари тўкиб пахта терадиган комбайнларга мослаш мақсдида заҳарли дори сепатиб паст учганида унинг қанотидаги ёзувларини, самолёт кабинасида ўтирган учувчини яқиндан кўрган биз болалар теримизга сиғмай қувониб шодон қийқирганмизча устимизга ёғилаётган заҳарли дорига ҳам эътибор бермай яғир дўппилармизни ҳавода силкитиб самолёт ортидан кузатиб қолардик. Албатта, заҳарли дори сепишдан олдин аҳолини колхоз радиоузелидан гапириб огоҳлантиришарди. Заҳарли дори сепилган пахтазорлар четига одамзод бошчаноғининг иржайган сурати ва иккита кўл суяги акс эттирилган лавҳадаги «Кирма ўласан!», деган ёзув ўрнатиб қўйиларди. Лекин, биз қизиқувчан болаларни у нарсалар билан қайтариб бўлармиди. Дўстим билан тутун чўзилган ёз оқшомлари колхоз клуби ёнидаги ажриқлар устига ёнбошлаб клуб томидаги радиодан таралаётган ғижжакда эзиб чалинган маҳзун симфоник куйни, эртакчи хола айтадиган эртакни ва эртак адоғида ўша хола айтадиган ғамгин аллани тинглардик. Қизиқ-қизиқ гапларни топиб гапириб қотиб-қотиб кулиб то ажриқларга шудринг тушиб қолгунга қадар суҳбатлашиб ўтираверардик. Бу маҳаллар зулматли осмонда сон саноксиз юлдузлар чарақлаб ётар, қаердадир юлдуз учиб, ортидан ёруғ из қолдирганича қоронғу боғлар ортига ўтиб кўздан ғойиб бўларди. Бир куни Пўкис менга бир шиша қора кузбаслакни кўрсатди. Мен ўша кузбаслақдан бўёқ сифатида фойдаланиб, Пўкисларнинг эски уйи деворига йўлбарснинг расмини чизиб қўйдим. Неъмат аканинг айтишича, ўша расм ҳалиям ўчмай сақланиб турганмиш. Бир гал дўстим Пўкис тоғасининг ҳарбий хизматдан келганини, унга ўз харбий камарини совға қилганини айтаркан, камарни кўз-кўз қила кетди. Мен ёшлик пайтимда ҳам мақтанчоқ одамни ёмон кўрардим. Ғазабим қаёқдан келди, билмайман, шайтон васваса қилдими, кутилмаганда мушт билан дўстимнинг жағига урдим. Зарбадан Пўкис мувозанатни йўқотиб ерга кулади. У тура солиб сўкинганича менга ташланди. Мен кулиб қоча бошладим. У ортимдан

кувди. Бир маҳал ўртача калладай келадиган гувала кулоғимнинг ёнидан ўтиб ерга уриларкан, саккиз бўлак бўлиб кетди. Мен уйимизга кириб дарвозани беркитишга улгурдим. Аламзада Пўкис эса: Онаси ўлган етим! - дея бақирди. Кейин ёғоч дарвозамизнинг юкори қисмидаги тахта панжарага тош келиб тегди. Ўша панжара тахтаси ҳалиям синик. Биз урушган кунимизниг эртасигаёк яна ярашиб боягидай апоқ-чапоқ бўлиб кетавердик. Ўшанда дўстим Пўкисни урганим учун ҳали ҳануз ўзимни кечиролмайман. Ўз қилмишимдан нафратланиб Пўкисни урган қўлимни болта билан чопиб ташлагим келади. Йиллар ўтиб биз ҳам улғайдик. Ҳарбий хизматга чақиришиб сочлармизни тап-тақир қилиб қиришди. Тенгқурларимиз бирин-кетин ҳарбий хизматга жўнашар, жўнаш олдидан хайрлашув кечаси ўтказиб, ёр-биродарлар билан хўшлашар эдилар. Пўкис мендан олдинроқ, кетиш куни белгилангач, хайрлашув кечасига қишлоқдаги ёшларни таклиф қилди. Биз Меҳмонларга хизмат қилиб тонгача ухладик. Мхалланинг қиморбозлари тонгача картада қимор ўйнаб чиқишди. Эртасига менинг хайрлашув кечам ўтказилди. Биз икки сутка ухладик. Кеча кузагач, Пўкиснинг ва менинг оқ сурпдан тикилган сафар халталармизга йиғлаётган қиз суратини чизиб йирик харфлар билан «Мени кутгил ва мен қайтарман» дея ёзиб қўйдим. Ўшанда дўстим сафар халтасидаги расмга қараб роса қувонганди. У хайрлашиб, уйга қайтар экан, негадир бурни қонаб кетди. Биргалашиб қонни тўхтатдик. Бу суткалаб ухламай юришнинг оқибати эди. Дўстимга раҳмим келди. Шундай қилиб биз ҳарбий хизматга кетдик. Мен икки йил Ленинграда Совет армияси сафида хизмат қилдим.

Эх, Ленинград! Ленинград! Ҳарбий хизматда ўтган дамларни, воқеаларни ёзсам, яна бир китоб бўлади. Бир куни дўстим Пўкисдан менга хат келди. Хатни очиб ўқисам, у:

- Бизларнинг ҳарбий қисмимизни Афғонистонга юборишмоқда - деб ёзибди. У пайтлар Афғонистонда даҳшатли уруш кетаётган эди. Жавоб ёзиб хатимда: Дўстим, ўзингни эҳтиёт қил дея тайинладим. Ҳаш-паш дегунча хизмат муддатим оёқларкан, уйга қайтдим. Бетон кўпригимиз устида ҳамқишлоқлар билан кўришиб турсам кўча бошида Неъмат ака билан дўстим кўринди. Биз бир-биримизга томон юргирдик, кўришдик... Шунда дўстимнинг ўта озиб кетганини сездим. Маълум бўлишича, Афғонистонда уларнинг ротаси заҳарланган қудуқдан сув ичиб қуйибди. Бу мудҳиш воқеа дўстимнинг хизмати охирлаётган бир пайтда юз бергани учун у уйга қайтишга улгурибди. Дўстим бизнинг уйда узоқ ўтиролмади. Толиқиб қолди. Уйига кетди. Эртасига уни кўргани бордим. Уни ётган жойидан турғазиб, кўчага олиб чиқдим. Колхоз клуби олдадаги ажриқлар устида худди болалиқдаги каби бирга ўтириб ўтмишни олисларда қолган ғаройиб дамларни эсладик. Пўкис Афғонистон урушида кўрган кечирганларини ҳикоя қиларди.

- Бир куни - деди у - ротамиз қуршовда қолди. Тепаликка жойлашган «душман»лар ротамиз солдатларини чумчуқ отгандай кириб ташладилар. Фожеадан хабар топган қўмондонлик ҳарбий вертолётларни юборгач, «душманлар» отишмани тўхтатиб ғойиб бўлишди. Бундай қарасам, ҳалигина бирга гаплашиб юрган қуролдош дўстларимиз ўлиб ётишибди. Жуда озчилик омон қолдик. Ўрис командиримиз ўлиб ётган солдатларга қараб худди фарзандларидан жудо бўлган отадай эзилиб йиғлади. «Простите ребята что, я вас не сберёг» деди у йиғлаб. Катафалка машина келгач биз ўликларни аравага худди ўтин саржинлагандай юкладик. Машина жилаётган маҳал мен тиззасидан узилиб кетган солдат оёғини этиги билан олиб,

қолиб кетмасин деган ўйда командирга:

- Командир! Нога, нога Усмана! - дедим. Чунки ўлик юклаётиб Тошкетлик Усмоннинг жасади бир оёқсиз эканини кўрувдим. Командир бадтар йиғлаб:

- Да, ты закопай его, ради Бога!- дея бақирди.

- Шунақа кунларни кўриб келдик, дўстим - деди у узоқ-узоқларга хомуш термулиб. Кейин:

- Менинг ҳам бир ойлик умрим қолди ҳалос. Бир ойдан кейин ўламан - деди у.

- Э, нафасинги иссиқ қил. Ваҳиманинг уяси экансан-ку - дедим мен. Дўстим ғамгин жилмайиб кўйди.

Толиқиб қолмасин, дея мен уни уйга олиб кириб ётқизиб чиқдим. Кунлар ўтаверди. Кунлар ўтган сари дўстимнинг аҳволи оғирлашаверди.

Бир куни уни кўргани кирсам, Йигитали ака дўстим ётган пашшахона ёнида йиғлаб ўтирган экан.

- Кел, ўғлим, кел - деди у кўз ёшларини тиёлмай. Сўнг:

- Дўстинг ҳам озиб, сурнай бўлиб қолди - деди.

Қарасам пашшахона четидан дўстимнинг қўли чиқиб турибди. Худди тобутдан чиқариб кўйилган Искандар шох қўлидай. Йигитали ака пашшахонага бош суқиб:

- Абдувоҳид, ҳо Абдувоҳид, тур ўғлим, ошнанг келди, - дея дўстимни уйғотган бўлди.

Дўстимнинг энди уйғонишга ҳоли қолмагани ақлга ишора эди. Мен:

- Ҳожати йўқ, уйғотмай қўяверинг. Дамини олаверсин. Мен эртага келаман, - дедим.

Эртасига эрталаб, уйғонсам, дўстимнинг уйдан йиғи эштиляпти. Зинапояга ўтириб қолдим.

Мусибатхонага етиб борганимда кўчада қўл ковуштирганича ҳамқишлоқлар тизилиб турарди. Дарвоза четида тўн кийиб, қийиқ боғлаган Неъмат акани кўрдим- у ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим. Биз маҳкам қучоқлашиб кўришган пайтимиз Неъмат аканинг кўз ёшлари тонги шудринг доналаридай ҳар томонга сочилиб кетди.

Шундай қилиб мен яккаю ёлғиз жон дўстимдан айрилиб қолдим. Орадан қанча йиллар ўтган бўлсада, мен ҳамон дўстимнинг кўчасидан ўтмайман. Чунки бир куни мени кўриб қолган дўстимнинг синглиси:

- Холдор ака, бизнинг уйга ҳам кириб тураверинг. Сизни кўрсак худди акамни кўргандай бўламиз - дея йиғлади.

- Қирсам йиғлайсизларда - дедим мен.

- Йиғламаймиз - дейди синглиси йиғлаб. Мен уларнинг йиғисидан кўрқаман.

Мени шундай ажойиб дўстимдан айирган, дўстим сингари минг-минглаб йигитларнинг ёш умрларини хазон қилган урушга лаънатлар ўқийман!

-9-

«СПТУ»

Сакқизинчи синфни тамомлаб, тўққизинчи синфга кўчган куз кунларнинг бирида дадам кутилмаганда менга:

- Билим юртида ўқишни хоҳлайсанми? -деб сўради. Мен ҳайрон бўлдим.

Гўё мўъжиза юз бериб дадам бутунлай бошқа одамга айланиб қолгандай. Севиниб

кетдим. Яхшигина расм чизишим боис дадам мени рассомчилик билим юртига жойламоқчи шекилли деб ўйладим.

- Ҳа, хоҳлайман - дедим мен. Дадам мен ўқишга борадиган билим юртининг афзалликлари ҳақида гапира бошлади:

- Ётоқхона бепул экан. Бунинг устига бепул кийим бош, ҳар куни уч маҳал текин иссиқ овқат беришаркан - деди. Бу гапларни эшитдим у тарвувим қўлтиғимдан тушди.

«Ҳа, тушунарли, демак, кийим бош харажати ва еган-ичганим дадамга малол кела бошлабди-да» деган ўй келди ҳаёлимга. Тўғри, ўша пайтлари дадамга ҳам осон тутиб бўлмасди. Бир гал колхоз клубига шаҳардан концерт бериш учун бир гуруҳ артистлар келишган эди. Ёғочни кўшиқ айтдириб юборадиган дурадгор бўлгани учун дадамни райис чакиртириб сахна куришни топширибди. Дадам шогирдлари билан сахнани битказай деган маҳал сим ўрамини бир четга олмоқчи бўлганда дадамни электр токи уриб ўлиб кетишига сал қолган. Шундан кейин дадам облбольницада узок даволандилар. Кейин шу – шу меҳнат ногиронига айланиб қолдилар. Унинг оладиган нафақаси оилани боқишга етмас эди. Мен ёш бўлсамда, буни билар эдим. Шунинг учун вазиятни тўғри тушуниб унинг таклифини қайтармасликка қарор қилдим. Шу ҳам ҳарна оилага озгина ёрдам бўлар дея ўйладим.

- Қанақа мутахассисликка ўқитар экан? - савол бердим мен сир бой бермай.

- Тракторчиликка - дея жавоб берди дадам. Мен ўйланиб қолдим. Чунки, менинг қизиққан соҳам техникага бутунлай зид эди. Дадамга оғирим тушмасин деган ўйда:

- Майли, ўқийвераман - дедим. Дадам хурсанд бўлиб:

- Отлан, нарсаларингни йиғиштир. Ҳозирок билим юрти домласига сени топшириб келаман - деди.

Нарсаларим билан кўрпа-тўшагимни кўтардим. Биз ўша билим юрти ўқувчилари пахта тераётган колхоз даласи томон йўл олдик. Билсам, у билим юртига имтихонсиз қабул қилар экан. Ўша куни дадам мени дала шийпонида домлага топшириб жўнаб кетди. Мен етти ухлаб тушимга кирмаган болалар билан танишиб, билим юрти ўқувчисига айландим.

Пахтадан қайтгач ўқишлар бошланди. Бахтимга у ерда мен қизиққан фанлар ўқитилар экан. Айниқса билим юртининг кутубхонаси менинг севимли жойим эди. Мен авваллари алоҳида одамлар шоир бўлиб ишлайди деб ўйлар эканман. Бир куни танаффус пайти адабиёт фанидан дарс берувчи домламининг столидаги қалам билан ёзилган шеърларга кўзим тушиб қолди.

- Бу шеърларни бирон жойдан кўчирдингизми? - деб сўрадим.

Домла жавоб бериш ўрнига кулди:

- Бу шеърларни ўзим ёзганман, - деди у кулиб. Мен хайрон бўлиб:

- Ие, домла, сиз шоир бўлиб ҳам ишлайсизми? - дедим.

Домла, яна кулиб:

- Шеърни ҳамма ёзиши мумкин. Шоирлик касб эмас - деди.

Мен бир зум жим туриб қолдимда, яна савол бердим:

- Мен ҳам ёзсам бўладими?

- Албатта - деди домла.

Бу орада кўнғирок чалинди. Дарс бошланди. Мен домланинг ўтаётган дарсига кулоқ тутардим унга ҳавасим келарди. Шу кундан мен шеър ёзиб кўришга ахд

қилдим. Дарсдан сўнг қоғоз қалам олиб шеър ёзмоқчи бўлдим лекин ҳарчанд тиришсамда бирон мисра шеър ёзолмадим.

Эртаси куни домлага шеър ёзолмаганимни айтдим. Шунда у менга шеър ёзиш сирларини ўргатиб шаббода ҳақида тўрт мисра шеър ёзиб бердида уни давом эткизиб келишимни тайинлади. Ўша мисралар ҳамон ёдимда.

Эй, шаббода, майин шаббода,
Елганингда рақс этар барглар,

Ўйноқласанг кўкда, ҳавода

Қанот қоқиб силкинада пар.

Ўша куни домланинг ёзиб берган юқоридаги мисраларини давом эттириб шеър ёзиб келдим.

Тунда эссанг кўкда тўлин ой,
Табассум-ла, беради далда,
Тўлқинингга чидолмасдан сой,
Ўз кучини синар амалда,
Янги чиққан момақаймоқ ҳам,
Саломингга алиқ олади,
Бу ҳаммаси, чексиз яйлов ҳам,
Оғушингга ўйга толади.

Шеърни ўқиб чиқаркан домла, менга ҳайрат билан тикилиб қолди-да:

- Қойил, келажакда сендан яхши шоир чиқади - деди.

Бу гапларни айтган домла, ҳозирги замон ўзбек адабиёти арузчилигида ўзининг алоҳида овози ва мактабига эга шоир Фарид Усмон эди.

Шундай қилиб мен шеър ёза бошладим. Ажойиб кунларнинг бирида Рашид исмли дўстим билан Олимжон Холдор деган шоирнинг адабиёт тўғарагига бордим.

Олимжон Холдор хона тўрида стол ортидаги айланадиган курсида кўр тўкиб ўтирар, шоирлар навбат билан шеър ўқир, қолганлар ўқилган шеърни муҳокама қилардилар. Навбат менга келгач, мен қурбақа ҳақидаги шеъримни ўқидим. Ўчоқ томон сакраб-сакраб бораётган қурбақа ва унга ўчоқдаги чўғни отган қилиғи совуқ бола акс эттирилган бу шеърда қизил чивин деб ўйлаб чўғни ютиб юборган очкўз қурбақа нфси амморанинг кўйига кириб фожиали ҳалок бўлади.

Шеърни ўқиб бўлганимдан кейин Олимжон Холдор даврага юзланиб:

- Қани, бу шеър ҳақида ким фикр билдиради - деди. Кимдир қўл кўтарди. Маълум бўлишича, у шоир Нусрат Абдусаломов экан. У ўрнидан туриб менинг шеъримни танқид қилди.

- Бақа ҳеч қачон чўғни ютмайди - деди у. Мен жуда хафа бўлиб кетдим. Шу пайт яна кимдир қўл кўтарди. Бу менга таниш шоир Каримжон Қобилов эди. Оқ сариқдан келган, чўзиқ юзли, кўзлари йирик-йирик, бурни булғор қалампирига ўхшаш, сийрак, узун сочларини ортга тараб, кепка кийиб юрувчи, бир оёғи ногирон шоир ўрнидан туриб мен ўқиган шеърни ёқлади:

- Холдор кузатувчан бола экан. Бақа ҳақиқатдан ҳам чўғни ютади. Бир куни оқшом чекилган сигарет қолдиғини отсам, кизарган чўғни қўнғиз деб ўйлаб, бир қурбақа, «лик» этиб ютиб юборди. Кейин роса типирчилади, бечара - деди у.

Шу пайт тўрда ўтирган Олимжон Холдор кула бошлади. Елкаларини силкитиб узок

кулди. Кўзларидан ёш чиқиб кетди. У кула-кула гапира бошлади:

- Болалик пайтларим қозонда кўй ёғи эритаётган энам қозондаги жиззалардан капгирда олиб, ўчоқ бошида ўралашаётган товукларга қарата сочган эди, товуклар жиззани еб олиб типирчилаб қолган. Ўша воқеа ёдимга тушиб кетди. Холдорнинг ёзган шеъри табиий чиқибди - деди Олимжон Холдор. Шу тарика мен илк бор адабий жамоатчилик назарига тушдим.

Йиллар ўтгач адабиётдан ўз ўрнимни топдим. Мухлисларим кўпайди. Ҳатто, мени устозим дея атайдиган ёш ижодкорлар ҳам пайдо бўла бошлади.

Китобларим нашр қилиниб, Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси бўлдим.

Одамлардан эшитишимча Фарид Усмон бир даврада фахр ила:

- Холдор Вулқон менинг шогирдим. Ўша битта шогирдимнинг ўзи юзлаб шоирларга бас кела олади - деган эмиш.

Дўстим қазо қилгач қишлоқда тургим келмай қолди. Борлиқ ҳувиллаб дунёда ёлғиз бир ўзим қолганга ўхшардим. «Бўйнидан боғланган ит овга ярамабди», деганларидай илмий тилда СПТУ, оддий авом тилида «Латапизу», деб аталгувчи ҳунар мактабини аъло баҳоларга тамомлаб диплом олган бўлсамда, у диплом билан бир кун ҳам ишламай ўз севган ҳунарим рассомчилик билан тирикчилик қила бошладим. Куйганёр деган жойдаги темир-бетон заводида безовчи рассом бўлиб ишга кирдим. У ерда мен завод идорасининг хоналарини кўргазмали агитация билан жиҳозлаб, панноларга мойбўёқда расмлар ишлардим. Ишчиларни коммунистик зарбдор меҳнатга чорлагувчи шиорларни тез-тез янгилаб ёзиб турардим. Бундан ташқари, колхоз-савхозлардан, турли ташкилот ва муассасалардан буюртмалар олиб кўшимча пул ишлашга ҳаракат қилардим. Бир куни нуфузли бир ташкилот ховлисидаги стенда мойбўёқ билан ишчи қизнинг суратини чизиб уйга кетдим. Эртасига келсам, ҳалиги қиз сурати чапланиб кетибди. Роса ғазабим келди. Суриштириб билсам, ўша кеч раҳбарлар идорада зиёфат уюштириб роса ичкилик ичишибди. Маст бўлиб қолган бир депутат бўёғи қуримаган қиз суратини ўпавериб ҳаромга айлантириб юборибди. Депутатни топиб роса урсаммикан деб турсам ҳамскасб дўстим Охунжон келиб қолди. Унга воқеани айтиб бергандим, унинг ҳам ҳасрат халтаси очилди:

- Э, Холдоржон, бу ҳеч нарса эмас. Мен бир ташкилотдан буюртма олиб ўша ташкилот биносининг пештоқидаги Лениннинг расмини таъмирлайдиган бўлдим. Пештоқ жуда баланд бўлганидан леса тиклашга тўғри келди. Лесанинг энг юқори қисмига қалин тахталар ётқизиб ишга киришдим. Бўёқларни шогирдларим пастдан арқонга боғлаб беришади. Мен тортиб оламан. Томашабинлар тўпланиб менинг ишларимни кузатишарди. Бир маҳал кўз тегдими дейман, ёки тахта чирик эканми, оёғим остидаги таглик «қа-а-арс!» этиб синиб кетса бўладими. Бошимда газета қалпоқ, кўлимда мўй қалам билан кинода суратга тушаётган каскадёр каби пастга қуладим. Бахтимга пастда тупроқ уюлиб ётган экан. Ўша тупроқ устига гурсиллаб тушар эканман, ҳавога чанг булути кўтарилди. Томошабинларнинг капалаги учиб турган жойларида қотиб қолишди. Бу маҳал бошимга бир банка қизил бўёқ келиб тўкилди. Мен оёқларимдаги оғрик азобидан инграб, оҳ-воҳ чекиб, ўрнимдан турдимда, оқсоқланиб одамлар тўпланиб турган жойга қараб юрдим. Одамлар қизил бўёқни кўриб рассомнинг боши ёрилиб, миясининг қатиғи чиқибди дея ўйлаб ура қочишди. Кейин тез ёрдам келиб мени касалхонага олиб кетди. Бир ой касалхонада ётдим. Ишонсангиз, буюртмачи ташкилотдан аҳволинг қалай деб ит

хам ўрмаламади - деди Охунжон.

Бу гаплардан қотиб – қотиб кулиб чапланиб кетган таглиғни бўядимда, ишчи кизнинг расмини қайтадан чизиб қўйдим.

-10-

Тандир

Ёшлиқдан бирга ўсган дўстларим кўп. Улардан бири Шухрат бўлиб уни ҳамма Шурик деб чақирарди. Шурик ёшлигида бўйи пастак, лекин жуда чаккон, серхаркат, кулганда юмалоқ юзида кўзлари юмилиб йўқолиб кетарди гўё. Қийик кўзларининг тирқишида қорачиғи йилтиллаб тургувчи бу бола Али Кулп аканинг ўғли эди. Али Кулп ака Иккинчи жаҳон уруши ногирони бўлиб кўл ҳассасига таяниб қаддини ростласа бир оёғи ерга тегмай кўтарилиб турар, уни қишлоқ аҳли Али Кулп деб атарди. Мен яқин-яқингача у одамнинг исми Али Кулп, яъни Али Кулф (замок) деб юрарканман. Билсам, у одамни эл-халқ исми ўрнига фамилияси билан чақираркан. Исмга айланган фамилияси Аликулов экан. Безовчи расом бўлиб ишлаб юрган чоғларим менга дўстим:

- Тандир қуришни биласизми? - деб қолди.

- Биламан, - дедим мен.

- Унда тандиримизни қуришга ёрдамлашворинг – деди Шурик. Мен, хўп деб, яқшанба куни Шурикларнинг уйига бордим. Мени дўстимнинг етмиш ёшлардаги онаси қарши олди. Кўришиб ҳол-аҳвол сўрашгач, кампир:

- Биз онангиз раҳматли билан бирга колхоз далаларида ишлардик. Ҳаё-иффатли, дину диёнатли, Худо раҳмати аёл эди, бечора - дея кўз ёш қилди кампир. Мен Шурик билан саломлашдим. У тандирга лой тайёрлаётган экан. Келиб мен билан кўришди. Нонуштадан сўнг мен эски-туски кийимларни кийиб олдимда, ишга киришдик. Аввал тандирнинг диаметрини чўпак билан ўлчаб бошимни суқиб уни ичларини кўздан кечирдим. Гапирсам гапим акс-садо берди.

Жангиллаган тандир экан. Гуваладан таглик тайёрладик. Сўнг Шурик иккаламиз тандирни ғоят эҳтиёткорлик ила кўтариб тагликка ўрнатдик. Мен тандир ёнларига кесак териб сувашга киришдим. Шуриқнинг онаси тандирга ғўзапоя тиқиб ўт ёқиб қўйди. Тандир қора чапламадан чикқач, уни юнг аралаштирган лой билан сувашга тушдим. Тандир битиб борган сари кампирнинг дуоси авжига чиқарди:

- Илоё иловондо, қўлларингиз дард кўрмасин. Савобнинг тагида қоладиган бўлдингиз, болам. Худо хоҳласа, эртага шу тандирда сомса пишириб сизга ҳам киритворамиз - дерди.

- Э, хожати йўқ, - деб қўяман мен. Шурик бўлса қўлларидаги лойларни сидириб тандирни мактарди:

- Воҳ, худди мангу олов қаршисидаги қайғули она мемориал ёдгорлигига ўхшаб қолди-я! Оҳак билан оқлаб қўйсак борми! Э, кам бўлманг дўстим. Художник одамнинг иши барибир бошқача бўларканда.

Мен мактовлардан ёғдай эриб тандирни сувашда давом этардим. Нихоят тандир битди. Шурик иккимиз кийимларни алмаштириб юз-қўлларимизни ювдик. Сўнг сўридаги кўрпачалар устига ўтириб кампир ўт қалаётган янги тандирга қараб дам олиб ўтирдик. Шуриқнинг хотини катта чарх товоқда палов олиб келиб дастурхонга қўйди. Биз гуруч остида қолиб кетсин деб кампирга кўрсатмай яримта

ароқни иккига бўлиб ичиб шишани қоқладик. Кампир бўлса келини билан ҳамон тандирга ўт қалар, дуо қиларди. Лекин кампиршонинг хурсандчиги узоққа чўзилмади. Кутилмаганда тандир «гум» этиб ёрилдида, пучайиб ёнаётган олов ўчди қолди. Ҳаммамиз жим бўлиб қолдик.

- Э-э-э, жуда чаток бўлдию - а? - дедим мен, хижолат чекиб.

- Э, ҳечқиси йўқ, - деди Шурик.

- Сира хижолат чекманг, болам. Кўз тегди, кўз тегиб кетди - дея кўнглимни кўтарди кампир. Лекин менинг кўнглим ўша ялпайиб қолган тандир каби қайта кўтарилмади.

Ўша воқеадан кейин бир-икки ҳафта Шурикларнинг кўчасидан ўтмай юрдим. Кўлингдан келмаган ишга қўл урма деб ота-боболаримиз жуда тўғри айтишган экан.

-11-

Исён

Дўстимнинг қазо қилгани, севган қизимнинг турмушга чиқиб кетгани ҳам оздай мен ўз туғилиб ўсган уйимда ухломмай қолдим. Уйкуга кетдим дегунча қоп-қора, юнглари узун улкан маҳлуқ мени бўға бошлар, нафасим қайтиб ўлиб қолишимга оз қоларди. Қўрқув унчалик кучли бўлмасада, мен ўша маҳлуқ билан олишишдан безиллаб қолгандим. Ҳуллас, мен уйда яшай олмай қолдим. Қаёққадир кетгим келарди. Армияда хизмат қилган жойим Ленинградга қайтиб кетсаммикин дея ўйлардим. Ахир бундай ўйлаб кўрилса, болаликдаги меҳрибон бобом аллақачон оламдан ўтиб кетган. Касалманд қари энам эса Пазил амаким қарамоғида. Қаёққа ҳам бораман. Менинг бир дақиқа ҳам уйда тургим келмай қолди. Ишдан уйга қайтаётиб ўзимни худди қоронғу қабрга кириб кетаётгандай ҳис қилардим. Бир куни онамларнинг қишлоғига бордим. Мен ўз туғилиб ўсган уйимда яшай олмай қолганимни айтгандим, энам мени бағрига босиб йиғларкан - онанг сиғмаган уйга сен ҳам сиғмаяпсанми, болагинам - деди.

Ўша куни тоғаларим билан то ярим тунгача суҳбатлашиб ўтирдик. Шу кеча хайрон қоларли даражада тинч ухладим. Шундай қилиб мен энам яъни, онамнинг оналарининг уйида яшай бошладим. Бир куни темирдан қилинган кўча дарвозасини бўядимда, қуёнга мушт ўкталиб турган бўрининг расмини мойбўёқда чизиб “Ну, заяц, погоди!” дея ёзиб қўйдим.

Бир зумда менинг рассом эканлигим ҳақидаги хабар бутун қишлоққа ёйилди. Эртасига бир қиз тоғамнинг Жаҳонгир исмли ўғлидан ўз хотира альбомини юбориб, альбом ичидаги калькаларга расмлар чизиб беришимни сўрабди. Бир-иккита расм чизиб альбомни қайтардим. Лекин альбом яна қайтиб чиқди. Кечки овқатдан сўнг расм чизиб қўяй деб, альбомни очдим. Не кўз билан кўрайки, альбомда ишқий мактуб бор бўлиб, у қиз менга четлари жим-жимадор қилиб тўқилган шоҳи рўмолча ҳам совға қилибди. У қизни мен севолмаганим туфайли бир мижознинг уйидаги деворга расм чизаётиб совға қилинган шоҳи рўмолчага эсда йўқ, латга деб ўйлаб мўйқаламдаги бўёқларни артиб юборибман. Албатта, ўқувчи бу хотираларни ўқиб мени мактаняпти деб ўйлаши мумкин. Лекин мен ҳаётимда юз берган воқеаларни иложи борича хамртуриш қўшмай рўй – рост ёзяман. Хуллас, жуда кўп қизлар менга севги

изҳор қилиб ишқий хатлар ёзишди, йиғлашди, қарғашди. Балки улар менинг шеърлар ёзганим ва расм чизганим учун севишгандир. Мен ҳатто биттасига :
- мени бошинга урасанми? Дунёда чиройли йигитлар кўп-ку? – дедим. У қиз бўлса қатъий: - Мен фақат сизни севаман. Майли бошқага уйлансангиз ҳам мени ташлаб кетмасангиз бўлди. Учрашиб турсак, сизни кўриб турсам бўлди – дея йиғлади. Мен рози бўлдим. Орадан бир йил ўтгач у мени тўйига таклиф қилиб таклифнома берди. Тўй жума кунга белгиланган экан. Мен “Итполохон” деган қишлоқдаги Толиб доирачининг уйида расм чизиб юраверибман. Тўйга бориш эсдан чиқибди. Тўёнага деб олинган чангютгич ҳам қолиб кетди. Кейнчалик шогирдим Бахтиёр ўша чангютгичда суюлтирилган бўёқларни сочиб одамларнинг уйларига декорациялар ишлаб юрди. Кўп ўтмай «Тошкентга бориб Университетга ўқишга кираман» дейишимга ҳам қарамай мени мажбур уйлантириб қўйишди. Лекин хотиним менга маъкул келмади. Бир куни энамга уни севмаслигимни, паттасини қўлига тутқазиб, орани очик қилмоқчи эканимни айтдим.

- Ҳой, девона, нималар деяпсан? Бировнинг қизига уйланиб икки ҳафтада ҳайдаворсанг номусга чидолмай, хотининг ўзини Фарғона каналига ташлаб юборса уволига қоламиз - деди.

Мен энамни қаттиқ ҳурмат қилганим боис гапига тутун қайтармас эдим. У мени ўша хотиним билан яшашга кўндирди. Мажбур яшай бошладим. Мен қувноқ хазилкаш бўлсам, хотиним ўта жиддий эди. Мана, бунга ёрқин бир мисол: Бир куни хотиним эскириб қийшаган ишқом устинига ишора қилиб, - Шу устун яқинда қулаб тушмасада, тузатиб қўйсангиз бўлмайдами? - деди. Мен устунга қараб - хой устун, қулама! - дедим. Кейин хотинга қараб - ана айтиб қўйдим, энди қуламайди - дедим. Хотиним эса, кулиш ўрнига бадтар қовоғини уйди. Кейин йиғлай бошлади.

– Бир гап гапирсам дарров мазах қилади. Одам ўрнида кўрмайди - деди у. Этик мойлайдиган шёткани кўрсатиб - Мана бу тиш шётканг нимага бу ерда ётибди- дея ҳазиллашганимда ҳам роса йиғловди. Кўп ўтмай биз фарзанд кўрдик. Кейин иккинчиси, сўнгра учинчиси туғилди.

Биз учта ўғил кўрдик. Мен барибир у аёл билан яшай олмадим. Охири уйга маст ҳолатда келадиган бўлдим. Мен шу тариқа ғам-ҳасратимни ароққа чўқтирар эдим. Ароқ денгизида кемам чўкиб кетгунга қадар ичардим. Менинг “Разведкачиларим” берган маълумотларига кўра бир куни хотинимнинг опаси:

- Гулдек аёл бўлсанг, ўша алкаш билан яшаб нима қиласан? Онамникига келиб ол - дебди.

Шундан кейин хотин тушмагур кетиб қолди. Мен ҳаммани ҳайратга қўйиб ароқ ичишни тақа-тақ тўхтатдим. Бир куни йўлда мактаб директори учраб у менга тасвирий санъат ўқитувчиси йўқлиги сабаб шу фан ўқитилмаётганлигини, иложини қилсам бўш кунларимда ўқувчиларга тасвирий санъатдан дарс беришимни илтимос қилди. Мен ўқитувчиликни ёқтирмасамда, дарсиз қолаётган ўқувчиларга раҳмим келди. Мактаб ўқувчилари расм дафтарларини очиб менга умидвор тикилиб тургандай туюлиб кетди. Рози бўлдим. Шундан сўнг мен ҳафтада икки кун болаларга тасвирий санъатдан дарс бера бошладим. Бу пайтлар район, область, республика газеталарида шеърларим эълон қилиниб элга анча танилиб қолган эдим.

Менинг бир ёмон одатим бор. Бир ишни қиламан дедимми, албатта эртами-кечми уни амалага ошираман.

Бу феълимдан тўғриси, ўзим ҳам кўрқаман. Баъзан бу таввақалчилигим фойда ҳам беради. Қайсидир даврада мен шеърларимни жамлаб китоб чиқармоқчи эканлигимни айтгандим. Шунда бир кимса масхаромуз кулиб, - Ҳе, ўша китоб чиқара оладими? Валдирайверади-да, дебди. Кўп ўтмай, мен «Лайлатулқадр» номли китобимни Тошкенда нашр қилдириб бир донасини «Валдираверади-да» деган кимсага совға қилиб дасхат ёзиб бердим. Яна бир даврада ош еб ўтириб ўқитувчилардан бири: - Олий маълумотли бўлмаган одам чала одамда - деди. Бу гап менга оғир ботди ва ҳалиги домлага: - Сиз институтда ўқиган бўлсангиз мен Тошкент Давлат Университетига ўқишга кираман - дедим. Домла мени ўқишга киролмайди деб ўйлади шекилли, маккорона кулиб кўйди. Мен ўша йили ТошДУга ўқишга кирдим ва мактабда тил ва адабиётдан дарс бера бошладим. Ўша йиллари қишлоғимизда «сарик» касалга чалинганлар ва шу касаллик туфайли ўлаётганлар сони кўпайиб кетди. Чунки, қишлоғимиз марказида аҳоли зич яшайдиган жойда юқимли касалликлар шифохонаси бўлиб, у ерда узоқ-яқиндан келган сарик касаллар даволанишарди. Мен касалхонани зудлик билан чеқароқ, аҳоли яшамайдиган жойга кўчириш кераклигини айтиб бормаган жойим қолмади. Охири бир тўйда сўзга чиқиб,

- Азиз ҳамқишлоқлар, қишлоқ марказидаги касалхона тезроқ кўчирилмаса яқинда ҳаммамиз «сарик»қа чалиниб ногирон бўлиб қоламиз. Шунинг учун эртага соат 12 да касалхона ёнига боринглар. Норозилик митингини ўтказамиз - дедим. Эртаси кун соат 12 да одамлар тўпланиб «сарик больница йўқолсин!», дея тўполон қила бошлади. Фозил ака деган киши кўйлагини ечиб мотоциклнинг бокидаги бензинга бўқтираркан, чўнтагидан гугурт олди, - Холдор! - деди у менга, - сен бизнинг бошлиғимисан! «Огонь!» десанг бас, касалхонасига ўт кўйиб юбораман! Менинг жондан азиз қизалоғимга ҳам шу касалхона сабаб, «сарик» касали юқди ва ўлди! Айт, ука! Нима қилай?! - деди.

Мен Фозил акамни тўхтатдим: - Биз бу муаммони сиёсий музокара йўли билан ҳал қиламиз - дедим. Туйнукдан қарасам, оқ халат кийган врачлар кўрқиб ичкарида у ёқдан бу ёққа чопиб юришибди. Кўп ўтмай райкомдан ва милициядан бир гала ходимлар етиб келишди.

Мен қишлоқ аҳли номидан сўзлаб касалхонани кўчириш тўғрисидаги қатъий талабимизни айтдим. Улар қамаб кўйиш мақсадида мен билан алоҳида, ичкарида гаплашмоқчи эканларини айтдилар. Шунда ҳамқишлоқларим мени ўраб олиб улардан химоя қилдилар. Ҳафсаласи пир бўлган райком ва милиция ходимлари мажбур музокарага киришишди.

Одатларига кўра ваъдалар бериб одамларни тарқалишга буюрди. Лекин одамлар тарқалмади. - Қачон Холдор Вулқон “Тарқал” деса, тарқаламиз - дейишди улар. Шундан кейин милиция бошлиғи менга - Одамларинга айт, тарқалишсин - деди. - Агар айтилган гаплар қуруқ ваъда бўлиб қолаверса, бир ҳафта ичида касалхона кўчмаса касалхонага ўт кўйиб юборамиз! - дедим мен.

Ходимчалар яна бир бор ваъда беришгач, мен митингни тарқатиб юбордим. Эртасига эрталаб мени район ижроия кўмитасига чақиришди. Бориб мени чақиртирган одамга учрадим. У Сайдулло Бегалиев деган кимса экан. У: - ука, сизни кечаги митинг масаласида чақирдик. Самолётга билет тайёр. Сиз Тошкентга

учиб касалхона муаммоси бўйича Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш Вазирлигига борасизда, ҳаммасини шахсан вазирнинг ўзига айтасиз - деди.
Бу гапдан менинг ғазабим қайнади - нега мен Тошкентга борар эканман? – дедим, ниҳоят.- Юқимли касалликлар касалхонаси туфайли эпидемия тарқалиш арафасида турсаю бевосита эл соғлигига жавобгар министрингиз бу ёққа келиши ўрнига мен бораманми? - дедим.
Бегалиев менга бир зум тикилиб турдида, - э, сиз ўзи гап укмайдиган бола экансиз - деди. Мен шартта ортимга бурилиб ташқарига чиқиб кетдим. Қишлоққа қайтиб борсам, мактабда мени ишдан четлатиш учун йиғилиш ўтказишаётган экан.
Йиғилишда қориндор бир кимса сўз олиб менга: - сариқ банисани кўчиришни сизга ким қўйибди? Сиз кимсиз? Ким бўлиб қолибсизки, сариқ банисани кўчирасиз?! Мана биз кўчирсак бошқа гап. Бир неча ўлдир - медалланни соҳибимиз - деди у кўксидаги медальга ишора қилиб. Мен кулдим - сариқ банисани кўчириш учун албатта ўрден – медалли бўлиш керакми? Юқимли касалликдан қирилаётган халқни ҳимоя қилиш барчанинг бирдай бурчи эмасми? - дедим мен.
Узоқ музокара тортишувлардан сўнг мени ишда қолиш ёки қолмаслигимни овозга қўйишди. Буни қарангки, кўпчилик овоз билан мени ишда қолдиришди.
Мени Тошкентга жўнатиб хуфя йиғинда ишдан олинишимни режалаштирган райком ва милициянинг фитнаси амалга ошмади. Бир ҳафта деганда «сариқ» касалликлар шифохонаси аҳоли яшамайдиган жойга кўчирилди.
Одамзод ёшинг ўтганда босиб ўтган йўллари бот-бот назар ташлар экансан. Мен ҳам баъзан ўтмишимга қайрилиб қарайман ва умримнинг қоронғу даштларини ёритиб порлаётган савоб чироқларини кўраман. Элга қилган яхшиликларимни эслаб енгил тортаман, хурсанд бўламан. Ҳамда буюк саркарда, шоир бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг:

Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.
деган мисраларини эслайман.

-12-

Якканинг ёри Худо

Мен умрим давомида бир неча бор Аллоҳнинг муъжизаларини кўрганман.
Шеърларим цензура қолипларига мосланмагани, қолаверса ҳасадгуй, майда гуруҳбоз, маҳаллийчи душманчалар ички ишлар бўлими ходимларига кўрсатган махфий ишоралари сабаб адабиёт майдонида доим ўгайланиб, турткиланиб юрардим.
Ўзимни хафа қилдириб қўймайдиган, ғазабим келганда анча-мунчасини “Мўйка”га тортиб қўйишдан ҳам тоймаслигимни яхши билган латиф феъл атворли ғанимлар юзма-юз келолмай, зимдан зиён, зарар, заҳмат етказишмоқчи бўлишар, лекин ҳар гал фитналари амалга ошмас эди.
Бир куни Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг Андижон вилоят бўлимига бордим. Борсам, бир шоир йигит : - Биз яқинда Тошкентда бўлиб ўтадиган ёш ижодкорларнинг бешинчи семинарига кетяпмиз - деб қолди. Мен бўлим масъул

котиби - Усмон акага семинардан хабарсиз қолганим ҳақида гапиргандим, у менинг уюшма машғулотларига кам келишимни, боз устига уй адресимни билмаслигини айтди.

- Семинарга мен ҳам бораман - дедим.

- Поезд кетиб қолди, кеч қолдингиз, тақсир. Шоир - ёзувчи йигитларимиз қўлёмаларини Тошкентга жўнатганига бир ой бўлди. Ҳозир борсангиз сизнинг қўлёмангизни ким ҳам ўқирди. Қолаверса, ётоқхона, озиқ овқат масаласида сиз учун заявка берилмаган, - деди.

- Майли, нима бўлса ҳам бораман, – дедим мен.

- А, унда ўзингиз биласиз - деди масъул котиб. Шундай килиб белгиланган кун поездга ўтириб - Тошкент қайдасан - дея йўлга тушдик. Поездда бекор кетмайин дея қўлёмамни варақлаб тузатишлар киритиб борардим. Тошкентга кетяммиз деб мақтанган йигит менга: - Ака, бекор кетяпсиз-да. Қўлёмалар бир ой олдин ўқилади. Ҳозир сизнинг қўлёмангизни ўқишга олимларнинг қўли тегмайди - деди. Мен индамадим. Эртасига тонгда Тошкентга етиб бордик. Биз билан Ҳабиб Сиддик, Восид Аҳмад каби ҳажвчи ёзувчилар ва Қимматхон исмли шоира қиз ҳам бор. Ниҳоят Ёзувчилар Уюшмаси биноси ёнига етиб келдик. Шунда ичкаридан шоир Азим Суюн чиқиб, - Укалар, қаердан келдинглар? - деди.

Андижондан– дедик биз. Азим Суюннинг фиғони чикди - Э, қанақа масъулиятсиз одамларсизлар, ахир. Ҳамма вилоятлардан қўлёмалар келди. Андижондан битта ҳам қўлёмма келмади-ю?! - деди. Мен билан келганлар бу гапни эшитиб ғалати аҳволга тушиб қолишди.

- Ахир, Салоҳиддин акадан бериб юборувдик-ку! - деди кимдир.

- Қанақа Салоҳиддин? Ҳеч қанақа Салоҳиддин келгани йўқ – деди яна Азим Суюн. Кейин менга қараб, - Ука, қўлингиздаги нима? - деб сўради.

- Қўлёмма - дедим мен. Опкелинг бу ёққа – деди у. Сўнг менинг қўлёмамни ичкарига олиб кириб кетди. Ҳамроҳларим асабийлашиб бир-бири билан бахслашар, у ёқдан буёққа юришарди. Охири қўлёмаларни олган Салоҳиддин исмли кимсани ахтариб кетишди. Эртасига семинар бошланиб менинг ижодим биринчилар қаторида муҳокама қилинди. Менинг қўлёммам Ислом олимларидан бири машхур Оловуддин Мансурнинг шогирди, Қуръон илмининг улкан билимдони, адабиётшунос олим Муқим Маҳмудга топширилган экан. У сўз олиб араб тилида ғазаллар ўқиб менинг шеърларимни араб шоирларининг шеърларига таккослади. Фалон Араб шоири рубоб нега бундай ёқимли садолар чиқаради? Чунки бу рубоб бир пайтлар дарахт булган ва ўша дарахт шохига булбул қўниб сайраган. Деб ёзгани ҳақида гапирдида, Холдор Вулқоннинг шеърлари ҳам ўша Араб шоирларининг шеърлари каби кишига бетакрор кайфият бағишлайди деди. Бошқа сўзга чиққанлар ҳам менинг ҳаваскор эмас тайёр шоир эканлигимни айтиб ижодимни юксак баҳоладилар. Шеър ўқитишиб, ҳатто, телевиденияга ёзиб кетишди. Ўшанда мен илк бор Ўзбекистон халқ ҳофиз Шерали Жўраев билан кўришганман. Концертдан олдин Шер ака мени юзлаб ижодкорлар олдида шеър ўқитган эди.

Ўтган йили қизиқ воқеа юз берди. Кечки пайт ҳовлида дам олиб айланиб юрсам, қўл телефоним жиринглаб қолди. Билсам, қўнғироқ килган одам менинг шеърларимни қўшиқ килиб куйлаб юргувчи Шаҳрихонлик ҳофиз Толибжон Зокиров экан. Салом-алиқдан сўнг ҳол-аҳвол сўрашгач у - Вулқон ака ҳозир тик

турибсизми ёки ўтирибсизми? - деди.

- Тик турибман, тинчликми? - дедим мен. - Йиқилиб тушмаслик учун стулга ўтириб олинг - деди у мени бадтар ҳайратлантириб.

Мен сўри четига ўтирдим, сўнг - ҳа айтинг, нима гап? - дедим сабрсизлик билан.

- Ҳалиги, “Ватан” деган шеърингиз бор эдию ўшани Шерали Жўраев кўшиқ қилиб Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройида айтибди.

Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим”ини, Абдулла Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим” шеърига басталаган кўшиқни ва сизнинг “Ватан” шеърингизни кўшиқ қилиб куйлабди - деди Толибжон ҳаяжон ичра. Мен ишонмадим. Чунки, Толибжоннинг ҳазилкашлигини яхши билардим. Бир куни у қизиқчиси Ўткирнинг туфлиларини ечиб қўйилган жойидаги тахта полга михлаб қўйибди-да, буни билмаган Ўткир, кетар пайти хайрлашиб туфлисини кийиб ипларини маҳкам боғлабди. Кейин юраман деб мункиб йиқилиб роса кулги бўлган экан. Сўнг Ўткирга аввалдан олиб қўйилган янги туфлини совға қилишибди. Турган-битган ҳаёти ҳазилдан иборат бу қувноқ хофизнинг гапларига шубҳа қилиб турсам, у кутилмаганида телефон орқали Шер ака айтган кўшиқни эшиттирди.

Кўшиқни эшитиб бўлгач негадир хўрлигим келди. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Чунки, бу илк бор, чинакамига кадр-қимматимнинг жойига қўйилиши эди. Адабиёт йўлида чеккан жабру жафоларимга, ёзган-чизганларимга рози бўлдим. Ўзимни худди, Нобель мукофотига сазовор бўлгандай ҳис қилдим. Мана, сизга Аллоҳнинг муъжизаси! - Якканинг ёри Худо – деганлари, шу бўлса керак-да.

-13-

Дарахт кайгуси

Бир пайтлар Абдулла Орипов “Биринчи муҳаббатим” деб тўғри ёзган экан. Чунки, иккинчи муҳаббат ҳам бўларкан. Тошкент Давлат Университетига кириш учун имтиҳон топшираётиб муҳаббатнинг даҳшатли тўфонига учрадим. Нима бўлдию, имтиҳон топшириш учун навбат кутиб турган абитуриентлар орасида бахс бошланди. Бахсда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни кимдир қизил инқилобчи, даҳрий, маддоҳ шоир деса, биров бунинг аксини айтиб уни эрксевар, миллатпарвар жаҳидлардан эканини таъкидлар эди.

- Тўхтанглар - дедим мен - Ҳамзанинг шеърларини қайта ишлашиб большевиклар қолипига мослаштирилган. Мисол учун:

Яша Шўро, яша Шўро!
Сен яшайдурган замон
Ишчи ўғли шухратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!..

Кофияларга эътибор беринглар. Шеърят қонунларига биноан юқоридаги банд учта қофияга эга бўлиши, бунда биринчи мисра охиридаги сўз банднинг охириги сўзига кофиядош бўлиши шарт. Чунки бу реалистик шеър верлибрда ёзилмаган. Бу ҳолда, “Замон”, “Жаҳон” сўзларига “Шўро” сўзи ҳеч қачон кофия бўла олмайди. Агар, “Шўро” ўрнига “Турон” сўзини қўйсак, кофия жойига тушиб банд қуйидагича янграйди:

Яша, Турон! Яша, Турон!
Сен яшайдурган замон
Нурли шону шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

Бу сўзлардан кейин бахс тўхтади. Шунда, узун оппоқ кўйлак кийган, кош кўзини, лабларини бўямаса ҳам чехраси гулгун, шаҳло кўзларининг оқи топ-тоза, сарвқомат бир қиз менинг гапларимни маъкулларкан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг нафақат миллатпарвар, нафақат эркпарвар балки динпарвар эканлигини ҳам тасдиқловчи тўрт мисра шеърини ўқиди:

Оллоҳ ҳақдир, ҳозирдир,
У ҳар ишга кодирдир,
Ким бу гапга шубҳа қилса,
Ҳар мазҳабда кофирдир...

Тошбўрон қилиб ўлдирилган, кофир дея эълон қилинган шоирнинг юқоридаги мисралари унинг ўлимини бадтар сирлилаштириб, зинокорлиги учун ўлдирилганини ҳам шубҳа остига қўяди. Яъни, уни уламолар кенгаши чиқарган шариат фатвоси билан эмас, балки, Қизил Империя манфаатлари учун хавфли бўлган, ўзининг нутқи, шеърлари билан халқни эргаштиришга қодир, кучли лидерни большевикларнинг ўзлари салла-чопон кийган қизил жосуслар ёрдамида бир ёқли қилишган ҳамда оддий содда халқни Ҳамзага қарши қайриб, тошбўрон қилдирган ва бу машъум жиноятни ўзбек халқининг ўзига тўнкаб қўйгани аён бўлади. Шу маҳал аудитория эшиги очилиб бир абитуриент қиз йиғлаб чиқиб кетди. Шу билан бахсга яқун ясалди. Бизлар навбат билан имтиҳон топшириб чикдик.

Мен ётоқхонага бориб каравотга чўзиларканман, ҳалиги ок кўйлакли парирухсор қизни ўйлай кетдим. Унинг айтган сўзларини қайта-қайта эсладим. Унинг қадди-қомати, гулдай чехраси, ҳеч қандай тақинчоқсиз ва бўёқларсиз табиий гўзаллиги кўз ўнгимдан кетмай қолди. Уни кўргим келди. Тезроқ қоронғу тушиб тонг ота қолсайди дея ўйлайман. Ҳаётим гўё бўшлиқдан иборатдай эди. Вужудимда эса ўша қизга нисбатан чидаб бўлмас даражада улкан эҳтиёж пайдо бўлганди. Энди мен учун имтиҳон топшириш ҳам, Университетда ўқиш ҳам иккинчи даражали ишга айланган эди. Имтиҳонга таёрланай деб китобни қўлимга олардим, китобдаги ёзувлар таҳайюр туманларида кўздан ғойиб бўлар, улар ўрнини ўша гўзал ва донишманд қизнинг қиёфаси эгаллаб олаверарди. О, унинг илоҳий одимлари! У қизлар билан Университетнинг ҳашаматли фоесига кириб келганда гўё жим-жит кечада қорли далалар ортидан оҳиста кўтарилаётган ой каби руҳим зулматларини ёритиб юборар эди.

Аудиторияда ўтириб ҳамма лекция тингласа мен ўша қизнинг ён томондан кўринган чехрасига тикилиб дийдорига тўймас эдим. Мен унинг дийдорини киприкка санчиб кўзларим билан ер эдим. Тўймас эдим дийдор аталган бу лаззатли таомга. У ҳам кўз кири билан менга қарар, кўз кири Исфохон қиличининг тигидай ўткир эди. Бир куни у менинг йўғимда курсдошларга «Туманли далалар кўшиғи»

номли китобимда чоп этилган шеърларни ўқиб таҳлил қилиб берибди ва мақтабди:
- Вулқон аканинг шеърларини ўқиган одам шеър охирида гоҳ баланд жар устидан пастга қулагандай, гоҳ ўзини осмонга учиб кетгандай ҳис қилади - дебди.

У қиз Бухоролик бўлиб, исми Шаҳзода экан. Шаҳзода бир гал менга уй манзили ва телефон рақамларини берганди. Уни ҳали ҳам хотирам ҳужжатгоҳида сақлаб юраман. Шаҳзоданинг ҳаёлидан, соғинч қийноқларидан мени халос қилиб чалғитиш учун Қашқадарёлик курсдошим ва ҳамхонам Муроджон қизиқ-қизиқ гапларни айтиб кулдирад иккаламиз кулиб қотар эдик. У бир куни менга уй шароитлари оғирлигини, деворлари сувалмаган, бир хонали уйларида тахта пол ва эшик йўқлигини, эшик ўрнига қоп тўсиб қўйишганини ҳикоя қила бошлади.

- Шиферсиз уйимиз томига хашак босилган – деди у сўзида давом этиб, – хашак босилган тўсинлар орасидан юлдузлар чамани кўриниб туради. Романтика. Мен ўғилларимга юлдузларни кўрсатиб, - хув анави «Чўмич» юлдузи, анави эса, «Катта айиқ» юлдузи, нариги тамондаги «Етти қароқчи» дея астрономиядан дарс бераман. Кечки овқат пишгач, лой супа пол устига тўшалган наMATдаги дастурхон атрофига ўтирамыз. Шунда девор ковагидан типратикон чиқади. У овқатимизнинг қачон пишишини, қачон овқатланишимизни яхши билади. Унга консерва банкасида алоҳида идиш қилиб қўйганмиз. Хотиним ўша идишга овқатдан солиб беради. Типратикон қорнини тўйғазиб хонани бир икки айланади-да, ёзилиб инига кириб кетади.

Бундан ташқари бизнинг кўршапалагимиз бор. Ўргатилган. Бир куни қайнанам келиб бизникида ётиб қолувди. Энди ухлайлик деб шайтончирокни ўчирсак, ҳалиги кўршапалак учи-учиб, қутилмаганда қайнанамнинг юзига ёпишиб қолса бўладими. Юраги ёмон бўлиб қолди бечоранинг. Ўша воқеадан кейин қайнанам қайтиб бизларникига меҳмонга келмай қўйди.

Мен Муроднинг ҳикояларини тинглаб кулиб кайфиятим кўтарилар экан у Театр ва рассомчилик институтининг актёрлик факультетида ўқиса ундан ажойиб комик актёр чиқарди, деб ўйлардим. У бўлса, яна ҳикоясини давом эттирарди,

- Бир куни уйда оқ ёғ қолмаган экан, алюминий ёғ идишимизни олдимда, қўшнимиздан велосипедини сўрадим. Қўшним йўқ демади. Велосипедни миндим, уни зувиллатиб ҳайдаганимча нариги маҳалла магазини томон елиб кетдим.

Бир маҳал серқатнов катта йўлга чиқаётиб, великни тўхтатиш учун тормозни боссам, тормоз йўқ. Қўшним ҳам тормози йўқ деб айтиб қўймабди. И-и-и-и! – деганимча, бориб катта йўлдан ўтаётган автобусга урилдим. Велосипед автобусга илиниб қолиб, «чаланга-чаланг, чаланга-чаланг» деганича судралиб кетди. Менинг у ер бу ерим қашқа бўлдию лекин, Худога шукур, ўлмай қолдим. Қарасам, алюминий ёғ идишимиз ялпайиб ётибди. Икки юз метрча ерга судралиб борган велосипеднинг ғилдираклари саксон саккиз бўлиб қолган. Эгари билан рули йўқ эди.

Мурод шунака кулоқ эшитмаган хангомаларни тўқишга ва уни сўзлашга устаси фаранг эди. Бундай хангомалар мени вақтинча чалғитсада, ошиқ юрагимдаги севги изтироби худди юмалатилган қор сингари тобора каттариб борар, менга тинчлик бермасди. Изтиробларнинг юмалоқланган қори, сессиядан сессиягача ваҳимали даражада катталашар экан, мен энди уни юмалатишга кучим етмай, у маҳобатли шар мен тамон юмалаётганга ва эртами-кеч ўша шар остида қолиб кетишим мумкиндай туюларди. Мен Шаҳзоданинг уй адреси ва телефон рақамларини

йўқотиб кўймаслик учун кўксимга сиёҳда игна билан уйиб ёзиб олсаммикин дея ўйлардим.

Ёзги сессиялардан бири охирлаб бораётган дамлар, Шаҳзода лекцияни ёзиб олишга улгурмагани, лекцияни кўчириб олиш учун иложи бўлса дафтаримни бериб туришимни сўради. Мен йўқ демадим. Эртасига қайтаргач, ёзмокчи бўлиб дафтарни очсам, дафтар муковасининг ички тарафига гўзал ҳуснихат ила: «Айрилиқ они яқиндир, кема йўл бонгин чалур, Воҳ мени ташлаб фиروقқа ёр йироққа йўл олур», деган байтни ёзиб қўйибди. Энди билсам, Шаҳзода ўша пайтлардаёқ, мени йироқларга кетишимни, бугунги дарбадарлигимни башорат қилиб улгурган экан. Мен унга минглаб хатлар ёздим. Лекин у бир дона ҳам жавоб хати ёзмади.

Бир куни унга кўнғироқ қилдим. Шаҳзода гўшакни кўтариб - эшитаман, ким бу? – деди.

- Алло, Шаҳзода, яхшимисиз? Бу мен, Холдар Вулқонман! – дедим. Шаҳзода жимиб қолди. Мен худди фронт линиясида кўмондонликка жангоҳдан кўнғироқ қилаётган алоқачи каби,

- Алло! Алло! – дея бақирардим. Бир маҳал телефондан Шаҳзоданинг йиғлаётганини эшитдим. Шошиб қолдим, - Алло, Шаҳзода, нега йиғлаябсиз? – дедим мен. Бир оздан сўнг У: - «Ёшлик» журналидаги, «Дарахт» шеърингизни ўқидим – деди йиғлаб. Мен – қалай шеър маъкул бўлдими?! – дедим. У жавоб бериш ўрнига йиғларди. Кейин алоқа узилди. Мен қайта-қайта кўнғироқ қилдим лекин боғлана олмадим. Афтидан Шаҳзода телефон симини тортиб узиб юборганди. Мен трубкани қўйгач, телефонга тикилиб бошимни чангаллаганимча туриб қолдим. Мен шундагина у донишманд қизнинг хатларимга нима учун жавоб ёзмаганини тушуниб етдим. Шаҳзода хатларимга жавоб ёзса оилам вайрон бўлишини яхши билган ва барча оловни ўзига олган кўринарди. «Ёшлик» журналида эълон қилинган «Дарахт» номли шеърим қўйидагича эди.

Дарахт менга йўл бўшатади,
Ўтганимда шу йўлдан доим.
Ва дарахтнинг сарғайиб кетган,
Хатларига кўмилар пойим.
Дарахт шўрлик мактубларини,
Кимдир олиб ўқишин пойлар.
Хатларини олис-олисга,
Олиб кетар почтачи сойлар.
Севиб қолган кимнидир дарахт,
Севган ёри ёзмайди жавоб.
Хатларини яшириб ўқиб,
Йиғлаб-йиғлаб этмайди тавоф.
Дарахт ҳар йил ёзаверади,
Сиёҳ, дастгоҳ, қалам, давосиз.
Хатларини ҳеч ким ўқимас,
Унинг севгилиси саводсиз.

Парвоз

Мен бўш пайтларим ёлғизликда симфонияли кўйлар тинглашни ёқтираман. Бах, Моцарт, Штраус, Вагнер, Жузеппе Верди каби буюк композиторлар яратган илоҳий куйларни тинглар эканман, жисму жасадимни тарк этиб осмонга кўтариламан ва уча бошлайман. Кеча радиодан таралаётган Фредрик Шопеннинг «Майоркада киш» симфониясини тинглаганимча ердан узилиб ҳавога парвоз қилдим, болалигим кечган жойларга юқоридан назар ташладим. Илиқ баҳор кунларининг бири. Дадам иккимиз оёқлари боғланган кўйимизнинг юнгини оляпмиз. Мен кўйнинг оёқларини босиб турибман.

Сочларини фашистик ташкилот аъзосидай таглаб, тап-тақир қирдириб бошига эскирганидан ранги ўнгиб, қадимги Европа олимларининг бош кийимига ўхшаб колган дўпписини кийиб олган дадам кўлидаги қайчи билан кўйнинг юнгини олар, ҳар замонда эҳтиётсизлик сабаб кўй терисини кийиб кўйиб - Ухх, беллат! – дер, сўнг ўша кийиб кўйилган кўй терисининг илвираб турган қонталаш жароҳатига худди коммунист кўксига қиздирилган темирни босаётган гестапочидай қора рангли дори шимдирилган лўпчикни босар, дори жароҳатни куйдириб ачиштира керак, кўйимиз азобдан типирчилар, атрофида айланганича бўзлаб мараётган кўзичоғига қараб тилини кўрсатганича аянчли мараб видолашаётганга ўхшарди. Дадам бўлса яна бир-икки қирқим адоғида тўхтаб, - Ихх, палакат, ёмон кийдиму – дер менинг кулгидан лунжим шишиб зўрикишдан бўйнимгача қизариб, портлаб кетишдан ўзимни зўрга тийиб тураман.

Дадам яна жишбабаси чиққан кўйимиз жароҳатига даҳрий кашфиёти билан осий деб эълон қилинган мақтул манглайига қиздирилган металл тамғани босаётган инквизитор сингари кўй терисининг тириклай қийилган жойига дорили лўпчикни босарди. Сўнг тагин ишга киришар, уч-тўрт қирқим поёнида яна қайчи мудҳиш ғийтиллаб дадам - Ухх, белат – дер, мен бундай пайтда кулгимни ортиқ тутиб туришга кафолат беролмай қолардим.

Куламану шу ондаёқ жиддийлашишга ҳаракат қиламан. Ниҳоят кўйимиз юнгини олиб бўлиб оёқларини арқондан бўшатамиз. Қорамтир дорилар доғидан холдарвей бўлиб кетган кўйимизнинг териси ҳарбий дала комуфляжи кўринишини касб этади. У «сўйворишмаганига ҳам шукр, бай-бай-бай-ба-а-ай» дегандай бош чайқаб шалпанг кулоқларини тапиллатди. Ўша кўйимизнинг жуда оғзи очиқ эди. Яъни кўп маърарди. Дадам уни яхши гап билан бир неча бор тартибга чақирди, Лекин, у маърашини кўймади.

Яхши гапни уқмагач, дадам куч ишлатишга мажбур бўлиб кўра олдида пойлаб турар, кўй маърашга оғиз жуфтлашди дегунча у худди Жан Клод Вандам каби оёғи билан кўй тумшуғига зарба берар, баъзан кўй «м» товушини талаффуз қилган куйи маърашга ҳам улгурмай тумшуғига тепки ер, мен кулиб қотар эдим. Охири, дадам кўйимизнинг тумшуғини чилвир арқон билан боғлаб кўйди.

Сўз эркинлигидан маҳрум қилинган, ҳақ-ҳуқуқи поймол бўлган кўйимиз диктатурадан норози ҳолда атрофга унсиз жовдираб қарарди. Симфонияли кўй қанотида учиб ўтмишни юқоридан кузатиш нақадар яхши!

Ана, мен музқаймоқни еб қоғозига тошни ўрадиму синглим Анорага узатдим «Мана, сенга музқаймоқ». Сингилчам хурсанд бўлиб музқаймоқ қоғозини очаркан, ерга тушган тошга қараганча йиғлайди. Мен эса куляпман. Кечир, синглим, тентак

акангни кечи-ир! – дейман. Лекин, у ҳамон йиғлаяпти.

Ана мен шарикли ручка ичидаги темирни ўйнаб ётиб юбордим. Рангим оқарди. Дадам, аям ва акам менга термулиб туриб қолишди. Таммом – деди дадам жиддий. – Энди буни тезроқ касалхонага олиб бормасак бўлмайди – дейди. Кейин менга, - Сал, эҳтиёт бўлмайсанми, аҳмоқ.? Бўл энди, кийимларингни кий. Сен ютворган темирни олиш учун дўхтирлар қорнингни ёради – дейди.

Мен кўрқиб йиғлайман. Дадам ҳамон жиддий.

– Кўйинг, ёш болани кўрқитманг, – дейди аям. Дадам кулгисини яширмоқда...

Мен эса ҳамон мусиқа қанотида Чол ибн Хаттоб каби соқолимни шамолларда байроқдай хилпиратганимча учаман. Учиб борарканман, чипта қоп билан ўралган баланд сўрига кўзим тушади. Юлдузлар чарақлаб ётган кеча. Ўша сўрида энам иккимиз юлдузларга тикилганимизча ётибмиз.

- Девона, - дейди энам, мени оҳиста туртиб - Уйғоқмисан?

- Ҳа – дейман мен. Энам боши остига уч-туртта ёстикни кўйиб ётар, у ётгандан кўра кўпроқ ўтирганга ўхшарди. Мен бўлсам бунинг акси. Ёстиксиз ухлашни яхши кўрардим.

- Сен етимга ўгай онанг болиш ҳам бермай шундай ухлашга кўникибсан шекилли, – дейди энам.

Мен куламан. Сўнг энамдан ухламаётганининг сабабини сўрайман.

- Ҳа демай, гўрга кириб кетаман, болам. Ёруғ дунёни томоша қилиб тўйиб олай – дейди энам. Сўнг: - Девона, мен ўлсам нима деб йиғлайсан? – дея сўрайди оқариб кетган соч толалари, юзлари ой нурида ёришиб, энам.

- Энаммо-о, энаммо! Уйимизнинг устун энаммо! Жигаримнинг бутуни энаммо! – деб йиғлайман – дея жавоб бераман ўлим-йитимда ёдлаб олганларимни айтиб.

Энам бу гаплардан озгин елкаларини силкитиб, тишсиз милклари ва тилини ой нурида ялтиратганича узоқ кулади. Кула-кула кўзларидан ёш чиқиб кетади... Мен яна учаман. Учавераман, учавераман. Узоқда тобут кўтарган одамлар кетиб бораётган йўл узра учаман. Бу тобутдаги маййит, менинг меҳрибон энажоним. Мен тобутдан олдинда тоғаларим билан бирга йиғлаб бораяпман,

– Энаммо-о-о, энаммо! Уйимизнинг устун энаммо! Жигаримнинг бутуни энам-мо! Фарзанд доғида ёнган суякларим гўрда ҳам совимайди деган энаммо!

-15-

Хосиятсиз туш

Нихоят СССР деган давлат худудида «Қайта қуриш» бўрони эса бошлади. Биров уни «Қайта қуриш» деса, яна биров «Қайта қуриштиш» дер, сўз эркинлиги юзага келиб, охири СССР парчаланиб кетди. Мен ўша пайтлари «Беҳосият туш» номли ҳажвия ёзгандим. У шундай бошланарди:

- Кеча тушимда ўлиб қолибману мени азоб фаришталари тўғри дўзахга ҳайдаб кетишибди. Дўзахга кираверишда ғорга ўхшаш тош камера бўлиб у жаҳаннам оловидан лопиллаб ёришар, дўзахга ҳукм қилинган гуноҳкор одамларнинг соялари тош деворларда гоҳ узайиб, гоҳ қисқарар, у ерда одам кўплигидан ўтиргани жой қолмаган эди.

– Ака, сал сурилинг, биз ҳам ўтирайлик, оёқ толиб кетди– дедим мен кўнғиз

муйловли озгин одамга.

Бадқовок кўнғиз мўйловли индамай сурилди. Мен тош ўриндик четига ўтирдим. Сўнг кўнғиз мўйловлига қараб: - брателла, кечирасиз, сиз жуда кўзимга иссиқ кўриняпсиз, Чарли Чаплин эмасмисиз, мободо? – дедим. Кўнғиз мўйловлининг ғазаби қайнади. Кўзларининг пахтаси чикди: - Нима дединг?! Нох айн мал! Швайне пальтизайн! Халт! Хенде Хох! Фюрерингни танитай колдингми қора ялоқ? Мен томирида Орийлик қони жўш урган учинчи рейх фюрери Адольф Гитлер бўламан! Бу гапларни эшитиб рангим оқариб кетди - Ҳа-а-а, энди танидим. Узр, Битте – дедим базўр. Гитлер бироз жаҳлидан тушиб, чап манлайига осилган барок сочларини тўғрилаб қўйди. Бир маҳал, бўйи пастакроқ калласи гавдасига номутаносиб, қизил соқолли, тепакал кимса ўрнидан туриб мен тамон кела бошлади. Тепакал етиб келгач, бир қўлида латта кепкасини ушлаган куйи бир қўли билан кастимининг баридан тутиб айёрона йилтиллаган қийиқ кўзлари ила кўзларимга жилмайиб тикилди.

Сўнг: - меничи, мени танидингизми, ўйтоқ? – деди. Мен бу одамни ҳам биронтасига ўхшатиб гап эшитиб қолмай дея жим турдим. Шунда у менга ёрдам бера бошлади:

- Яссия... Петягяд... Смольний... Еволюция...-а? Эсладингизми ўйтоқ? ВКПБ, ЭйсДЙП! Ишчи деҳқонлай кўзғолони, Бутун Дунё пятайлайи бийлашингиз!..

- А-а-а, танидим, танидим. Ие, буни қаранг! Сиз, ўртоқ Ленинмисиз?! (Шундагина Лениннинг тили «чуччи»лиги эсимга келди).

- Кечирасиз, Владимир Ильич, танимабман. Бой бўлар экансиз! Сизни бу ерда учратаман деб сираям ўйламовдим. Учрашган жойимизни қаранг –а!

Ленин суюниб кетди: - Ҳа, баякалла! Қалай, Туйкистонда босмачилай ҳаякати тугатилдими?

- Тугатилган. Тугатилгану-у...

- Ҳа, нега тугатилгану-у-у деяпсиз, ўйтоқ?

- Тугатилдию, лекин, яқинда, Владимир Ильич, СССР парчаланиб кетди.

- Нима?! СССР пайчаланиб кетди? Ие, нега пайчаланеди? Нималай деяпсиз, ўйтоқ? Лениннинг асаби бузилди. У, у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Мен бўлсам, - кечирасиз, Владимир Ильич, бу гаплардан хабарингиз йўқмиди? – дедим.

Ленин юришдан тўхтаб деди: - Ие, қизиқсиз-а, вей, қаёқдан хабайим бўлади? Бу ейда телетайп бўлмаса... Ўйлаб гапийяпсизми, ўйтоқ?

- Ҳа, дарвоқе, - дедим мен.

Кутилмаганда Гитлер бақира бошлади, - О, Майн Гот! Зер гу-у-уд!

Кўнглимдагидай бўлибди! Хойте фелен их бин шпиле!

О, Дойчланд! О, майн Фатерланд!

Руссиш капут! Ха-ха-ха! Капу-у-ут!..

Ленин яна у ёқдан бу ёққа асабий юра бошлади. Кейин тўхтаб, Гитлерга қахрли қараб қўяркан менга, - ҳокимият, ЭСЭЙлайнинг қўлига ўтдими? – деди.

- Йўқ, Владимир Ильич, ҳокимият Ельцин деган одамнинг қўлида. Ўша Президент бўлиб сайланди.

- А, сайланди? Йў моё... Нега сайланади? Нега большевиклай буйжуазияга йўл беяди? Ё моё!

Ленин шундай деб тиззасига шаппатилади.

- Жириновский деган депутат, - Худога шукр, одам ёқадиган кремоторийларимиз

гувиллаб ишлаб турибди. Мовзолейдан Лениннинг жасадини опчиқиб ёқиш керак, деяпти, - дедим мен.

- Ие, шундай дедими? – деди, Ленин ҳайрон бўлиб.

- Кечирасиз, Владимир Ильич, бу ерларда нима қилиб юрибсиз? – сўрадим мен.

Э, қаямайсизми, ўйтоқ, Майкс билан Енгельснинг гапига кийиб Худо йўқ деб юявейибмиз... - деди Ленин афсус надомат ичра кепкасини миждилаб.

Шу маҳал сочлари орқага таралган, шоп мўйловли, ҳарбий китель, галифе шим кийган бир қўли шол, сувараккўз одам трубкасини сўриб, менга яқин келдида, - Камаржўба, генацвали – деди.

- Э, салом, ўртоқ Исталин, - дедим мен уни дарҳол таниб.

– Салом, салом – деди у трубкасини шимиб - Қалай, Ўзбекистонга кўчирилган, Қирим татарлари, Украинлар, Чеченлар янги жойларга кўниқиб кетишдими?

- Э, йўқ, улар ўша пайтлардаёқ очликдан кирилиб кетишган ўртоқ Исталин - дея жавоб бердим мен.

Сталин трубкасини оғзидан суғурди - А-а-а, миллион-миллион одам-а? Қирилиб кетдими? О, баччаға-а-р! Унинг муйловли оғзи хас хашаклари осилиб турган ковакка ўхшаб қолди,

- Урушда ва «Гулаг» архипелагида ундан ҳам кўп одам қирилиб кетган. Сиёсий қатағон қурбонларидан бири - Солженицин деган одамнинг ўлмаи омон қолгани учун Нобель мукофотини беришди. Бутхона, синагога, масжидларни бузиб, Раввин мулла, монах, ахраманларни Сибирьга суришганидан, шоир ёзувчиларнинг отиб ташланганидан, наҳотки беҳабар бўлсангиз, ўртоқ Исталин? – дедим мен.

- Тухмат! – деди Сталин, – Зиновьевни, Бухаринни, Свердловни, Кировни ва бошқа юқори эшалондаги оппонентларимни бир ёқлик қилганим рост. Лекин қолганларини мен ўлдирмаганман! Қолганлар ўзларини ўзлари сотиб, каматиб ўлдирган бўлса керак. Кейин, Берия бу ишларни менга тўнкаб қўйган. «Ҳолвани ҳаким, калтакни етим ебди» дегани шу бўлса керакда. - Ҳой, Генацвали, Японларда бир мақол бор. Ўтмиш ўтди. Келажак ноаниқ. Бугунги кун билан яша деган. Яхши гаплардан гаплашайлик. Каналлар қазилиб, сувлар кўпайиб Мирзачўл ҳам пахта етиштирадиган ям-яшил далаларга айлангандир-а? Ҳалиги, бошида бир туки ҳам йўқ, доим ялангбош юрадиган, Фантомасга ўхшаш йигит бор эдию. Ҳах, отинг қурғур джигит. Ҳалиги канал қазадиган. Мен унга эски соатимни совға қилувдим. Йиғилишга кеч қолганида...

- Ҳа-а-а. Усмон Юсуповми-и?..

- Ҳа, ха, худди ўша. Мен унга, - Сени Москвага олиб келай дейману Москванинг ҳамма жойидан каналлар қазиб ташлайсан дея қўрқаман дегандим. Ўша джигит - Ўртоқ Сталин, Ватанга сифатли ва мўл-кўл тола армуғон этиш учун чўлу биёбонларга ҳам пахта экяпмиз. Агар рухсат этсангиз, кузда ҳосили йиғиштирилган далалар устига киянка ёпиб, пахтани дала парникларида ҳам етиштирсак. Ватанимиз пахта мустақиллигига эришган бўларди - деганди. Унинг орзулари руёбга чиққандир?

- Э, қаёқда, ўртоқ Исталин, чўлга сув ҳайдаган дарёлар қакраб, экологик мувозанат издан чиқди. Орол денгизи қуриди. Қорақалпоғистон ва Хоразм воҳаларини шўр қум босиб бормоқда.

Мен айнан шу мавзуда «Пушаймон» номли шеър ёзгандим, ўқиб берайми?

Сталин соатига қаради. - Менинг вақтим зикроқ эди. Ҳа, майли, ўқи. Фақат қисқа

килиб... Қани...

Мен шеърни қироат билан ўқий бошладим:

Ёшлигимда чўл қувар эдим,
Қувар эдим чўлларни ёмон
Чўллар мендан кўркиб қочарди,
Кулгим қистар эсласам ҳамон.
Қувмай десам уйқу бермасди,
Қуварликнинг муқаддас бурчи,
Бўронда ҳам қувлайверардим,
Кўзда қумнинг калампир-мурчи,
Билсам бекор қувган эканман.
Дарёларда қуриди сувлар.
Қасос дунё экан, бу дунё,
Бугун энди, чўл мени қувар.

Сталин трубкасини тишлаганича вазминлик билан қарсақ чалди - Ваҳ, маладес, генацвали! Маладес! Шота Руставелига ўхшаб ёзаркансан.
Мен Сталин мактовларига шубҳа билан қараб - Кўнгил учун қарсақ чаляпсизми, ўртоқ Исталин? – дедим.

- Нималар деяпсан, бижо, шундай жойда ёлғон гапираманми? Қара, жаҳаннамнинг ёнишини. Э, Худо, ўзинг кечир, осий кулинг Иосиф Жугашвилини! Қанча-қанча бутхоналарни, кўнғироқ хона минораларини кулатдим! О, Господи!

Шу пайт маҳкумлар ичидан Усмон Юсупов суғурилиб чиқдида:

- Салом, ўртоқ Сталин – чақиртирган экансиз... - дея, қўл қовуштирди. Сталин трубка мундштугини оғзидан суғуриб Усмон Юсуповга бироз қараб турдида:

- Аҳмоқ, қаерларда юрибсан, Бухариннинг думи? Халқ душмани! Орол денгизини қуритибсану! Энди нима қиламиз? Пахтани энди энангни анақасига экамизми, огородига? – деди.

Усмон Юсуповнинг ранги оҳакдек оқарди. Сўнг, тиз чўкиб - Мени кечиринг, ўртоқ Сталин! Бу ишларда мени айбим йўқ! «Мирзачўлни ўзлаштириш» ўртоқ Лениннинг лойиҳаси билан амалга оширилган.

Шу маҳал Ленин югуриб келиб бақира кетди:

- Нима? Нима дединг? Мен «Мийзачўл» деган сўзни энди эшитиб туйибман.

Лойиҳада «Голодный степь», деб ёзилган. Мать твоё... Коммунистик пайтия шанига доғ тушийдингку яямас! Пайтбилетни столга қўй! Контя! Ёт унсуй!

- Йўқ, ҳеч қачон! Партбилетни топширгандан кўра ўлганим яхши! - Усмон Юсупов шундай дея ўрнидан турдида, «интернационал»ни бас овоз билан куйлай бошлади: Кўзғол, эй, лаънатла тамғаланган, куллар ва очлар дунёси!

Эгнига йўл-йўл чопон, оёғига кирза этик кийган ялангбош, чўққисокол Йўлдош ота Охунбобоев ҳам унга жўр бўлди.

Кутилмаганда Усмон Юсупов оловли лава оқаётган жаҳаннам сари югириб:

- Яшасин халқлар дадаси, ўртоқ Сталин! Сталин учун! – дея олов дарёсига ўзини отди. Унинг ортидан - Бутун Дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Санъатсиз турмуш ваҳшийликдир! Ўроқ болға, ҳамиша олға! - деганича югуриб бориб Йўлдош Охунбобоев ҳам жаҳаннам оташига ўзини отди.

Бу воқеани лоқайдлик билан кузатиб ўтирган Адольф Гитлер хром этигини

кўнжисидан лаб гармонини олдида бароқ сочларини манглайига осилтирганича куй
чалиб кўшиқ айта бошлади:
Феле Конен мих бенеден
Велес глюк кан гробер зайн
Диезес гробле, диезес шонсте
Диезес бесте ланд ист Майн...

Бир маҳал уйғониб кетибман. Қарасам, ним қоронғу субҳи содик, ғира-ширада
радиодан:

Навбахор айёми бўлмиш мен диёру ёрсиз.
Булбул ўлғондек ҳазон фасли гулу гулзорсиз.
Гоҳи сарв узра гаҳи гул узра булбул нағмасоз,
Ваҳки, менман гунгу лол ул сарви гул рухсорсиз.
Равза ашжори ўтиндир гуллари жонимға ўт,
Мумкин ўлса анда бўлмоқлик даме дилдорсиз.
Аҳли зуҳд ичра Навоий топмади мақсадға йўл,
Вақтингизни хуш тутинг эй, жаъмиким хумморсиз.

деган кўшиқ янграр эди. Ўша мудҳиш туш акс этдирилган юқоридаги ҳажвий
ҳикоям адабий жамоатчилик орасида анча шов-шувга сабаб бўлиб қамалиб
кетишимга оз қолганди.

- 16 -

САЙЛОВ БУСАГАСИДА

1988 йил кузида «Бирлик» Халқ Харакати дунёга келди. «Бирлик» Ўзбекнинг
буюк ҳофизи ва истеъдодли шоири Дадахон Хасаннинг уйида тузилган булиб, бу
тарихий тадбирда Техника фанлари доктори, Абдурахим Пулат, ёзувчи Зохир
Аълам, шоир Аҳмад Аъзам каби қатор зиёлилар, миллат ойдинлари иштирок
этган. Юз йиллардан бери таланиб хўрланиб келган, алал оқибат зулму истибдод
кишанларидан кутилиб бораётган, озодликка ташна Ўзбеклар «Бирлик» Халқ
Харакатини кучок очиб қарши олди, унга ишонди ва бу ҳаракат сафлари шиддат
билан тўлиб, аъзолар сони кескин уса бошлади. Айниқса, бу Ҳаракатнинг юзага
келиши мен ва менга ухшаш муҳолиф фикрли кишиларнинг руҳият байрамига
айланди.

Мен гарчанд «Бирлик» Халқ Харакати аъзоси булмасамда, «Бирлик» аъзолари
билан баробар демократия гоёларини элга тушунтириш, истиклол мафқурасининг
кишилар онгига сингдириш йулида кулдан келганча ишлар эдим. Уша пайтлари
«Бирлик»нинг варақалари чиқар, биз бу варақаларда эълон қилинган мақолаларни
руҳий очлик билан кулма-кул қилиб уқирдик. У варақаларда журналист Салай
Мадаминовнинг маъюлалари чоп этилар, мен шунча пайтлар уни сўзи билан иш-
амали бир, фидоий, виждонли деб уйлаб юрардим. «Бирлик»нинг яна бир кузга
қуринган фаоли, техника фанлари доктори Абдурахим Пулатни ҳам яхши
билардим ва каттик хурмат қилардим ва хозир ҳам бу Лидерга нисбатан хурмат

эхтиромим баланд.

Ўша замонда кудратли кучга айланган «Бирлик» Халк Харакатидан Каримов ҳукумати кўрқар, ундан кутилиш йулларини ахтарар, Харакатни турли бахоналар билан Адлия Вазирлиги руйхатидан утказмас эди.

Нихоят, Каримов ҳукумати лавадек окиб келаётган бу кудратли кучни икки узанга буриб кучсизлантиришга эришди. Яъни, «Булиб ташла, хукмронлик кил» деган гоёга амал килиб «Бирлик»ни булди. Ундан «Эрк» партияси ажраб чикиб, бу партияга Салай Мадаминов раҳбарлик кила бошлади. Кизиги шундаки, 1993 йили бу партия Каримов руҳсати билан Адлия Вазирлиги руйхатидан осонгина утди. Куп утмай, Президентлик сайловида иштирок этиши учун Салай Мадаминовга уз номзодини куйишга руҳсат берилди ва у номзодини куйди. Мен бу маҳаллар «Эрк» партиясининг аъзоси сифатида, мустақил равишда Салай Мадаминовнинг сайлов олди тарғиботи билан шугулланардим.

Хали ҳам эсимда, бир норасмий йигиндаги бахсу мунозарада кайгули воқеа юз берганди. Узини уша пайтдаги кандайдир диний жамоа аъзоси деб билган, 45-50 ёшлардаги пахмок сокол бир кимса, суз олиб гапира бошлади:

- Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ассалату вассалам ала Расулиҳи Муҳаммад ва ала олиҳи ва соҳбиҳи ажмаъин, аммо баъд, мухтарам жамоати муслимин. Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг 80-90% мусулмон, яъни, сайловчиларнинг асосий қисмини мусулмонлар ташкил қилган шариатда, биз президентлик сайловига бефарқ қараб туролмаймиз. Мен икки номзоддан бирига тухталмоқчиман. У Муҳаммад Солиҳ номзоди. Узига Муҳаммад Солиҳ деб таҳаллус қуйган бу номзоднинг асл исми Салай фамилияси Мадаминов. Мен шахсан бу одамнинг президент булишига тиш тирногим билан қаршиман! Чунки, у халқимиз ёзувини қирилл имлосидан лотин имлосига утқазилишига бош-қош булди. Мен ҳам имломизнинг узгартирилишини хоҳлайман. Фақат, лотин имлосига эмас, араб имлосига қайтишимиз керак!

Негаки, бизлар араб имлосидан зарар қурмадик. Аксинча, Имом ал Бухорий, Бегуний, Ибн Сино, Ал Хоразмий ва Замахшарийлар каби бобоқалонларимиз айнан араб имлосида ижод қилиб, довлуги дунёга дoston булди. Салай Мадаминов дегани халқимиз ёзувини лотин имлосига қайтариб, Соҳибқирон Амир Темир сағанасини купорган, ул зотнинг руҳини безовта қилиб, бош чаногини рус хайқалтароши Герасимовга бериб юборган ва Сталиннинг хуфя топшириги билан Ўзбек халқи ёзувини лотин имлосига утқазган ва тараккиётдан 50-100 йиллик қолоқликка итқитиб ташлаган, сотқин - Қори Ниёзий жиноятини тақрорлади!

Биродарлар, агар лотин имлоси фойда келтирса, биздан бурун руслар, яҳудийлар, японлар, хитойлар утган булмасмиди? Нега улар уз ёзувларидан воз кечмаяптилар?! Руслар, грузин, арман, латиш, эстон, литвинлар ҳам ёзувларини узгартирганлари йук. Чунки, улар имло узгарганда миллат тентираб, узок йиллар тараккиётдан ортда қолишини яхши билишади. Имлони узгартириш гоёси

миллатимиз душманларининг уйлаб топган фитнаси! Улар миллатимиз тараккийсини истамайдилар! Узокка бормай, Лениннинг 17 йиллардан бошланган имло интервенциясини олайлик. Улар, Революция - янги хаёт, коммунизм аталган умумкурпа сиёсати бахонасида, Туркистон халкларининг ёзувларини узларининг ёзувларига утказдилар. Улар шу тарика сунъий саводсизликни юзага келтириб, Туркистон халкларини тараккийётдан кайтардилар. Кейинчалик тил интервенцияси бошландики, бизнинг халклар уларнинг тилини урганишга мажбур килинди. Бизникилар рус тилини ургангунича тил эгалари, бизга караганда 50 йилга уздилар. Шунда ҳам уларга етиб олаётган истеъдодли халкимизни курулмаганлар, Кори Ниёзийга ўхшаш хоинлар қўли билан 37 йиллари яна лотин имлосига ўтказиб, халкимизни маънавий таназзулга, кулликка дучор килиб, юртимизни хом аше базасига айлантиришди. Куръони Каримни нозил килишда, Аллох танлаган имлога утамит деб турганимизда, бу гузал имлони назар-писанд килмаган Салай Мадаминов пайгамбаримиз исмларини тахаллус килишга ҳеч қандай ҳаққи йук. У, уша Латин Америкасидаги исмлардан узга тахаллус килсин! Бунинг устига у шоир ҳам экан. Аллох, «Куръони Аъзиму шаън»да шоирларни шайтонга тенглаб, шоирларга эргашманглар, дея марҳамат килган. Бизлар араб имлосига кайтамит! Салай Мадаминов соткин! Соткинга улим! Аллоху Акбар!.. У шундай деб гапини тугатди. Даврада унинг тарафдорлари куп экан. Хар томондан «Аллоху Акбар! Аллоху Акбар!» дея кичкиришди.

Мен кул кутариб суз сурадим.

- Менга ҳам суз беринглар! – дедим. Мени ҳам узларининг тарафдорларидан деб уйладими, хайтовур шовкин босилиб гапимга кулок солишди.

- Азиз Ватандошлар! – дея гап бошладим мен. Манави нотик акамизнинг гапларига мен асло кушилмайман. Чунки, бу одам махсус хизмат булимининг сайратма провакатори, милициядан ҳам ярим ставка ойлик олиб турсалар керак. Лотин имлосига келадиган булсак, лотин тили улик тил. Яъни, уни эгаси йук. Лотин деган миллат йук, демокчидан. Демак, бу имло биз учун беминнат ёзув булиб хизмат килади ва ҳеч Ким, узбеклар бизнинг имлода ёзиб саводли булган, дея маломат килолмайди. Иккинчидан, бу ёзув тараккий этган Гарб ва Европа мамлакатлари ёзувига якин. Бу имлода укиган узбек ёшлари инглиз тилини осон урганади. Колаверса, компьютер ёзувларининг ҳам аксарияти лотинча... Бу ёзув худи, туркларга тараккийёт олиб келгандай, бизга ҳам катта фойда келтиради. Учунчидан, акамиз Салай Мадаминовни шоирлиги учун унга овоз берманглар, деябди. Шоирлар шайтон эмиш. Бекор гап, «Куръони Карим»да Аллох сакланишни буюрганда, иймонсиз, бузгунчи, ширкчи шоирларни назарда тутган. Иймон эътиқодли шоирлар бундан мустасно! Хусайн Байкаро ҳам, Бобур ҳам, Кукон хони Умархон ҳам, Хоразм хони Феруз ҳам шоир булгани тарихдан маълум. Хақиқий шоирда китмирилик, ёмонлик булмайди. Улар халкни сиз билан биздан купрок яхши куради. Чунки, шоирларга томдан кура, ном заруррок.

Бировга улим эълон килгунча, узингизга умр тиланг, таксир! Яшасин, Салай Мадаминов! Яшасин, Мухаммад Солих! – дея бакириб, гапларимга яқун ясадим. Лекин, минбардан тушишимни биламан, кимдир «Салайнинг малайини ур!» дея бакириб, юзимга шунака мушт туширдик, кузимдан ут чикиб кетгандай булди,

гуё.

Кимдир буйним аралаш орка миямга урди. Зарбадан куз унгим коронгилашиб, йикилаётганимда, яна биров икки елкамдан тутиб туриб, юзимга тизза куйди. Кейин нима булганини билмайман. Бир махал узимга келсам, «Оталар чойхонаси»нинг сурисида ётибман. Маслакдошларим ҳам кочворишибди. Бош томонимда турган одам чойхоначи экан. У менга бир-икки пиёла совук чой ичкизди. Чойхоначига рахмат айтиб, кул ювадиган мослама кузгусига карадим. Карасам, манглайимда тухумдай гурра, юзларим кашка, буйним тилиниб лабларим карнайчиларнинг лабидай шишиб кетибди. Кастимимнинг бир енги йук. Худи, масхарабозга ухшаб колибман. Бир оёгим кайрилиб колганми, дейман, азоб бериб огрир, мен огриётган оёгимни омовдай судраб, худди чулок ит сингари уйга жунадим. Йил оёклар, ниҳоят сайлов куни ҳам етиб келди. Мен кишлогимиз марказидаги сайлов участкасига ҳаммадан эрта бориб, сайловнинг хакконий утишини таъминлаш мақсадида, «Эрк» партиясининг вакили булиб турдим.

Бир домла бюллетендан Каримов номини учираётган эди, уша пайтда хажга бориб келган бир хожи ака, унинг ёнига бориб, - эй, уни учирманг, мана буни учиринг, мана буни! – дея ручкани худди мих ушлагандай ушлаб, бор кучи билан Салай Мадаминов номини учира кетди. У шу кадар кахр билан 5-6 бор, у ёкдан бу ёкка чиздики, бюллетен жонвор тешилиб, йиртилиб кетди. - Ё алхазар, биз шунчалар хурмат килган одамни, булар нега бунча ёмон куришаркин, нафратланишаркин! – дея хайрон булиб колганман ушанда.

- 17 -

ДОМЛА

Мен ТошДУда сиртдан ўқиб, кишлогимиздаги ўрта мактабда ўқувчиларга Она тили ва адабиётдан дарс бериб юрган кезларимни ўйлаб: - Эҳ, кандай ёруғ ва ажойиб дамлар экан у дамлар! – дея, ҳеч ким бўлмаса ҳам ўзимга ўзим жилмайиб кўяман. Хаёт деганлари қизиқ экан. Ёшлиқда ёнига йўлаб бўлмайдиган, жиддий гигант домлалар билан вақтлар келиб, ўқувчиларга дарс бераман, улар билан улфатчилик қиламан, деб сира ўйламаган эдим. Мактабда мендан ташқари Мамадалиев, Тиллаев деган тил-адабиёт фани ўқитувчилари бор эди. Мамадалиев Маллавой ака иккинчи жаҳон уруши ногирони бўлиб, бир қўли осколка жарохатидан куриб колган. Унинг қийшиқ қули, худди сковородкада қовурилганга ўхшарди. У жим ўтирмаган ўқувчиларни: - Жим ўтир, энанг улгур - дея, тартибга чақирар, дарсга кечиккани - Қаерларда юрибсан, энанг улгур?! - дея тергарди. Қизиқроқ гап эшитса ҳам кулу-кула - Во, энанг улгур! – деб кўярди. «Энанг улгур» лақабли бу домла ҳаммани «энанг улгур» деявергач жуда кўп ўқувчиларнинг эналари ўлиб кетган.

Мусаев Иминжон деган директор ўринбосаридан ўқувчилар худди, «Освенцин» ёки «Маутхаузен» ўлим лагеридаги махбуслар гестаподан кўрқандай кўркиб яшардилар. Қотма- қорачадан келган, чузиқ юзли бу математика фани ўқитувчисининг қўллари бир жуфти чакмок эди гуё. У қўллар парракдек айланиб,

қурбонини қипиққа айлантириб юборишга тайёр эди. Гарчанд, Мусаев оламдан ўтиб кетган бўлсада, унинг кўлида ўқиган ўқувчилар халиям ундан кўрқишади.

Тиллаев, гарчанд ўқувчиларни урмасада, кинояли гаплари билан урмай-сўкмай тўнини йиртар, ўқитувчилар хонасида қизиқ-қизиқ гаплар билан ўқитувчиларни кулдириб қотирувчи латифагуй одам эди. Биз Тиллаев билан бир сменада тушдан кейин дарс берардик. Менинг ҳам улардан фарқли ўлароқ ўз дарс ўтиш услубим бўлгани учунми ё дарсга ўқувчиларни хайратда қуядиган воқеа ходисаларни боғлашимми, хуллас дарсимдан биров қочиб кетмас, уриб-сукмасамда ўқувчилар жим ўтирар эди. Менинг услубларимдан бири, агар ўқувчининг қули кир булиб кетган бўлса: - Э, кўлингни ювсанг, ўласанми? - деб ўтирмай - қўлкопинг кутлуғ бўлсин, неча пулга олдинг? – дер эдим. Ёки тирноқлари ўсган бўлса - Тирноқларингни яна озгина ўстирсанг, шиша банкадан тузланган бодрингни санчиб олишга қулай бўлади. Бу тирноқлар билан шурупларни бураб, чиқариб радио-телевизор тузатиш ҳам мумкин - дер эдим.

Гапларимдан ўқувчилар кулиб қотар, тирноғи ўсган, кўли кир бола қип-қизариб кетар, эртасига кўллари тоза, тирноқлари олинган холда ўтирган бўларди. Биз Тиллаев иккимиз дарсдан кейин бир кило гўштни димлаб, яримта ароқни ичардик-да, йўгон кекириб уйга жўнардик. Хар куни, охирги соатларда Тиллаев домла менга пул бериб, - Шоир, қассобдан бир кило гўшт, магазиндан яримта ароқни олингда, Абу Бакирни чакиринг – дер, мен ароқ билан гўштни олиб келиб, мактаб ошпази Абу Бакирни химия кабинети деразасидан чакирар эдим. Негаки, Абу Бакирларнинг уйи мактабга қўшни эди. Мен ўқувчиларга вазифа бериб, - бўпти, энди кетаверинглар, қоронгу тушиб кетди, тагин туманда адашиб, битта-яримта чуқурга тушиб кетманглар - дердим. Ўқувчилар бўлса, жўр бўлиб: - Йўқ, дарс утмайсизми? - деб туриб олишар, ўрнидан қўзғолишмасди. Чунки, улар менинг дарсимни яхши кўришарди. Мен дарсга боғлаб уларга ўзбек шоир - ёзувчиларини қандай қатағон қилинганини, Абдулла Қодирийни қандай отишганини, шундай буюк ёзувчимиз жасадини чумолилар еб кетганини, кафансиз, жанозасиз кетганини гапириб бериб, баъзан яширинча дарслар ўтардим, уларнинг онгига демократия ғояларини сингдиришга ҳаракат қилардим. Бир куни доскага ёзар эканман: - Бугунги дарсимиз «Мухаммад Солих» - дедим. Хамда, Салай Мадаминов ҳаёти-фаолиятига қисқача тўхталиб, унинг шеърларини таҳлил қилганимча, дарс ўта бошладим.

- Қарғалган миллатнинг болалари қул,
Дарёлари қуриб чирир ерлари,
Қарғалган миллатнинг келажаги тул
Хотинлари туғмас, бепушт эрлари...

Эртасига мактабда тус-тўпалон бошланиб, мени сурокқа тутишди. - Нега халқ душманини дарс қилиб ўтасиз? – дейишди. Мен дарсга боғлаб, феодал-клерикал адабиёт намоёнчаси, ун тўртинчи асрда яшаган ва «Шайбонийнома» асарини ёзган, Хоразмлик шоир Мухаммад Солих

хақида билим берганимни, бунинг эса, ҳеч қандай ёмон жойи йўқлигини айтиб, хотиржам жавоб бердим ва таъқибдан қутилиб кетдим.

Ўша кеч роса лайлақкор ёғаётган эди, Тиллаев иккимиз ғалвадан қутилганимни нишонлаб ҳамма кетгач, мактаб қоровулхонасида «яримта»ни майдалардик. Бир махал, кимдир қорларни ғарт-ғурт босиб қоровулхонанинг пастак деразаси ёнида тухтаркан, ойнани тақиллатди. Мен стол устидаги «чулок» ароқни яшириб пардани қайрисам, дераза ортида, тулки телпак кийган Қайим полвон тиржайиб турарди. Мен унга, бу ёқдан кир, дегандай эшикка ишора қилдим.

Қайим полвон эшик ёнига келиб, ер депсинганича этикларидagi қорларни қоқди. Мен эшикни очганимда, у бесунақай тулки телпаги билан палтоларидаги қорларни қоқиб, ичкарига кирди.

- Ҳа, итриски, келяпсанми, тимирскalaniб? – дедим хазил аралаш, узимдан ун ёш катта одамга. Қайим ака қулди. Биз бир-биримизни хазилимизни кутарамиз. Оғирлиги 100 килодан ортиқ, семиз, юмалоқ юзли, кураш тушса, елкаси ерга тегмайдиган Қайим полвон қалбида кири йўқ, қувноқ, самимий одам. Сенласам хафа бўлмайди.

У палтосини ечиб, телпагига қўшиб илмоқа иларкан, печкада исиниб стулга ўтирди. Сўнг, Тиллаев билан хол-ахвол сўрашгач, менга қайрилиб - ха, жинкаш юрибсанми, жинларни занжирбанд қилиб? - дея, 36 килолик полвон тошдай мушти билан елкамга туртди. Мен индамай ароқни олиб стол устига қўйдим. Иккита пиёлага қуйиб, бирини Тиллаевга узатдим, иккинчи қадахни Қайим акамга узатдим.

Қайим акам пиёлага қараб менга танбех берди:

- Э, қўлинг қалтирамай тўлдириброк қўй. Нима, мен Нил дарёсидан сув ичаётган қалдирғочмидим сенга - деди у. Мен пиёлани ароққа тўлдирдимда, Қайим акамга узатдим.

Тиллаев қўлидан ароқли пиёлани қўймай:

- Қани, Қайимжон, бир нарса денг - деди.

Қайим акам қадах сўзи айта бошлади:

- Бир донишманд: - Пролетархон ҳамон Мамлакатхон як шавет! – деган экан.

Менинг тилагим домлаларга Худо инсоф берсин. Айникса, манави Холга. Лекин, бу тентакнинг қалласи зўр ишлайди. Бу яқин орада катта рахбар бўлиб кетади.

Ушанда бизни ҳам эсан чиқариб юбормасин. Мени ўзига шўпир қилиб олсин.

Шунинг учун ичамиз, - деди.

Қайим акам шундай дея, энди Тиллаев билан қадох уруштирмоқчи бўлиб тутувди, мен сохта жиддийлик билан ковоғимни ўйиб:

- Сени шўпир қилиб бўларканми, ахволингни қара. Машинанинг кабинасига қисилиб қолсанг, Фавкулодда ходисаларни олдини олиш қўмитасидан мутахассис чақириб, кабинани автогенда кесиб ажратиб оламизми, сени? - дедим.

- Сенга «Запорожец» беришармиди, «Волга» беришар. «Волга»га сиғаман, - деди Қайим акам.

- Лекин ақлинг заифда - дедим мен. Машинани тезлатиб туриб - «пу-ушт, тормози йўқ!» - дея, ўзинг катапульта қилиб сақраб тушиб қолсанг, мен нима қиламан? -

дедим.

Қайим акам бироз жим тургач илжайиб:

- Шоирлар жинни бўлади деса ишонмас эканман. Энди, тап-тақир ишондим - деди.

Сўнг: - Куф-суф! -дея ўпкасидаги хавони чиқариб ташлаб арокни оқ урди.

Тиллаев майда тишли қип-қизил милқларини кўрсатиб куларди.

Мен ароқнинг батхўрлигидан афтини бужмайтираётган Қайим акамга газаки узатдим:

- Ма, тешиб чиксин. Қайим акам, - раҳмат - дея газакини иштаха билан ямлади.

Бизлар шу тариқа хазил - мутойиба қилиб кулишиб узоқ ўтирдик. Бу маҳал ташқарида ҳамон лайлақор бўралаб ёғар, қайрилган дарпарда аро, дераза ойнасида кўринган қорлар ёруғи шуурим зулматларини ёритаётганга ўхшарди...

- 18 -

ФАОЛИЯТ

Кутилмаганда мени вилоят ҳокимлиги қошида очилган “Маънавият ва маърифат” Марказига ишга таклиф қилишди. Янги ишга ўтиш учун ҳужжат тайёрлаб юриб мактабга келсам, 10-“А” синф ўқувчилари мени ўраб олишиб нега дарс бермай кўйганимни сўрашди. Мен бошқа ишга ўтаётганлигимни айтдим. Шунда қизлар йиғлаб: - Домла, сизга ўрганиб қолган эканмиз, етимга ўхшаб қолдик - дейишди. Мен уларни тинчлантириб: - Энди менинг ўрнимга Мамадалиев дарс ўтади. Менга қараганда таржибали, - дедим. Лекин қизлар: - Йўқ, бизга бошқа ўқитувчи керак эмас, ўзингиз дарс ўтинг - дея йиғлашди. Мен нима дейишни, уларни қандай юпатишни билмас эдим. Охири хайрлашиб жўнадим. Ўқувчиларим мени кўзларида ёш билан кузатиб қолишди. Мен “Маънавият ва Маърифат” Марказида етакчи мутахассис бўлиб ишлай бошладим. Бизнинг ишимиз аҳоли орасида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб фуқаролар онгига истиқлол ғояларини сингдириш, жамиятда мустақиллик мафқурасини барпо қилиш эди. Мен вилоят туманларида ўтказилаётган бир неча тадбирларда сўзга чиқиб Ўзбекистон ҳукумати сиёсатига зид демократик ғояларни зимдан тарғиб қилаётганимни, халқнинг “кўзини очаётганимни” сезиб қолишгач, менинг ёзган докладларимни цензура назоратига олишди ва мени тадбирларда иштирок этдирмай, иштирок этсам, сўз беришмайдиган бўлишди. Ҳатто Марказ йиғилишларида ҳам гапиргани изн беришмас эди. Бир куни вилоят ҳокимлигида тузилган маҳалла фуқаролари йиғинларининг раислари аттестация ўтказиш комиссияси билан туманларга чиқажагимни хабар қилишди. Эртасига эрталаб вилоят ҳокимлигидан ажратилган “Раф”да туманлардан бирига жўнадик. Туман ҳокимлигидаги йиғилишдан сўнг ҳаммамиз ҳар қаёққа тарқадик. Мени ҳам “Газ - 31” маркали машинада бир маҳалла фуқаролари йиғинига олиб кетишди. Бориб йиғин раиси билан суҳбат ўтказдим. Раис ўлгудай лаганбардор экан. Ўзи мендан йигирма ёш катта бўлишига қарамай мени “Холдоржон ака, Холдоржан ака” - дер, нукул қўл ковуштириб менга илтижоли кўз тикиб худди дафн маросимидаги одам каби шикаста овоз билан сўзларди. Менинг элликта саволимга жўяли жавоб беролмагач, мен унга: -

Ака, ишлар хуржун-ку? Сиз бу дунёқарашингиз ва чала саводингиз билан бу лавозимда бир минут ҳам ишламаслигингиз керак - дедим. Раис гоҳ кизариб гоҳ оқарар:

- Холдоржон ака, Холдоржон Усмонович камчиликларни тўғрилайман, ўқиб-ўрганиб ҳаракат қиламан. Илтимос, ака, “қониқарли” деб, ёзиб - бериб кетинг, нима хизмат бўлса айтинг... – дер, кўзлари жовдирарди. Мен бир зум жим турдим-да: - Қани, қишлоқ инфраструктурасини кўздан кечирайлик-чи, – дедим. Раис қўлини кўксига қўйиб: - Хўп бўлади, ака, ҳозир мен машинани тайинлай - дея шошиб ташқарига чиқди. Мен девордаги плакатларни тамоша қилиб турдим. Шу пайт ташқарида раиснинг кимгадир қаттиқ-қаттиқ гапираётганини эшитиб қолдим. Секин дарпардани қайриб ойнадан қарасам, раис ёши етмишлардан ошган, оқсарик юзли, қотма чўзиқ юз, оппоқ соқолли одамни сўқяпти: - Вей, қанақа тушунмайдиган одамсиз? Вилоятдан комиссия келган, эшитяпсизми? Бу ерда турманг кетинг, боринг жўнанг.

Оқсоқол ҳам қайсароқ экан, ҳеч кетгани унамас: - Нега кетар эканман?! Неча кундан бери келаман. “Эртага, эртага” дейсиз!... Вилоятдан комиссия келган бўлса, демак, оҳим Худога етибди! Мен ўша комиссияга учраб муаммоларимни айтаман! Мен урушда қон кечиб Дрлингача борганман! Мана, оёғим осколалардан етмиш ямоқ бўлиб кетган!– дея бақирарди. Чол шундай дея, шимининг пойчасини маҳсисининг қўнжисидан чиқариб юқори кўтара бошлади.

Раис бўлса ялинишга тушди: - Хайитвой тоға, илтимос, мени комиссия олдида шарманда қилманг. Худо ҳайрингизни берсин, барака топгур, эртага келинг, муаммоингизни ҳал қилиб бермаган кет. Гарантия бераман. Раиснинг бу гапларидан кейин оқсақол сал ховуридан тушиб, шимининг пойчасини яна маҳсисининг қўнжига тикди-да, қадини ростлаб: - эртагайм алдарсиз? - деди. - Эй, Хайитвой тоға, қасам ичдим-ку. Агар ишингиз эртага ҳал бўлмаса, бетимга тупуринг. Жон тоға, комиссияни кузатиб олай, – деди. Раис худди қолбаса ўғирлаган сохта номозхондай дераза томонга олазарак қараб. Чол “хўп” дея ортига бурилиб кўча томон юрди. Бироздан кейин раис кириб машинани менга мунтазир эканлигини айтаракан, худди меҳмонларни “келинглар, келинглар, қани марҳамат” дея кутиб олаётган тўй эгасидай қўл қовуштирди. Мен папкамни олиб шляпамни кийдим-да ташқарига чиқдим. Раис югириб бориб машина эшигини очди. Биз машинага ўтириб жўнадик. Шу пайт ёнимда ўтирган раис фокус кўрсатадиган иллюзионист каби ғоят усталик билан кастимимнинг киссасига газетага ўроғлик нарсани солиб қўйди. Мен у нарсани пора эканини сезсам-да: нима бу? - дедим. Раис ҳаяжондан титираётган қўлларини киссамга беозор босганича:

- Арзимас ҳадя. Она сутидан холол. Жон ака, илтимос шуни олинг.

Мен пора олган ҳокимчаларнинг порахўрлиги болаларига уриб соппа-соғ фарзандларини ногиронлик аравачаларига парчинланганларини, халқ мулкини туя қилган раҳбарчалар топгани тешиб чиққани ва буюрмаганини яхши билганим учун раисга:

- Йўкотинг бу нарсани! Мени ким деб ўйлаябиз? Нима, мени шантаж қилмочимсиз? - дедим.

Раис йиғлагудек бўлиб ёлбора бошлади: - Холдоржон Усмонович, жон ака,

унақа деманг. Бу чин кўнгилдан... Агар шуни олмасангиз мени уволимга қоласиз. Шу бугун ўзимни осаман. Тўйларингизда хизмат қилай ака...

Мен раисга тикилганимча нима қилишни ҳам билмай қолдим. Шу пайт машина ойнасидан халиги оқсоқол кўриниб қолди. Мен шафёрга машинасини тўхтатиш учун бўйруқ бердим. Машина йўл четига чиқиб тўхтади. Мен машинадан тушдим. Раиснинг ранги қути ўчди. Мен оқсоқолга пешвоз чиқиб соллом бердим: - Ассалому алайкум, отахон. Соғликлар яхшими?

- Ва алайкум ассалом - деди оқсоқол. Биз кўришдик. Ҳол-ахвол сўрашдик.

- Нафақаларни вақтида оляпсизми? Муаммолар йўқми? - дедим мен.

- Йўқ, муаммолар йўқ, ўғлим. Ҳамма нарса етарлик. Ҳаётимиз паравон.

Ишқилиб, ҳукуматгаям, ҳурматлик пиздентимизгаям раҳмат - деди оқсоқол менинг елкам оша раисга хавотирли қараб.

- Кам бўлманг ота - дедим, мен уни кучоклаб. Сўнг чўнтагимдаги раис берган “порани” чолга тутказдим.

- Отахон, бу - урушларда қон тўкканингиз учун. Қўй ёғи қўй гўшти сотиб олиб кампир билан майишат қилинг, - дедим. Чол бунақа рағбатлантиришни кутмагани учун каловланиб қолди.

- Э, ана ҳалос, раҳмат-е, комиссия болам.

- Мен чолнинг қулоғига шивирладим: - Ота, менинг исми фамилиямни биласизми?

Чол: - йўқ, - деди бошини чайқаб.

Мен яна шивирладим: - мен Муҳаммад Солихман.

Оқсоқолни оғзи очилиб, кўзлари катталашди ва жилмайди.

- Мен ким эканман? - оқсоқолга савол бердим яна.

- Сиз Муҳаммад Солихсиз - деди оқсоқол.

Мен оқсоқол билан хайрлашиб машинага қайтдим. Биз жўнаб кетдик. Орадан икки ой вақт ўтгач, Андижоннинг деҳқон бозорида қизиқ воқеа юз берди. Мен тўрва кўтариб бозорга кириб кетаётгандим кимдир: - Муҳаммад Солих! Ҳой, Муҳаммад Солих! - дея бақира бошлади. Мен хайрон бўлиб қолдим. Наҳотки - Норвегияга сургун қилинган партиямиз лидери Андижон бозорида юрган бўлса - деган фикр келди миямга. Сўнг овоз келган ёққа қайрилиб қарадим. Не кўз билан кўрай-ки, бақираётган одам бояги урушда қон чекиб, Дрлингача борган оқсоқол экан. У оломон орасидан, худди сувда сузаётган буйвол каби йўртиб жилмайганича мен тамон келар: - Оббо Муҳаммад Солих-ей, учрашган жойимизни қаранг! Айтгандай, халиги берган пулингизга икки ой кампир билан қўй ёғи - қўй гўштига шўрва қилиб ичиб мазза қилдик. Кампирим бечара сизни роса дуо қилди: - Илоё, ўша Муҳаммад Солих деганининг мартабаси ундан ҳам юқори бўлсин! - деди, - дея йўл - йўлақай жаврар, у “Муҳаммад Солих” деган сари бозорда тимирскalaniб юрган латта пагон мелисаларнинг кизикишини ортдирар, мелисалар бир оқсоқолга, бир менга қарар эдилар. Мен бирон қор - ҳол юз бермасин, дея, ўзимни оламон ичига урдим. Хайрон бўлган оқсоқол бўлса: - Ҳой, тўхтанг! Муҳаммад Солих! Ҳов, Муҳаммад Солих! - деб бақирар эди. Ўша воқеалар эсимга тушса кулгим қистайди, мен Салай Мадаминосни қаерда бўлсам ҳам шу тарика тарғиб қилиб юрардим. Бир куни йўловчи тўла “Раф”да кетаётиб, очигдан-очиқ Ўзбекистон ҳукуматининг амалдаги сиёсатини қоралаб, “Эрк” партиясини мақтарканман: -

Муҳаммад Солих Президент бўлиши керак - дедим. Шунда бир аёл кўрққанидан ёқасини ушлаб менга даҳшат ичра тикилган эди ва: - Ё, товба! Ё, товба! Э, шўпир тўхтаб қўйинг - дея машинани тўхтатиб манзилга етмай тушиб қолганди. Раҳбарлар йиғилган бир ўтиришда эса Салай Мадаминосни “э, у чиста қрыса, музейдан танга ўғирлаган майдакаш. Дўст билан душманни ажрата олмайдиган гўдак феъл кимса, большой мальчикку дейишганда столни устига сакраб чиқиб ёмонлаган одамнинг башарасига тепганман. Муштлашиб даб-дала бўлиб тишларим синиб тишларимга қопланган метал қопламани ютиб юборганман Ўшанда ким Муҳаммад Солихни ёмон деса - Фалон қиламан! Сўяман! - дея бақирганман. Ундан ҳам қизиқ бир воқеа юз берган.

Бир куни Нусрат Абдусаломов деган шоир Салай Мадаминосни ёмонлай кетди: - Бир куни – дея гап бошлади у - Устозимиз, ёшлари олтмишдан ошган, кекса ғазалхон шоир Восит Саъдулла билан “Ғафур Ғулом нашриёти” фойесиди кофе ичиб турсак Салай Мадаминов ўтиб қолди. У аллақандай папкаларни қўлтиқлаганича зинадан кўтарилар эди. Шунда Восит Саъдулла Салай Мадаминонга тахаллусини айтиб, мурожаат қиларкан: - Муҳаммад Солих – дея, чақирди. Салай Мадаминов тўхтаб хўмайганича Восит акага қаради. Шунда Восит ака салом бериб кўришиш учун қўл чўзди. Лекин Салай Мадаминов кибр билан қилт этмай тураверди. Восит Саъдулла унинг қўлини олиб кўришар экан: - Муҳаммад Солих, кеча сиз хақингизда ёзилган мақолани ўқидим. Жуда зўр ёзилибди – деди. Салай Мадаминов бўлса турқидаги муз чилласини ўзгартирмай таккабурлик билан: - Нима қипти ўқиган бўлсангиз? Ҳали биз хақимизда том-том китоблар ёзилади, серияли фильмлар ишланади -деди-да, йўлига равона бўлди. Восит ака раҳматлининг дили ранжиди. Хафа бўлди. Салай Мадаминов ўша қилиғи билан катта бир шоирнинг назаридан қолди. Беодоб бола экан. Унинг ёзган шеърлари итнинг кетига. Мен мисол учун ўша Салай Мадаминосни шеърлариниям, ўзиниям икки тийинга олмайман, -деди.

Ғазабдан бошимнинг гумбази кўтарила бошлади: - Э, э, сиз Салай Мадаминосни икки тийинга олмас экансиз, мен сизни бир тийинга ҳам олмайман - дедим. Яна жанжал кўтарилди. Бизни шоирлар ажратиб қолишди. Инсофга чақиришди. Орадан анча вақт ўтгач, Эски шаҳарда Нусрат Абдусаломов билан яна учрашиб қолдик. Кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, Нусрат Абдусаломов менинг бир шеъримни мактаб уни ёддан ўқиди.

Бозорда

Сигиримни сотаётганда,
Кўзларимдан чиқиб кетди ёш.
Муҳтожликка лаънатлар ўқиб,
Мол бозорда эгиб қолдим бош.
Мен - ку битта сигирни сотиб
Мижжам бўлди кўз ёшга тикан.
Ўз халқини сотганларнинг ҳам.
Кўзларидан ёш чиқармикан?

Шеърни ўқиркан, Нусрат ака: - Ука, ўқиб қойил қолдим. Ҳатто ёдлаб олдим
- деди. Мен қовоғимни ўйиб жиддий ҳолатда: - Нима бўпти ўқисангиз? Ҳали биз
ҳақимизда том-том китоблар ёзилади, серияли фильмлар ишланади
- дедим. Бу гаплардан Нусрат ака ханг-у манг бўлиб қолди. Анчадан кейин ўзига
келиб:
- Салай Мадаминовга сиғинавериб, ўшанинг ғирт ўзи бўлиб қолибсиз. Э, эс-сиз, эс-
сиз одам.

У шундай дея, менга аянчли нигоҳ билан бироз тикилиб турди-да, шахд билан
ўгирилиб тез-тез одимлаганича жўнаб кетди.

- 19 -

БУЛОҚБОШИДА

Олий Мажлис депутатлигига сайловлар ўтказилаётган кезлар мен Булоқбоши
туман марказида депутатликка номзод Баҳром Жалоловнинг сайловчилар билан
ўтказган сайлов олди учрашувида иштирок этиш учун юборилдим. Учрашувда
икки муҳолиф депутат мандат учун қизғин кураш олиб бораркан. Ҳар иккаласи: -
“мен депутат бўлсам фалон қиламан, фистон қиламан” - дея, анъанавий ваъдалар
беришди. Мен депуталикка номзод - Жалоловга ҳам бир парча қоғоз юбордим.
Учрашув жараёнида Жалолов мен ёзган хатимни ўқиб эшиттирди. - Бир ёзувчи
дўстимиз депутат бўлсангиз адабиётга ҳам ёрдам берасизми? - деб ёзибди. - Ҳа,
мен депутат бўлсам, албатта, адабиётга ёрдам бераман - деди у...

Иккинчи номзод аёл киши бўлиб унинг исми фамилиясини эслолмасам-да аёлнинг
ишончли вакили - Қамбариддинов деган одамни кечагидай эслайман. Негаки, бу
одамнинг фамилияси раҳбарлар, ҳокимбаччалар учун зилзила, Цунами, Торнадо
офатларидай даҳшатли эди. Унинг бирорта колхоз ё муассасага ёки ташкилотга
ташрифи қудуми бошлиқларга: - “Чингизхон бостириб келяпти экан”, ёхуд - “атом
уруши бошланибди”, - деган хабардай машъум эди. Раҳбарча, ҳокимбаччалар уни
юмолоқ хат ёзувчи ифвогар, ғаламис деса, халқ уни ҳақиқатчи дер, бу муҳоҳасада
халқ тарифи ҳақиқатга яқин эди. Негаки, бу одам умр бўйи ноҳақликка,
адолатсизликка қарши мурасим кураш олиб борди. Оддий халқни хўрланганлар,
ҳақоратлангалар ҳуқуқларини ҳимоя қилди. Булоқбошидаги ҳақиқатчиларнинг
“Шонли генералларидан” ҳисобланган бу инсон Булоқбоши туманини Хўжабод
туманидан айриб мустақил қилган машҳур “16лар”нинг бири бўлиб, у асли тақдир
тақозоси билан Тошкент вилоятининг қайсидир туманидан келиб, Булоқбошида
турғун яшаб қолган дейишади. Бу ҳақиқатпарвар инсонни йўқ қилиш мақсадида
раҳбарча, ҳокимбаччалар кўп “саъй ҳаракат”лар ясаб, фитналар уюштиришди,
жонига суюқасд қилишди. Лекин, Оллоҳ сақлаган одамнинг уйига атом бомбасини
ташлаб юборишса ҳам ўлмас экан. Ажали етган кимса эса, сесияда сўкиш эшитиб,
инсулт ёки инфарктдан қазосига қойил бўлиши, ёхуд чойхонада карта ўйнаб
ўтириб ҳам ўлиб қолавериши мумкин экан. Менинг “16лар” билан яхши
муносабатларимнинг тарихий сабаблари йўқ эмас. Эсимда, бир куни ишхонадаги
ишчи телефонимга биров қўнғироқ қилди.

- Алло, ассалому алайкум. Бизга Холдор Вулқон деган шоир керак эди.

Булокбошидан кўнгирак қилияпмиз, - деди халиги кимса.

- Ҳа, менман, тинчликми?, - дедим, мен хайрон бўлиб. Телефондаги сўхбатдошим севиниб кетди.

- Э, яхши юрибсизми шоир? Оила аъзолар омонми? Шоир, мен - Ашурали Қиличевман, гап шундаки, яқинда китоб магазинидан сизнинг “Туманли далалар кўшиғи” номли китобингизни олувдик, ўқиб шеърларингизнинг мухлисларига айландик. Ўзбекистонда халқ дардини, Ватан қайғусини куйлагучи, цензура қолибларига сиғмайдиган шундай шоирлар ҳам бор экан, деб хурсанд бўлиб юрибмиз, - деди, Ашурали Қиличев.

- Ҳа, раҳмат, бизнинг арзимас ижодимизга берган самимий баҳоингиз учун раҳмат,

- дедим, мен мақтовдан ёғдай эриб.

Ашурали Қиличев яна гапида давом этди.

- Шоир, биз Булокбоши туманидаги адабиёт ихлосмадлари билан сизнинг ижодий учрашувингизни ўтказмоқчимиз. Шунга вақтингиз борми?

Мен бу гаплардан хайрон бўлиб қолдим. Ахир, ўзингиз ўйланг. Доимо адабиёт майдонларидан истеъдодсиз, ювиндихўр, сохта ижодкорлар, кулранг адабиёт намоёндалари тамонидан турткиланиб, четлатилиб, “неформат” ёрлиғи билан шеърларига таъқиқ тамғаси урулган, радио телевиденияларда, жойларда уюштириладиган мушоираларга ўғай бир шоир билан Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси Андижон вилояти бўлими рухсатсиз учрашув ўтказмоқчи бўлишса! Бироз сукунатдан кейин мен:

- Ашурали ака, таклиф учун раҳмат. Лекин, мен билан учрашув ўтказилса, сизларга гап тегиб қолмасмикин?, - дедим.

- Э, йўқ, - деди қатъий Ашурали ака. Чумчуқдан кўрққан тарик экмайди. Сиз бизга маълум бир кунни айтинг, ўзимиз машина юборамиз. Машинада яна ишхонангизга элтиб кўямиз. Ўртага яна сукунат чўкди. Ашурали ака жавоб кутар эди. Ниҳоят, мен борадиган кунни айтдим. Қиличев раҳмат айтиб хайрлашаркан трубкини кўйди.

Белгиланган кун келди. Мени машинада Булокбошига олиб кетишди. Мен билан Адҳам Шер деган шоир дўстим ҳам бирга кетди. Агар ароқ-пароқ ичиладиган бўлса, мен учун ҳам сен ичасан, - деб, мен унга маъсулиятли вазифани юклаб, йўл-йўлакай келишиб олдим. Биз манзилга етиб машинадан тушганимизда тумонат одам коридори аро фотоаппаратлар шиқиллаб атлас кўйлак кийган қизлар нон туз билан пешвоз чиқишди. Бирдан карнай-сурнай янграб ноғоралар зириллай бошлади. Адҳам иккимиз таомилга кўра нондан бир бўлак тузга текизар эканмиз тотинган бўлдик. Бу маҳал иккита видеокамера суратга олар, одамлар иккимизга гулдасталар тутқазишар, кучоқларимиз гулларга тўлиб кетганидан йўлни кўролмай қолган эдик. Умр бўйи бир боғ тикан ҳам совға қилинмаган шоирлар учун бу жуда катта ҳурмат-эҳтиром эди. Бизни шундай иззат-ҳурмат ила залга олиб киришди. Зал тўла одам бўлиб, ўриндик етишмаганидан баъзилар дераза рахларига ўтиришарди. Залдагилар тик қарсак чалишар, гўё коммунистик партия съездида Брежнев кириб келгандай. Ниҳоят, адабий учрашув бошланди. Менинг шеърларимдан тузилган адабий композициялар, кўшиқлар янгради. Савол-жавоблар бошланди. Шунда оёқларига этик, эгнига унча янги бўлмаган, лекин тоза

кастим-шим, бошига дўппи кийган, ўрта бўйли, елкалари кенг, ўртача семизликдаги шоп мўйловли одам сўз сўради. Унга сўз берилгач, у ўзини таништира бошлади. (Исми ҳозир эсимда йўқ).

- Мен, - дея, гап бошлади у, - тоғларда қўй боқаман, чўпонман. Ўзим чўпон бўлсам-да, адабиётни, айниқса, шеърятни яхши кўраман. Ҳурматли шоир, сизнинг келишингиз хақидаги хабарни эшитиб, тоғдаги қўйларни ўғлимга топширдаим-да, шу ёққа келавердим. Мен шеърларингизнинг ашаддий мухлисиман. Мана, тоғ-у тошларда, сизнинг мана бу китбчангизни қайта-қайта ўқиб юраман. Чўпон шундай деб, этигининг қўнжидан менинг “Туманли далалар қўшиғи” номли пиёз пўсти китобимни олди. Китоб жонивор варақланавериб увадаси чиқиб кетибди. Узилиб тушмаслиги учун чўпон китоб муқовасини қора ип билан тикиб олибди. Шундан кейин чўпон менинг шеърларимдан ёд ўқиди. Кейин менга ўгирилиб: - Холдор Вулқон, билингки, ҳатто, олис тоғ этакларида, тоғу тошлар ортида ҳам сизнинг мухлисларингиз бор - дея сўзларини тугатди. Қарсақлар чалинди. Мен чўпонга миннатдорчилик билдирдим. Ўша самимий учрашув менга қанот бағишлаган эди. Янада кучлироқ, мукамалроқ шеърлар ёзиш масъулиятини юклаган эди. Ўша пайтлар Андижон адабий жамоатчилигида қатта-қатта доврўғли, донғил шоирлар туриб, мени танлаган Булоқбошилиқ шеърят мухлисларидан тоабод розиман. Баъзан Ашурали Қиличевни, Топилжон Жалоловни, Келсинбой акани, шоир Офаринни, Эргаш акани, Абдуқаҳҳор акани, Қайтмас ака Қамбариддиновдарни чуқур ҳурмат-эҳтиром ва миннатдорчилик билан эслайман. Қалбим, руҳим ўша яхши инсонларга талпинади. Уларни соғинаман. Айниқса, Келсинбой акани эсласам кулгим қистайди. Оғирлиги юз килодан ҳам ортиқ, қориндор, семиз, қийик кўз бу кимса ўзининг қизиқчилиги билан ҳар қандай муз юрак одамнинг ҳам қалбини забт этади. Келсинбой аканинг касби тиш духтирлик. У мижозларини кулдириб туриб сездирмай оғриқ тишини суғириб олади. Мана унинг қизиқчилигига яққол бир мисол.

Бир куни унинг кабинетига бир озғин, юпун кийинган, шиша қулига ўхшаш одам кириб келди-да, кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач: - Келсинбой, сизга алоҳида гап бор эди. Укам, ташқарига чиқиб турса бўладими? – деди менга ишора қилиб. – Бу шоир ўзимнинг укам. Ундан яширадиган сирим йўқ. Тиш масаласида бўлса, гапираверинг. Мен тиш духтирларининг бутуниттифоқ мусобақасида ғолиб бўлиб, “олтин омбир” мукофотини қўлга киритганман. Эҳ-хе! Мен суғурган тишларни тўпласа, тоғ бўлар эди. Ўзиям тишларни худди миҳ суғиргандай суғирар эдимда. Қизиқишда соғ тишларни ҳам суғириб юбораверардим. Ох-воҳ, дод-вой, йиғи-сиғи, чинқириқлар менга мусиқадай эшитилади. Шанба-якшанба кунлари “қўл чиқиб” кетмасин учун омбир билан уйдаги тахта, ёғочларга қоқилган миҳларни суғириб тажриба ва малакамни ошираман. Мен ҳатто тушларимда ҳам тиш суғираман. Милки ёш бола милкидай тозаланган мижозларга консерва банкаларининг туникасидан тиш қўйиб қўяман. Юқори жағдаги тунука тишлар остки қаторга тўғри келмаганидан баъзи мижозлар оғзи ёпилмай қолган ҳоллар ҳам бўлган. Шунақа қилиб бир литр ярим литр ароққа пул ишлаб оламан. Чунки, ароқ менинг жони дилим. Яхши улфат бўлса бир пақир ароқ ичсам ҳам маст бўлмайман. Ичораман, ичораман, без конца, қоринни кўряпсиз. Бир уй, бир дахлиз, олди айвон. Ишга уйдан маршрутқада қатнар эдим. Яқиндан бери шўпирлар машинасига чиқармай қўйишди. Бир “Раф”га чиқиб ўтирувдим оғирлигимдан ўриндиғи синиб

қолди. Бир гал “Дамас” машинасига қисилиб қолиб уч соат деганда зўрға чиқаришди. Йўловчилар ишдан кеч қолиб шўпир планини бажаролмай қолди. Зарарини тўланг - дейди. - Ҳа, ўтишиб кетармиз, ука, ажабмас тиш-пишинг оғриб қолса - дедим. Шу-шу шўпирлар мени кўрса тўхташ ўрнига тезликни оширишиб ўтиб кетишади. Мана энди анчадан бери ишга пиёда қатнаёпман. Бир ҳисобда яхши бўлар экан. Йўл қуюн ҳар юз метрда биттадан улфат. Улар билан юз грамм, икки юз грамм ичиб уйга етгунча тап-тайёр бўламан. Хотин олиб қўйган бир товоқ палов ё нон қовурмани иккита нон билан тушириб икки-уч чойнак чойни ичиб телевизор тугаб экран вишиллаб қолгунча тамоша қилиб кейин ухлайман. Эрталаб сахар ўнларда апил-тапил кийиниб чала-пуча нонушта қилиб пиёда ишга келаман. Так что... Қани самолётга чиқинг-чи бўлмаса. Қайси тиш безовта қияпти? Шиша қули қизиқ гап эшитса Ленинградда ишланган янги калишнинг ичидай қип-қизил милқларини кўрсатиб ҳавони тўхтовсиз ичига тортганича узоқ қулар экан. Унинг қулишини кўриб менинг нафасим қайтиб кетди. Кулаётган пайтида Келсинбой ака шиша қулининг қозикдай ўсиб кетган тишларини разведка қилиб бўлди. Ниҳоят шиша ғариби жиддийлашиб қўйнидан қоғозга ўроғлик бир нарсани оларкан: - Олмос олиб келдим, сотиб оласизми? - деди Келсинбой акага. Сўнг менга хавотирли қараб қўйди. Оқ халат, оқ қалпоқ кийган Келсинбой ака қўлида омбир ушлаганича қотиб қолди. Ҳаяжондан менинг томоғим қуриб кетди. - Йўғ-ей, - деди Келсинбой ака бир оздан кейин ўзига келиб.

Шиша қули қоғоз ўрамани очиб деди: - Мана, кўмирнинг ичидан топдим. Ялтирашини қаранг. Неча карат келади? Келсинбой ака оқ қалпоғини бошидан олиб курсига ўтириб қолди. - Эй, ака, бу олмос эмас. Оддий тоғ жинси - деди у. - Йўқ, бу олмос. Қирраларини қаранг. Ойнага чизиб кўрингда, ойнани кесади - деди шиша ғариби.

- Ака, мен кўполман. Ойнага чизсам ойна синиб кўлим деразадан ташқарига чиқиб кетади - деди Келсинбой ака. Сўнг кўшимча қилди: - Анави болғачада уриб кўрингчи? Шиша қули болғача билан келтирган олмосини урган эди, у майдаланиб уқаланиб кетди. Ялтироқлик хусусиятини йўқотди. Шиша қулининг хафсали пир бўлди шекилли, келтирган “олмос”ини қайта қоғозга ўраб ташқарига чиқиб кетди.

- 20 -

ДЎРМОНДАГИ ХАЙКИРИК

Мен сиёсий ҳаётда ҳам адабиётда ҳам ҳақиқат тополмай ҳар икки жабҳада адолатсизлик, ноҳақлик билан иш олиб борувчи қаллоб маҳаллийчи, қитмир, хасадгўй гуруҳбозларни ёмон кўрардим. Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси Андижон вилояти бўлимига қотиб қилиб қўйилган кимсанинг кабинетига кириб: - Бу қанақаси? Менинг иккита шеърим тўплашим Республиканинг нуфузли нашриётларида чоп этилган бўлса, туркум шеърларим суратим билан “Ёшлик”, “Шарқ юлдузи” ва бошқа газета журналларда эълон қилиниб, адабий жамоатчилик томонидан тан олинган бўлсам-у ўн йилдан бери Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасига аъзо бўлмасам. Нега чўзьяпсизлар? Менинг бошқа шоир-ёзувчилардан қаерим кам? Ахир аъзолик учун “дело” тайёрлаб топширганимга ўн йилдан ошди-ку - дея ҳар гал мурожаат қилганимда қотиб: - Ука, сиз уюшмага аъзо бўлмасангиз

ҳам аъзо бўлган шоир-ёзувчилардан юқори турасиз - деб, қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдиришдан нарига ўтмас эди.

1999 йил август ойида Тошкентга бориб Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасига кирдим-да, раис ўринбосари раҳматли Йўлдош Сулаймонга учрадим ва юқоридаги саволни бердим. У ҳам айнан ўша котиб каби жавоб берди. Менинг ғазабим қўзиди.

- Эй, қачонгача алдайсизлар? Уялмайсизларми? Давай, менинг хужжатларимни қайтариб беринглар. Мен бундай ёлғончи, ўз ёзувчи-шоирининг кадрига етмайдиган жамиятда яшамайман. Чет элга кетаман - дедим. Бу гаплардан Йўлдош Сулаймоннинг қути ўчиб:

- Эй, Холдарали, ука ундай деманг. Бу фикрингиздан қайтинг. Худо хоҳласа шу бу йил сизнинг номзодингизни кенгашга қўяман - деди. Мен ўз сўзимда туриб олдим:

- Эй, йўқ керак эмас. Қани менинг хужжатларим? Қайтариб беринг- дедим.

Тортишиш бефойда эканини англаган қария: - Хужжатгоҳдан сўранг бўлмаса, – дея, менга бир қорачадан келган Гулжамол исмли қизни рўпара қилди. Мен у қиз билан хужжатгаоҳга кириб ҳамма “дело”ларни бирма-бир қараб чиқдим. Менинг “Дело”м йўқ эди. Фигоним фалакка ўрлагудек бўлиб турсам, халитдан буён бир нарсаларни ёзиб ўтирган дарвешсифат кимса: (шоир бўлса керак) - ука, анави деворга тескари тираб қўйилган жавоннинг ичини бир қараб кўрингларчи - деди. Мен жавонни ўнглаб эшигини очдим. Очсам менинг “делом” бир ўзи ўша жавон ичида ётган экан. Бадтар “томим” кўтарилди. “Дело”ни олиб ғзаб билан чиқиб кетаётсам, Йўлдош Сулаймон йўлимдан чиқиб “дело”нинг бир томонидан маҳкам ушлаб олди-да, ялина бошлади: - Жон ука, отангиз тенги одамман, хўп денг. “Дело”ни қолдиринг. Шу йилги кенгашга номзодингизни қўяман. Сўз бераман. Эшитяпсизми? - дер эди у ҳаяжондан титраб - қақшаб. Отам тенги одамнинг бу ялиниб ёлворишлари ғзабимни юмшатди. Мен “дело”ни қолдирдим. Лекин барибир оқсоқолнинг гапига ишонмадим. Андижонга қайтдим. Иш билан бўлиб “дело” ҳам эсимдан чиқди. Август ойи охирларида иш билан Тошкентга келдим-у тасодифан Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси томонига йўлим тушди. Мен Уюшмага кирмадим. “Монетный двор”га етганимда бир маҳал кимдир мени чақира бошлади. Қайрилиб қарасам, Худо раҳмат қилгур Йўлдош Сулаймон холлослаб югирганича мен томон келяпти. У кўришар-кўришмас биқир-биқир қайнаб гапира кетди: - Эй, ука, қаёқларда юрибсиз? Андижонга қўнғироқ қилиб Камчивекдан сўрасам, сизнинг уй адресингизни билмайман - деди. Истатиб топтиролмадим. Ҳайрият Тошкентда экансиз. - Ҳа, тинчликми? Нега мени изляпсилар? - дедим, хайрон бўлиб.

- Э ука, эртага кенгаш йиғилиши. Сизнинг номзодингизни кенгашга қўйганман. Эрталаб соат 10 да шу ерда бўлинг. Мен раҳмат айтарканман, эртасига албатта келишимни таъкидладим. Эртасига соат 10 ларда Уюшмага борсам, ҳақиқатдан ҳам зал тўла ёзувчи-шоирлар ўтиришарди. Кенгаш йиғилиши бошланиб йиғилишда Абдулла Орипов нутқ сўзлади. Йўлдош Сулаймон менинг номзодимни таклиф қилиб ёзувчи-шоирларнинг овоз беришларини сўради. Ёзувчи-шоирлар менинг уюшма аъзолигига лойиқ эканимни тасдиқлаб бир овоздан таклифни маъқуладилар. Шундай қилиб, мен ҳам Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси аъзосига айландим. Гувоҳномамни топширишар экан, энди ёзувчилар боғида дам олишга, ижод қилишга ҳақли эканимни айтишди. Мен Дўрмондаги Ёзувчилар боғига бориб

жойлашдим-да, хордиқ чиқара бошладим. Мен яшайдиган корпус ортида бассейн бўлиб, бассейннинг бир томонида Абдулла Ориповнинг, нарига томонида Эркин Воҳидовнинг дачалари жойлашганди. Ўртаси узумзор билан қопланган, рухий касалликлар бўлими каби осойишта, жим-жит бу боғнинг йўлаклари четида кета-кетгунча дов-дарахтларга кўмилган дачалар. У ерларда “катта” ёзувчилар яшаб “эжод” қилишади. Қачон биз шунақа дачаларда ижод қиларканмиз, - дея ўйлаб кетаман. Бир окшом кечки овқатдан кейин сайр қилиб юрсам, Саид Аҳмадни учратиб қолдим. У кулранг узун сочларини манглайига осилтириб йўл-йўл пижама кийганича Наманганлик Тохир Қаҳҳор деган шоир билан ўтирган экан. Улар билан кўришиб ўриндиққа ўтирдим. Саид Аҳмаднинг қўлида хасаси ҳам бор. Бир маҳал: - Елкамни қашиб кўй - деди Саид Аҳмад Тохир Қаҳҳорга. Шоир унинг елкасини қаший бошлади: - Вой-ей, кўлларинг бирам ёқимли, оҳ, оҳ, оҳ - дея шайтонлик қилди Саид Аҳмад. Кейин шоирга раҳмат айтиб хассасини мақтай кетди: - Қара, шу хассани Америкадан олиб келдим. “Келинлар қўзғолони” премьерасига Шермат Кўрбошининг ўғли ҳам келди. Яхши бола экан. Анча суҳбатлашдик. Кетишда уйдан етти юз доллар пул олволувдим. Бир цент ҳам сарф қилмабман... Саид Аҳмад шу тариқа анчагача мақтаниб ўтирди. Латифалар айтиб бизни кулдирди. Ўша кечаси мен ярим тунгача ухламай чирилдоқлар чириллашини тинглаб ўтирдим ва “Садоқатли чирилдоқ” шеримни ёздим.

Садоқатли чирилдоқ

Оқшом дала ҳовли, ўйга чўмасан,
Хонанг деразасин боғларга очиб.
Мен-чи, киприк қоқмай туравераман,
Эринг келганда ҳам кетмайман қочиб.
Эсингдами сени фироқ ўтида,
Куйдириб бир замон кетгандим ўлиб
Мана, тагин қайтиб келдим ёнингга,
Қайтатдан тирилиб чирилдоқ бўлиб.
Ҳовлингда бунча кўп бўлмаса гуллар.
Ё бугун байрамми, гуллар сайлими?
Севгилим шу гуллар очилиб ётган,
Ҳовлингда чириллаб юрсам майлими?

Шеърни ёзиб бўлиб яна зулматли ёз кечасига кулоқ тутаман. Бокқа кираверишда жойланган дачадан Саид Аҳмаднинг акса ураётгани эшитилди. У узоқ акса уриб чучкирди. - Қария тушмагур мохоркадан бурнаки қилияптими? - деган, фикр келди миямга. Ва ўзимга ўзим илжайиб кўйдим. Бир-икки кун ўтгач, Эркин Воҳидов ўзига берилган юксак унвонни нишонлаш учун ўтириш қилармиш, деган гапни эшитдим. Авваллари муҳолифат тамонда юрган Эркин Воҳидовнинг бугун унвонлар олиб, ҳукуматнинг ноғорасига ўйнаётгани тўғриси, ғашимни келтирди. Эрталаб нонуштадан сўнг далани кесиб ўтиб қозоқлар яшайдиган қишлоқдан иккита ароқ сотиб олиб келдим. Тушдан кейин ўша ароқлардан бирини майдалаб ичиб ўтирдим. Кечки пайт бироз ичилган иккинчи ароқни олиб пастга тушдим. Кайфим зўр, кўйнимда чўлоқ ароқ. Қарасам чиқаверишдаги ўриндиқда бир шоир

ўтирган экан, унинг ёнига бориб:

- Яшасин Муҳаммад Солих! - дедим. У важоҳатимни кўриб кўрқиб кетди. - Яшасин Муҳаммад Солих деяпман! - дедим мен яна. - Ҳа, яшасин, яшасин- деди халиги шоир ортига сурилиб. Мен зиёфат бўлаётган Эркин Воҳидовнинг дачаси тамон бордим. Ҳамма казо-казолар шу ерда экан. Мени ичкарига таклиф қилишди. Мен ичкарига киришни негадир хоҳламадим. - Менга Саид Аҳмадни чақириб беринглар, мен у билан ичмоқчиман, - дедим қўйнимдаги ароқни чиқариб. Саид Аҳмад мени тинчлантириш учун: - Ҳой, шоир, етарлисини ичибсан. У ароқни беркитиб қўй. Эртага ичамиз! – деди даврада ўтирган жойидан.

- Шунақами? - дедим мен гапим ўлдирилганидан жаҳлим чиқиб. Сўнг ароқни қопқоғини очиб шишани кўтарганимча бўғзидан ича бошладим. Хой - хойлаб инсофга чақиришларига ҳам кулоқ солмадим. Ароқни бир кўтаришда ичиб қоқланган шишани ерга ташлаб юбордим. Шиша тош майдончага тушиб чил-чил синди. Мен Эркин Воҳидов дачасини тарк этиб бассейн томон кетдим. Сўнг ечиндимда, плавкачан бўлиб ўзимни сувга отдим. У ёқдан бу ёққа суздим, шўнғидим. Анчадан кейин қирғоққа чиқиб ховузнинг мрамар лабида Буддадай чордона куриб ўтирдим. Эркин Воҳидов дачасидан ҳамон чини идишларга урилган вилка-қошиқлар чиқир-чиқори, ғовур-ғувир суҳбатлар, шодон кулгилар, мастона қийқириклар эшитилиб турарди. Шу пайт шайтон васваса қилиб не учундир бор кучим билан хайқиргим келди ва шундай қилдим.

- Яшасин “Эрк” демократик партиясининг раиси, донишманд, файласуф шоир Муҳаммад Соли-и-и-их! – дея бор овозим билан уч марта бақирдим. Овозим худди қафасни тарк этган бургут каби қанот ёзиб жим-жит боғ узра зулматлар қарига учди. Бир маҳал Эркин Воҳидов зиёфатидаги ғовур-ғувир ҳам, вилка-қошиқларнинг чақир-чуқури ҳам тинди. Ёзувчилар боғи қабристондай жим-жит бўлиб қолди. Мен муз устида ётиб зериккан тюлен каби бир ағдарилиб яна ховузга шўнғидим. Гўё ҳеч нарса бўлмагандай бассейнда сузавердим. Орадан қанча вақт ўтди билмайман. Бир маҳал қаёқдандир машиналар етиб келиб фаралари билан бассейнни ёритиб юборишди. Машиналардан тезкор гуруҳ тушиб ховузни қуршаб олишди. Уларнинг ичидан бир офицер менинг ховуздан чиқишимни буюрди. Мен чиқдим. – Кийининг - дейишди. Кийиндим. Шунда улар сочларим хўл, артилмаган холатимда хибсга олишиб машинага ўтказишдида, мени қаёққадир олиб кетишди. Машина ойналари қорайтирилгани, бунинг устига қоронғи тун бўлганлиги учун ташқарига қараб йўналишни аниқлаш мумкин эмас эди. Ёнимда икки офицер, ортда соқчилар гапирмай жим боришар, бу эса вазиятни янада сирлилаштирарди. Охири: - Мени қаёққа олиб кетаяпсизлар? Отганими? - дедим. Шунда офицерлардан бири тилга кириб: - Бизда сўроқсиз, судсиз одам отилмайди - деб қўйди. Мен яна давом этдим: - Сизлар отаверасизлар. Қодирийни, Элбекни, Ботуни, Фитратни, Чўлпонни отган одамларга Вулқонни отиш нима бўпти. Офицер қайтиб гапирмади. Мен ҳам гапирмадим. Биз узоқ йўл юрдик. Ниҳоят, манзилга етдик шекилли, машина тўхтаб пастга тушдик. Мени хибсга олган мелиса ходимлари доира ясаб туриб қолишди. Уларнинг каттаси рацияда ким биландир гаплашди. Биз аллақандай иморат қаршисида туриб қолдик. Шу маҳал мелисаларнинг каттаси менга: - Шоир ака, бизга ҳам шеърлардан ўқиб беринг. Мелисалар хақида ёзилганидан бордир - деди. Мен ўйланиб қолдим. Ўйланиб-ўйланиб охири: - Мелисалар хақида шеър ёзмаган эканман. Лекин бир шеър бор

шуни сизларга ўқиб бераман - дедим.

- Ҳа, ҳа, қани - дейишди мелислар қизиқишиб. Мен шеърни ўқий бошладим:

Оллоҳ дилингда бўлса ҳамхона яхшимасми.
Ҳақ йўлида қамалсанг зиндона яхшимасми.
Масжидда ахли жохил машғули ғийбат ўлса,
Ул жойи хонақодан майхона яхшимасми.
Бошингга тушса кулфат асқотмаса қариндош
Ундай ҳеш акрабодан бегона яхшимасми.
Иблисга дўсти содиқ ёлғончи олимингдан,
Хилватда Ҳақни севган девона яхшимасми.
Ҳақ нуридан юзингни зулмат томон ўгирдинг,
Сендан қаноти куйган парвона яхшимасми.
Вулқон сотилмаган деб, бежиз отилмаган деб,
Йиғлаб кўмишса тунда пинҳона яхшимасми.

Мелиса болалар шеъримни мактаб туришганди, бирдан уларнинг катталарининг ҳам катталари келиб қолди. Шунда кимдир: - Смирно! - дея бақирар экан, ҳаммалари таёқдай қотиб қолишди. Барваста юмолоқ бош, кўзлари катта-катта, юзлари фариштасиз бу бошлиқнинг пағонидаги юлдузлар унинг подполковник эканини кўрсатиб турарди. У менга итқараш қилганича ёнимиздан ўтиб соқчилари билан бинога кириб кетди. Анчадан кейин буйруқ бўлди шекилли, мени қалин темир эшикли камерага қамаб қўйишди. Камерада менга ўхшаш хибсга олинганлар бўлиб улар гаплашиб қарта ўйнаб ўтиришар, камера тамаки, тер хидидан сасиб-бижғиб кетган, нафас олиш қийин эди. Мен ҳеч ким билан саломлашмай тўғри бориб рандаланмаган тахталардан ясалган топчанга чўзилдим. Чунки чарчаган эдим. Менинг бу сурбетларча ҳатти-харакатимдан гоҳ ғаши келиб гоҳ ҳайратланган камерадошлар менга қараб-қараб қўйишар, қарта ўйнашда давом этишарди. Мен ухламоқчи бўлиб кўзларимни юмдим. Лекин, маҳбуслар ғовур-ғувири ухлагани қўймади. Шунда мен бошимни хиёл кўтариб: - Эй, замолчите вы наконец или нет?! Спать не даёте - дедим. Камерадошлар бир зум жимиб қолишди. Мен ўрнимда ётган куйим давом этдим: - Или ктонибудь из вас пусть колотит в дверь. Когда менты придут мы свернём их шеи. Потом возьмём пушки в трофеи и уходим прочь, куда глаза глядят.

Бу гапларимдан маҳбуслар бир-бирларига қараганларича бир зум қотиб қолишди. Анчадан кейин улардан бири менга ўгирилиб:

- Ни -и-ффега-а себе-е! Терминатор нашёлся. Мужики, Вы не замечаете? Без светлого фонарика (кўзимнинг остидаги холимга ишора қилиб) он тоьч в тоьч похож на Терминатора. Эй знаешь, ли ты, сколько их тут этих киборгов?! - деди.
- Ну и что? - дедим мен уни бадтар хайратлантириб. Шу гапимдан кейин улар мени ё томи кетиб қолган руҳий бемор ё моньяк, каллакесар деб ўйлашди шекилли кимдир:

- Ну ладно спи, Терминатор, спи- деб қўяркан, ғовур-ғувур босилиб улар пастроқ овозда суҳбатлаша бошладилар. Шундан кейин ухлаб қолибман. Эрталаб мени олиб чиқиб кетишди. Темир эшикли хоналарнинг бирига олиб киришди. Қарасам хона тўрида кечаги подполковник ўтирибди. У мени сўроқ қила бошлади.

- Сиз аввало манга Чўлпонни ким еганини эйтинг - деди у. Мен ўйланиб қолдим.
- Ҳа-а, кечаги гапларимни офицер оққизмай -томизмай бошлиғига етказибдида - деган ўй келди ҳаёлимга. Мен индамай тургандим подполковник яна давом этди: - Ҳар хил шиорларни эйтиб қичқирибсиз? Ким у Муҳаммад Солихингиз?
- А, энди, мастликда...билмай - дедим мен каловланиб. Подполковникнинг бадтар жаҳли чиқди: - Нима? Мастликда билмай? Ҳов, сиз мани ким деб ўйловосиз-а? Нима ман сизга ёш боламанми?! Хўп мастликда билмай қичқирган бўлсангиз, нага энди айнан - Яшасин Муҳаммад Солиҳ - деб қичқирасиз? Нага допустим...Яшасин Абдулла Орипов ёки яшасин Эркин Воҳидов, ёки яшасин Пўлат Мўмин - деб, бақирмадингиз? Сиз нага чўпчак эйтвоссиз манга! Билмай қилган бўлсангиз, нага бошийзи бетонга уриб дабдала қилмадингиз-а? Я-а-а, бу ишлани бор-ку, сиз умышленний, то есть, онгли равишда қилгансиз. Ёзинг “объяснительный”ни. Тўғрисини ёзинг.

Мен худди ўз хоҳиши билан ишдан кетмокчи бўлган, “Ишқдаги ишқ” фильмининг бош қаҳрамони Евгений Ефремович Новоселцев каби тушунтириш хатини ёзиб топширган эдим. Подполковник тилхатни ўқиб чиқиб инкор маъносида бош чайқар экан: - Нотўғри, бошқатдан ёзинг - деди. Мен тушунтириш хатини яна кайтадан ёза бошладим. Шу маҳал подполковник:- Манга каранг, бошлигингиз анув Абдулла Ориповми? - деди. Мен “ҳа” дегандай бош ликилладим. Подполковник давом этаркан: - Ўша телефон қилди бизага. Товоқсойга чиқариб, қамоқда чиритворинглар - деди дея менда юз берадиган ўзгариш реакцияни кутди. Шу гапдан билдимки, ҳукуматнинг эркатой шоирига айланган Абдулла Ориповни милиция ходимлари ҳам ёмон кўрар экан. Лекин, мен подполковникни гапларига ишонмадим. Чунки, устозимиз, буюк ўзбек шоири Абдулла Орипов ҳеч қачон бундай тубанликка бормаиди, сотмаиди, дея ўйладим, кейинчалик қувғинда юрган кезларимда ҳам Қашқадарёлик қочқин Тўлқин Қораев: - Абдулла Орипов сотқин, мен у билан битта вилоятда туғилганимдан ор қиламан, номус қиламан, - деганда, мен шоирни ҳимоя қилиб: -Абдулла Орипов тўғрисида бундай бемаъни гапларни гапирманг. Абдулла Ориповнинг ўзбек адабиётига қўшган хиссалари улкан, - деган эдим. “Озодлик” деган радиодан бир ёш йигит чиқиб, мен кутубхонадаги Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовларнинг китобларини битта қўймай ёқиб юбордим. Улар сотқин - деганда ҳам у кимсадан қаттиқ хафа бўлганман. Халқи, Ватани учун бирон жўяли иш қилмаган, битта шеър тугул ўз таржимаи ҳолини ҳам 30-40 та хато билан ёзувчи кимсалар халқимиз ардоқлаган, адабиёт олдида катта хизматлар кўрсатган адиблар тўғрисида ҳукм чиқарса, уларнинг номларини таҳқирласа! Шаймонов Эгамназар деган ҳуқуқ ҳимоячиси: - Абдулла Орипов ҳамма ҳукмдорлар ёғини ялаган тулки. Ҳатто Рафиқ Нишонов ҳақида “Элдан чиққан одамлар” деган китоб ёзган - деди. Мен унга: - Абдулла Орипов асарининг номи биланоқ Нишоновни нишонга олиб урган экан. Уни элдан чиққан, яъни элга қўшилолмайдиган, элнинг назаридан қолган дея, тасвирлаб қўйибдику - дедим. “Ўтлаб” кетиб қолдим, узр. Яна хибсхонага қайтамыз. Терговчи подполковник менга қайта-қайта тушунтириш хати ёздиравериб қонимни ичди гўё. Мен у пайтлар қамоқдан чиқаман деб сира ўйламагандим. Аксинча, Президент Қароргоҳининг шундай ёнида содир қилган “Жиноят”им учун мени ё отишса керак, ё осишса керак дея тахмин қилар эдим. Лекин Оллоҳ сақласа осон экан. Гарчанд тушунтириш хатимда бировни сотмаган ҳамда кечирим сўраб, Президентга ялинмаган бўлсам-

да, мен озодликка чиқдим. Менинг озод бўлишимда (аниқ фактлар бўлмасада), эшитишимча бир гуруҳ шоир-ёзувчилар ва адабиётшунос олимлар ҳукуматга: - Қўйинглар энди, шу тентак шоир жувонмарг бўлиб кетмасин - дея мурожаат қилган эмишлар. Айтишларича улар Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Тохир Малик, Озод Шарафуддинов ва бошқалар экан. Раҳмат уларга.

Дўрмон воқеасидан кейин, табиийки, ишдан “Ранда” бўлдим ва ўзига бир нечта рассомларни бириктирган ремонт монтаж, реклама-безак ишлари билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш фирмам турли важх-корсонлар билан ёпиб юборилди. Мени ҳеч қайси ташкилот ишга олмай қўйди. Хатто, мактаблар ҳам. Фирма ҳисоб рақамидаги пуллар мусодара қилинган, кафангадо бўлдим. Кунда-кун ора бизнинг уйда ароқ-коньяк ичиб қазии-карта егувчи “Холдор Вулқон учун керак бўлса, ҳеч иккиланмай шартта ўзимни сўйиб ташлайман” деган улфатларим, дўстларим мендан юз ўгириб остонамга йўламай қўйишди. Таниш билиш ёзувчилар ҳам мени кўрса бир-икки чақирим нари қочадиган бўлишди. Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси Андижон вилоят бўлими адабий йиғинларга, мушоира тадбирларга мени таклиф қилмас, мен энди адабий муҳитга янада ўғайлашган эдим. Балиқ сув билан тирик бўлгани каби мен ҳам адабий жамоатчиликка талпинар эдим. Мен худди тропик ёмғирларда ивиб, қалтираб баланд дарахт учида ўтирган, тўдасидан айрилган ёлғиз Макака маймунига ўхшаб қолган эдим. Тўдага яқинлашсам катта маймунларни жазаваси тутиб ўрмонни бошига қўтарганча қийқириб-чинқириб, мени қувиб ташларди гўё. Лекин ўшанда бир нарсага ҳайрон қолганман. Мени бою босомонлигимда бирон нарса сўраб келмаган, менга ўзини садоқатини изҳор қилмаган одамлардан кўп яхшиликлар кўрдим. Оллох улардан рози бўлсин. Дўрмонда қилган “жиноятим”дан сўнг ҳаётим худди атом бомбасидан вайрон бўлган Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари каби хуввилаб қолди. Бир куни “Шарқ юлдузи” журнали нашр қилинадиган 16 қаватли “журнальный центр”га борсам, ҳали журнал ходимлари келмаган экан. - Бу ерда иш соат 9 дан бошланади, бироз кутинг, - деди, пропускаи пунктида турган мелиса бола. Шу пайт ташқаридан Аъзам Ўктам деган шоир кириб келиб қолди. Мен ўз қадримни синаш учун ўзимни кўрмаганга солиб, девордаги телефон рақамлари рўйхатига қараб турдим. Шу пайт Аъзам Ўктам юришидан тўхтаб, “Холдор Вулқон”, - деди. Мен уни энди кўргандай ўгирилиб қараб: - Э, Аъзамжон, Ассалому алайкум, - дея, шоир тамон юрдим. Аъзам мен томон юрди, кучоқлашиб кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач: - юқорига чиқмоқчимисиз?, - деди у. Мен “ҳа” дегандай бош ликиллабдим. - Қани кетдик унда, - деди шоир ва “бу одам мен билан”, - дея, мелисалар назоратидаги пунктдан мени олиб ўтиб кетди. Биз лифтда юқорига кўтарилдик. Юқори қаватлардан бирига чиққач, коридордан юриб бир эшик ёнида тўхтадик. Оёғига маҳси-калиш кийиб олган Аъзам Ўктам чўнтагидан калитни олиб “Бисмиллаҳир раҳманир раҳийм”, -дея кабинетини очди. Биз ичкарига кирдик. Креслоларга ўтириб дуо қилдик.

- Оббо, шоир-эй, юрибсизми, шундай қилиб? Андижонлар тинчми? Ижодлар қалай?

- деди, Аъзам Ўктам.

- Худога шукур, ҳаммаси яхши, - дедим мен.

- Мен эрталаб нонушта ҳам қилганим йўқ. Мана майиз, ёнғок, прятник, печенье ҳамма нарса бор. Ҳозир битта чой кўяман. Иккаламиз чой ичамиз, - деди, шоир

тиззаларига шаппатилаб ўрнидан турар экан. Сўнг муштан каттароқ чойнакка сув солиб, куймаланиб юриб, гапида давом этди: - Кечаси билан ухламай ибодат қилиб, “Қуръон” ўқиб чиқдим. Намоз ўқийвериб оёқларим шишиб кетди, - Аъзам Ўктам шундай дея, тўхтаб, - яқинда, Фарғонадан Анвар Обиджоннинг синфдош дўсти келибди, - дея, гапида давом этди яна.

- иккови кафега кириб ўтиршиса, дўсти: - Анвар, ҳалиги Камолдин деган синфдошимиз бор эди-ю, Каппонов, - дея, гап бошлабди.

- Ҳа, ҳа, - дебди, Анвар ака.

- Ўша бандачилик қилди, - дебди. Бу гапдан Анвар ака қайғуга чўмиб: - Ие, Худо раҳмат қилсин, - дея, юзларига фотиҳа тортибди. Шунда ҳалиги дўсти: - кейин анави Тилаволди бор эди-ю, ўшам қўққисдан ўлиб қолса бўладими, - дебди. Анвар ака яна: - и-е, уям ўлдими? Э, Худо раҳмат қилсин, бечора яхши бола эди, - дея, юзларига фотиҳа тортибди.

Дўсти бўлса: - ҳалиги, Сўпиев Адихалим бор эди-ю?, - дея, Анвар акамнинг ҳайратини бадтар оширибди.

- Ҳа, ҳа, уям ўлдими?, - дебди, Анвар акам.

- Ҳа, уям оламдан ўтди. Раҳматли ичкиликни кўп ичар эди. Жигари пишган экан-да, баччагарни, - дебди, дўсти қахвадан хўплаб. Шунда Анвар Обиджон юзларига сўзсиз фотиҳа тортар экан дўстига қараб: - Ўлган иккаламиз қолибмизда-а?, - дебди. Бу гапдан иккалалари қотиб-қотиб қулишибди. Аъзам Ўктам қора юморни шу тариқа ҳикоя қилиб қулар экан, сув қўйилган чинни чойнакка кичкина кипятильникни солиб қайнатгич вилкасини разедкага суқди. Шу маҳал қисқа туташув юз бериб, қайнатгич симидан “ та-а-а-рс!!!” этиб, ўт чиқиб кетди. Биз чўчиб тушдик. Аъзам Ўктам курсига ўтириб қолди. Бу ҳолатдан иккаламиз роса кулдик. Аъзам Ўктам кула-кула: - сал қолди-ю, а, шоир? Ўзиям менга бирор нарса бўлса, Холдор Вулқон Аъзам Ўктамни ўлдириб чиқиб кетибди, - деб, роса шов-шув бўларди-да, - деди. Биз яна кулдик.

Шу воқеадан кейин бир-икки йил ўтган эди чамаси, бир кун Андижондаги “Бобур” кутубхонасига кириб қатлама қилиб қўйилган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасини ўқиб ўтирсам, газетанинг бир сонидаги тўртинчи бетда Аъзам Ўктамнинг суратига кўзим тушди. Сурат тепасидаги ёзувларни ўқиб ўтирган жойимда қотиб қолдим. Чунки, у ерда адабиётимиз яна бир жудоликка учрагани, истеъдодли шоир, Аъзам Ўктамнинг оламдан ўтгани ҳақидаги таъзиянома ёзилган эди. Мен таъзияномага термулганимча ўзимга келолмай, кутубхонада анча вақт ўтириб қолдим. Сўнг, ўзининг ажойиб шеърлари билан шамдай эриб, ёниб зулматларни ёритган, ёниқ ёрқин истеъдод эгаси, иймон эъдиқодли шоир дўстим - Аъзам Ўктамга Аллоҳнинг розилигини тилаб, дуо қилдим, юзларимга фотиҳа тордим.

- 21 -

БЎРОНЛИ ЗУЛМАТЛАР

Бишкекка яна баҳор келди. Бугун эрталаб ошхона деразасидан кўриниб тургучи дарахтда олмахонга кўзим тушди. Бишкек аллеялар, парклар, бульварларга бой шаҳар бўлиб, дов-дарахтларида олмахонлар кўп. Улар одамдан кўркмайди. Агар бу олмахонлар бизда бўлса борми, уларни бизнинг шўх-шаддод болалар аллақачон

чўзма билан уриб ўлдиришган бўлар эди, дея, хомуш жилмайиб кўяман. Кеча тунда қаттиқ бўрон бўлди. Саид ўғлим биронта эртак эшитмагунча ухламайди. Кечаси унга мен эртак айтиб бердим:

- Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда уч оға-ини кўрқоклар бўлган экан. Бир куни отаси уларни ёнига чорлаб: - эй, валлакусаланг, текинхўр, паразитлар! Инсофларинг борми? Сенларни боқишга менинг ногиронлик нафақам етмаяпти. Уйда ейдиган нарсанинг урвоғи ҳам қолмганидан сичқонлар оч қолиб, сулайииб, судралиб хасса таяниб юришибди! Дастларингдан “дод”! Сенлар ҳам одамга ўхшаб бундоқ бир иш-пиш ахтарсаларингчи, - дебди. - Отажон, бизларни ҳайдаманг. Биз кўчага чиққани кўрқамиз, - дебди кўрқоклар, - кўчага чиқсак, мелисалар ушлаб чўнтагимизга “Хизбут-тахрир”нинг варақасини солиб, қамаб юборса, нима қиламиз?, - дейишибди. Чол ўйлаиб қолибди. - Дарвоқе, - дебди, у оппоқ қошли қовоғини ўйиб, сўнг дебди: - унда вот что, онанг шимларингни чўмчекларини тикиб беради. Ўшанда мелисалар кисталаринга варақа, патрон, граната сололмайди.

Бу гапларни эшитиб ўртанчи кўрқок ўғил: “-ы-ы-хы-хы-хы-ы-ы-ы”, - деб, кулибди. Хуллас, таклиф уч оғайни кўрқокларга мақул бўлибди. Онаси ўғилларининг чўнтақларига кум солиб тикиб берибди. Уч оғайни кўрқоклар йўл анжомларини замбил ғалтакка юклаб, кўрқа-писа атрофга аланглаганларича йўлга равона бўлишибди. Улар йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юриб, тоғу, сахро-чўл юриб, бир тепаликка етиб борганларида қоронғу тушибди. Ака-ука кўрқоклар атрофдан таппи-тезак, шох- шаббаларни йиғиб гулхан ёқишибди. Қаттиқ нон еб қорин тўйдириб, уйқуга кетарканлар, тўнғич кўрқок тунги навбатчи бўлиб укалаларини кўриқлашга зўрға кўнибди. Укалари ухлагач, тўнғич кўрқок ойдинда атрофга олазарак қараганича кўрқувдан қалт-қалт титраб ўтирибди. Бир маҳал тунда егулик ахтариб юрган типратикон хазонларни шитирлатиб қолибди. Шунда кўрқувдан юрак-талоғи чиққудек бўлган тўнғич кўрқок: - Вой дод! СНБ келяпти, қочавер!, - дея, ўрнидан сакраб турибди-да, укаларини ташлаб югуриб кетибди. Тўполондан ўйғонган укалар ҳам гулханни тепалаб ўчириб, ўтиб акасининг ортидан ура қочишибди. Улар шу қочганларича чопаверишибди, чопаверишибди, охири ҳолдан тойиб, сулайиб, тинкаси қуриб, тили осилиб, бир дала увотиға бориб чўзилиб ётиб қолишибди.

-Бай-бай-бай-ба-а-ай, Худо бир саклади-а?, - дебди, ниҳоят, нафаси оғзига тикилиб хансираганича кенжа кўрқок.

- Замбилғалтак билан йўл анжомларимиз қолиб кетгани ёмон бўлди-да, - дебди, харсиллаб нафас олганича ўртанчи кўрқок.

- Эй, садқаи сар, жонимиз ўлжага қолди, шунгаям шукр, - дея, юраги дукиллаб ураётган, чап кўксини пайпаслаб кўйибди, тўнғич кўрқок. Улар кўрқа-кўрқа уйқуга кетарканлар, бу кеч ўртанчи кўрқок навбатчилик қиладиган бўлибди. Узоқларда итларнинг хуриши, чигирткаларнинг бир маромда чириллашини, ахён-ахёнда аллақандай тун қушларининг:

- “хув-хув-в! хув-хув-в! Қирт-қирт, хақ-хақ хақ-хақ-ха-ха-а-а-ақ!”, - дея сайрашини ҳисобламаса, кеч жим-жит экан. Ўртанчи кўрқок ёшлигида катта бувисидан ўрганган дуоларни пичирлаб ўкиб, ўзига дам солиб кўрқиб гулханга таппи қалаб ўтирар экан, бирдан гулхан олови шуъласида узайган ўз соясини кўрибди-ю, жон-пони чиқиб: - Вой до-о-д! Чудовище! Паранармальное анамалия! Ўзга сайёралик

гуманоид! Ёрдам беринар, ким бор! - дея, бақирибди. Чўчиб уйғонган укаси тура солиб: - Наим ака, илтимос, бизни кўрқитманг!, - деб, йиғлабди изиллаб.

- Хайим, кўрқитганим йўқ! Ершалайимни ҳам уйғот, ана, қара улар иккита экан, - дебди, даҳшат ичра ўзининг ва укасининг соясига ишора қилиб ўртанчи кўрқок. Бу орада уйғонган тўнғич кўрқок Ершалайим ҳам ўрнидан турибди-ю, соялар яна биттага кўпайибди. Шундан кейин уч оға-ини кўрқоклар кўрқув ичра бошлари оққан томонга шундай қочибдиларки, югураётганда оёқлари ерга тегаётганини ҳам сезишмабди. Улар то ҳолдан тойиб оёқлари чалмашиб йиқилгунларигача чопаверишибди, чопаверишибди. Бу орада тонг отибди. Уч оға-ини кўрқоклар жар ёқасида ўсган жийдаларнинг меваларидан еб нонушта қилиб, яна йўлга равона бўлишибди. Улар йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир даштга борганда қоронғу тушибди. Гулхан ёққани ака-укаларнинг гугурти ҳам тутантириққа қоғози ҳам йўқ экан. Улар нима қилишини билмай кўрқиб йиғлашибди. Шунда дашт ортидан кўзга ташланаётган чироқ шуъласини кўришибди-ю, тўнғич кўрқок ўртанчи кўрқокқа: - Наим, сен ўша чироқ ёнган хонадонга бориб, гугурт билан тутантириқ олиб кел, - дебди. Ўртанчи кўрқок ортига тисарилибди: - Эй, зарил келгани йўқ. Кўрқаман. Ит қувлаб қолса нима қиламан?! Ўзингиз боринг, - дебди. - Яхшиси, учаламиз борайлик, - дебди, кенжа кўрқок. Таклиф бир овоздан қўл кўтариб маъкуллангач, улар чироқ порлаб турган жой томон одимлаб кетишибди. Етиб боришса, чироқ порлаётган жой ўғриларнинг ўрдаси экан. Ака-укалар шуъла таралаётган дераза ёнига бориб, оҳиста ичкарига қарашса, ичкарида казо-казо ҳокимчалар, прокурор, адвокатлар, раис-у омборчилар айш қилиб ўтирганини кўрибдилар. Улардан бири шароф кайфидан сармаст кўзларини сузиб гапирар, унинг гапларидан даврадагилар қотиб-қотиб қулишармиш:

- Яқинда “Қудукнор” туманидаги дехқон-фермер хўжаликларига тарқатиш учун етмиш тонна органик ўғит келтирилган эди. Мен ўғлимга “шу етмиш тонна органик ўғитдан ўн тоннасини уриб қоламан”, - десам, ишонмади. Ёш-да бола. Фермерлар шоҳида юрса, биз баргида юрамиз. - Иллюзионист дадангнинг фокусларидан ўрганиб ол, - дедим
-да, фермерларга: - Ҳадеб торозида тортавермай, мана бу челақни чамалайлик. Унга саккиз кило органик ўғит сиғади, мана, - дея, уларга челақдаги ўғит оғирлигини намойиш қилдим, улар рози бўлишди. Тарқатишни бошлаганда эса, ўғлимнинг кўз ўнгида -“абрака-дабрака кала-кала суф!”, - деб туриб, челақни иккита тепиб букдим-да, букилган челақда ўғитни тарқата бошладим. Ўша тепганимда букилган челақка саккиз кило эмас, олти кило ўғит сиғадиган бўлиб қолганини шалпанг қулоқ фермерлар ҳаёлларига ҳам келтирганлари йўқ. Етмиш тонна органик ўғитдан ўн тоннасини уриб қолганимни кўриб, ўғлим менга қойил қолди.- Дада, мен сиз билан фахрланаман, - деди ўғлим! Тўғри фермерлар у ўғитларни кимгадир сотади. Пулини ҳокимларга узатиб, ерларнинг - Балл Боннинетини, яъни, ҳосилдорлик имкониятини паст, - деб, ёздириб, пахта экилиши керак бўлган ерларга сердаромад экинлар, шоли, буғдой экишади. Кузда пахта тайёрлаш пунктлари, пахта заводи директорларига “узатиб” йўқ ердан, - юзлаб тонна пахтани топширди, - дея, қоғоз ёздиришади ва пахта топшириш йиллик режаларини шу тариқа бажаришади. Мукофат ва унвонлар оладилар. Мен ўзим дехқончиликни “д”синиям, пахтачиликнинг “п”сини ҳам билмайман. Лекин, йўлини қилиб, дехқон-фермер бўлиб олганман. Икки юз гектар ерим бор. Тендер

талаблари бўйича деҳқон-фермер бўлгучи кишининг бульдозерлари, хайдов ва транспорт тракторлари, комбайнлари бўлиши керак экан. - Ҳа, яхши, - дедим. Бир емаҳўр раисга, - тешиб чиқсин, - дея, бошимдан айлантириб пича ақча узатдим. Раис менга жамоа хўжалиги трактор-техникаларини пракатга бериб турди. Тендер куни комиссия техникалар борлигини ҳисобга оларкан, мени, - ғолиб, - дея, эълон қилди ва ялонғоёқ фермерлар ерларини менга топширишга мажбур бўлишди. Улар ҳақиқий пахта етиштириш усталари. Энди бу “усталар” бола-бақчаси билан менга кул.

Бу ишларимни кўриб ўғлим : - дада, сиз билан сеҳрланаман, - деди. Фақат хотиним:

- Сиз элни алдаб,- колхоз тракторларини ўзимники, - деб, тендерда адолатсизларча қилвирлик билан ғолиб бўлдингиз. Мен буни фош қиламан, - деди. “Хотин жафо, ит вафо” деганлари шу-да. - Бор, хоҳлаган жойингга арз қил! Қўлингдан ҳеч нарса келмайди. Бизда мустақил ахборт воситалари йўқ. Минг ёз, миллиард марта ёз, ёзганинг Каримовингга етмай вазирликдан қайтиб келаверади, харип. Прокурор, мелиса, ҳоқиму раҳбарлар бариси ошнам. Бирга гап еймиз. Энангни қози сўкса дардингни кимга айтасан?, - дедим.

Бу гаплардан даврадагилар ”хо-холаб” кулишибди. Дераза ортида турган уч оғанини кўрқоклар эса, бир-бирларига қараб қолишибди. Шунда тўнғич кўрқок укаларига паст овозда: - Укалар, эсимиз борида бу ердан туёғимизни шикиллатайлик. Тамоми раҳбар, давлат арбоблари шу ерда экан, булардан гугурт олиб гулхан ёққандан кўра, совукда музлаб, қотиб қолганимиз маъқул. Акс ҳолда, гувоҳни гумдон қилишга одатланган “катталар” ўзимизни тутиб гулханда куйдиришлари баайни ҳақиқат. Қочдик, - дебди. Уч оғанини кўрқоклар шу тариқа маслаҳатга маҳси кийдириб, оёқ учида эҳтиёткорлик билан юриб, ўрдадан узоклашибди-да, у ёғига тизғираганларича қочиб юборишибди. Шундай қилиб уч оғанини кўрқоклар мурод мақсадларига етмабди.

Мен эртакни тугатиб бундай қарасам ўғлим ухлаб қолган экан. Бу маҳал ташқарида ҳамон бўрон гувиллаб эсар, тунги зулмат ёмғирларида ювилган дарахтларининг қорайган таналари “Манас” кўчасидан Алиасқар Тўқтаналиев кўчасига бурилаётган кечиккан йўловчилар тўла “Бус”ларнинг маъюс ва хорғин фаралари ёриғида ялтираб кўринади. Ёмғирлар ва бўронда чайқалаётган дарахтларнинг шоҳлари аро паркдаги чироклар ғамгин порлайди.

Бўрон... Бўрон ва сиёсат. Ҳар икки ҳолда ҳам улар ниманидир эгади, ниманидир синдиради, ниманидир илдизи билан кўпориб, нимларнидир қаёқларгадир учириб кетади. Ўзбекистонда эсган ноҳақлик, қабоҳат ва разолат бўрони, не не ниҳолларни қайриб, эгиб синдириб, илдизи билан кўпормади, дейсиз! У ёвуз бўрон халқимиз корига ярайдиган не не ўғлонларни мухожирларга, ҳижроният биёбонларига учириб кетмади, дейсиз! Яна Ватанда кечган жабру жафоларга тўла ҳаётимни, ўша бўронларда тўнларининг этаклари байроқдай хилпираганича ҳақиқат сари интилаётган адолатпарвар, халқпарвар, юпун дўстларимни, маслақдошларимни эслайман. Лўттибоз, ғирром, номард режимнинг қасамхўр неокommунистларининг, онтхўр, найрангбозларнинг ваъдасига ишониб, “Бирлик” партиясини давлат рўйхатидан ўтказиш йўлида елиб югурган, имзо тўплаган ва алданган пок қалбли, фидойи, элимизнинг мард ва жасур ўғлонларини ёдлайман, ҳаёлан уларни

киёфаларини кўз олдимга келтириман. Хамдам Сулаймон, Хусанбой рахматли, Рустамжон Исхаков, Шокиржон Мўминжонов, Мусажон Бобожонов, Нурмухаммад Азизов, Акбарали Орипов, Дилмурод Мухиддинов каби “Бирлик” партияси фаоллари ва Дилшод Тиллахўжаев, каби ҳуқуқ ҳимоячилари ижобий маънода эслашга лойиқ инсонлардир.

Андижон воқеаларидан кейин қутурган қаттол режим уларнинг кўпчилигини авахталарга, ўлим лагерларига ташлаб, кўпчилигини Ватандан қувғин қилди. Мен Ватандан бадарға қилинган “Бирлик”чи партиядошларимга бағишлаб “Қувғин” деган шеър ёздим.

Қувғин

Айрилиққа тўлди умр тўрваси,
Онам кўзларида жовдирар савол.
Изғиринда хуштак чалади симлар,
Мен юрган йўлларда йиғлайди шамол.
Ортимда қутурган занжири тилло,
Думи йўқ итларнинг қонхўр галаси.
Кўй, менга эргашма, қайтгил, тўлин ой,
Омон бўл, юртимнинг ойдин даласи.
Йиғлама, ғамлардан қартайган онам,
Мен учун оламда йўқ сенинг тенгинг.
Сочларинг пахтадан оқариб кетган,
Кўз ёш артавериб тешилди енгинг.
Ғийбатдан ўт кетди қулоқларимга,
Тош отди ортимдан уч-тўрта хезм.
Ўрмалар бўғзимда ёввойи хўрлик,
Нахот куриб битган кўз ёши безим?!
Очилмоқда оғир уфқлар қовоғи,
Салқин саболарда сайрар бедана.
Чорбоғлар ортида хира порлар ой,
Олисда юлдузлар олмос седана.
Тонги ғира-шира кўприк томонда,
Кимдир чекаётир паришон хаёл.
Тўхтаб сукунатга қулоқ тутаман,
Узоқда боламлаб йиғлар бир аёл.
Оғир бўлар экан Ватандан кетмоқ,
Исковуч ит каби изғийди посбон.
Қайтиб келолмасам ёнингга, она,
Ер шари тобутим, қопғоги осмон!

Эсимда, “Дўрмон” воқеаларидан кейин мени ишдан четлатиб, фирмамни ёпиб юборишди. Бу ҳам оздай мени ҳеч қайси ташкилот ишга олмай қўйди. Ҳатто, оддий одамалар ҳам менга уй безак ишлари учун буюртма бергани қўрқардилар. Телевизор, видео апаратуралар ҳам “Газ-24” Волга машинам ҳам қулоғини ушлаб кетди. Молу дунём бисёр маҳаллар кунда, кун ора бизникида ароқ-коньяк ичиб,

қази-қарта егувчи,

- “Вулқон дўстим учун керак бўлса, ҳеч иккиланмай ўзимни сўйиб, қурбон қиламан”,

- дегувчи улфатларим мисоли сувга тушган тошдай ғойиб бўлишди. Шундай кунларнинг бирида “Бирлик” партияси вакиллари мени муҳолифат йиғилишига таклиф қилиб келиб қолишди. Шунда илк бор “Бирлик” партиясининг Андижон вилояти раиси Акбарали ака Орипов билан танишганман. Тўладан келган, қоратўри, қошлари қалин, оқ-қора аралаш сочлари тикка ўсадиган, лаблари қалин, кулганда оппоқ бақувват ва мустаҳкам тишлари шундоқ кўриниб тургувчи бу инсон ўзининг самимийлиги, оқ кўнгиллиги билан менда чуқур таасурот қолдирди.

Йиғилиш ўтадиган “Беҳизор” чойхонасининг мехмонхонасига кирганимда муҳолифат вакиллари ё менга ёки “Эрк” партиясига ҳурмат бажо қилиб ўрниларидан туришди. Мен улар билан бирма-бир кўришар эканман, улар мени хона тўрисида ўткизиб қўйишди. Дуо қилдик. Ҳол-аҳвол сўрашиб, чой ичиб, сузма-салат билан иссиқ оби нон еб ўтирдик. Ўзбекистондаги сиёсий таназзул ва диктатуранинг ёвуз қабоҳатлари ҳақида узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Бу ерда аксарият “Бирлик”чилар бўлиб улардан ташқари “Озод дехқонлар” партияси вакиллари ва ҳуқуқ ҳимоячилари ҳамда журналистлар бор эди. Ўтирганларнинг кўпчилиги иймон-эътиқодли инсонлар бўлганлиги учун ароқ ичилмас экан. Ичадиганлар буфет-қовоқхонага бориб, “ўзларига ўхшаб” келишарди. Ниҳоят, палов сузилди. Паловдан сўнг муҳолифат блокенинг бундан кейин қиладиган сиёсий фаолиятлари ҳақида Акбарали ака Орипов қисқача нутқ сўзлагач, музокара бошланди. Йиғин адоғида кўшма баёнот қабул қилинди ва имзоланди. Журналистлар муҳолифат вакиллари билан интервьюлар олди. Йиғилиш бошланишидан то кузагунча СНБнинг шумқадам айғоқчилари атрофда чиябўридай изғиб юришди.

Шу куни халқ, Ватан қайғуси билан зардобга тўлиб, қирғоғидан тошаётган юрагим паймонаси бироз бўшагандай бўлди. Махдуд телеэкранларда кучайтирилган цензурали радио мавжларда, сохта, сунъий, маддох газеталарининг саҳифаларида жаннат, амалда эса, сақар дўзах, жаҳаннамга айлантирилган ўзбек халқи ҳаёти, бир-бирини сотган, бир-биридан қарзга ботган чорасиз одамлар норозилиги тўла, тобора чириб, сасиб-бижғиб бораётган жамиятда шу кичик муҳолифат йиғинлари бизга тансиқ, тоза кислород эди. Албатта, бу ишлар бошида “Бирлик” партияси ва унинг Лидери турарди. Ҳа, “Бирлик” ташқи дунёдан изоляция қилиниб қамоқхонага айлантирилган Ўзбекистоннинг темир деворини тешиб дарча очолган муҳолифатдаги ягона партиядир. Биз муҳолифатчилар ўша дарчага яқин келиб, тоза кислороддан нафас олардик, гўё. Шунинг учун ҳам мен бу партиёга ҳавасим келарди. Негаки, бизнинг партиёда “Эрк”да бундай тадбирлар учун маблағ ажратилмас эди. Пул ажратилмаслиги сабаби, партиё ғазнаси бўм-бўшлиги Муҳаммад Солихнинг оғир молиявий аҳволи билан изоҳланарди. Шундай бўлсада, биз “Эрк”чилар ўлиб-тирилиб кези келганда калтакланиб, таҳқирланиб, ертўла, хибсхоналарга қамалиб юриб, партиё дастурининг тарғиботи билан шуғулланардик.

Устозлар меҳри.

Медальнинг икки томони бўлади деганларидай гарчанд “Дўрмон” воқеасидан сўнг мен учун осмон қарғалардан қорайиб, нурсиз зулматларда қолиб кетган эсимда, адабий элита орасидаги яширин обрў-эътиборим жуда юксалиб кетди. Бир куни телевизор кўриб ўтирсам Ҳалима Худойбердиева чиқиб шеър ўқиб қолди. Шеърни бир эшитишдаёқ ёдлаб ололмаган бўлсамда, унинг мазмун-моҳияти ва айрим узук-юлук мисралар ёдимда қолди.

Тўрда хайқирдингми, демакки, сен шоирсан.
Шўрда хайқирдингми, демакки, сен шоирсан.
Сағаналарни кўпариб
Гўрда хайқирдингми, демакки, сен шоирсан.

Мантиқ жадвалига солиб кўрилса бу шеър айнан менинг “Дўрмон”даги хайқиригим билан боғлиқ экани аён бўлади. Негаки тўрда, яъни “Оқсаройнинг”нинг шундоққина ёнида, мендан бошқа шоир бақирмаган. Тўғрироғи бақириб эсини еганлари йўқ. Ҳалима опанинг шеъри менинг хайқиригимга қайтган акс-садо эди. Мен август ойида бу турли норозилик акциясини амалга оширган бўлсам январ ойига бориб устоз Саид Ахмад “Қоракўз мажнун” номли хикоя ёзди. Хикояда бир кампирнинг “Қоракўз мажнун” деган лайча ити бўлади. Кампир тўсатдан вафот этган куни кўшни хонадонда зиёфат ўтаётган бўлиб, у ерга казо-казо бойваччалар йиғилгани ва маст-аласт кимсалар кампирнинг ўлганини маълум қилиш учун тинмай ақиллаётган лайчани ов милтиғи билан отиб ташлаши баён қилинади. Бу хикояни ҳам мантиқ ғалвиридан ўтказамиз. Кампирнинг ўлими Озодлик ва Адолатнинг йўқ қилиниши. Хураётган лайча – хайқираётган мен. “Қоракўз” – кўзимнинг остидаги холга ишора. “Мажнун” – жиннилик қилганим. Зиёфатдаги маст-аласт кимсалар Эркин Воҳидов дачасига йиғилган адабий элита. Саид Ахмад ўша хикоясини китобга киритди ва у китоб “Қоракўз мажнун” номи билан чоп этилди. Гарчанд ўша кунги кўрсатган “кашфи кароматим” ўта беъмани бўлсада, менинг хулиганлигим ва хибсга олинишим Саид Ахмадга ўз ёшлигини эслатгандир ҳамда қизиқ воқеаларга ўч қария, адабиётимиз оқсоқоли миясига ўша хикояни ёзиш фикри келгандир. Тағин ким билади. Қачонлардир Эркин Воҳидов бошлиқ бир гуруҳ ёзувчи-шоирлар Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасига муқобил ўлароқ “Адиблар иттифоқи”ни тўзишга уриндилар. Бу уюшмада қолишга маҳкум айрим истеъдодсиз ёзувчи ва шоирчаларга ва истеъдодли ёзувчи шоирлардан ҳадиксировчи ҳукуматга ёқмади. Натижада Эркин Воҳидов ва Хуршид Давронларнинг уринишлари зое кетиб “Адиблар иттифоқи” давлат рўйхатидан ўтказилмади.. Шундай қилиб ўзбек адабиёти икки лагерга бўлиниб кетди. Бу бўлгинчилик айниқса СНБга қўл келди, улар иккига бўлинган ёзувчиларнинг ҳукуматпараст бўлагидан фойдаланиб истеъдод оламидаги “янгилик”лардан боҳабар ишлайдиган бўлдилар.

Ҳар икки оқим вакиллари билан бирдай муносабатда бўлганим учун мени ҳар иккала томон ҳам ҳурмат қилар, менга дардини дастурхон қилишар, мен уларнинг бирови айтган гапни ҳеч қачон иккинчи томон вакилларига айтмасдим. Шунинг учун бўлса керак мени иккала гуруҳ ҳам яхши кўрарди. Менинг хибсга олинишим,

ишдан четлатилишим ва адабий жамоатчиликка бадтар ўгайлашишимдан менга ва менинг ижодимга душманлик кайфиятида бўлган ғанимларнинг шами ёниб, улар “энди Холдор Вулқон қайта тикланмайдиган бўлиб синди, у энди ҳеч қачон оқланмайди” дея башорат қилиб териларига сиғмай севиндилар. Лекин бу икки кутуби дунёда ғанимчаларга муқобил ўлароқ дўстларим ҳам йўқ эмасди. Улар Каримов ва унинг режимини жинидан бадтар ёмон кўришсада, ўзларини ҳукуматпараст қилиб кўрсатиб, айёрликка қарши маккорлик билан “Яланғоч қирол” ривоятидаги мустабид золим қиролнинг устидан кулиб, унинг йўқ киймини мақтаётган аъёнлардек яшардилар. Мен ҳам яшашнинг янги, экстримал усулини топдим ва мустақил журналист бўлиб фаолият кўрсата бошладим. Золим ҳукумат ва очкўз ҳокимчалар ва раҳбарчаларнинг зулмидан фиғони фалакка ўрлаган одамларнинг сон-санови йўқ - дай эди. Мен уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини химоя қила бошладим. Чучқадай семириб, ташкилот, муассасаларни каламушдай кемириб ётган ҳаромзодаларни кези келганда тиз чўктириб ҳақоратланган; ноҳақ ишдан четлатилан ёки мулки зўравонларча тортиб олинган оддий одамлардан кечирим сўратар эдим. Ноҳақ ишдан четлатилганларни қайта ўз ишчи ўрнига тиклатиб, уларга етказилган зарарни тўлатдиран эдим. “Инжилда” ҳар қандай сир албатта ошқор бўлади деган қатъий оят бор. Шунинг учун очиқ ёзаман. Жабрланган мижоз аризаси тўла қондирилгач, мен золимларни яна қисди-қафасга олардим. Улар “жон ака, қўйинг энди, мақолани бирон ёққа жўнатиб шармсор қилманг, жувонмарг бўлиб кетмайлик. Акагинам, тўйларингизда хизмат қилайлик” дея ялинишар, кўярда-қўймай чўнтагимга беш-тўрт сўм пул солиб кетишарди. Мен у пулларни қамбағаллардан ҳақ олмай уларни химоя қилганим учун Худо тамонидан менга берилган ризқ деб қабул қилардим. Ахир шу пайтда бола-чақамни боқиш учун менда бошқа молиявий манба йўқ эди. Ўзим учун эмас, бола-чақам учун шу йўлни тутишга мажбур бўлганман.

Шундай кунларнинг бирида Тошкентлик хайкалтарош Равшан Миртожиев билан учрашиб қолдим. Равшан акам ўзбекнинг энг зўр хайкалтарошларидан бири бўлиб, баландлиги 8-10 метрли Хазрат Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг, Абурайхон Берунийнинг ва бошқа шоиру олимларнинг бронза хайкаллари ясаб дунёнинг турли давлатларига ўрнатиб келганини билардим, унинг истеъдодини хурмат қилардим. Андижондаги Бобур хазратларининг от миниб турган хайбатли бронза хайкали ва Абдулҳамид Чўлпоннинг улкан бронза хайкаллари ҳам шу хайкалтарош ижодининг махсули эди. Биз санъат ҳақида суҳбатлашиб ўтирарканмиз Равшан акам “Холдор, биз ҳаммамиз ижодқормиз. Биз бир-биримизга ёрдам бериб яшашимиз жоиз. Хизмат бўлса тортинмай айтинг” деди. Мен ўйланиб қолдим. Кейин китоб чиқариш мақсадим борлигини, лекин маблағ йўғлигини айтдим. Равшан акам “агар жуда унчалик кўп бўлмаса ёрдам қиламан” деди. Мен раҳмат айтдим. Кейин биронта нашриёт билан гаплашиб китобимга кетадиган ҳаражатни сарҳисоб қилдириб сўнг маълум қилажагимни айтдим. Тўғриси китобим нашриясини биронта нашриёт зиммасига олишига ишончим йўқ эди. Кўрқса керак дердим. Неформат десседентлигимдан эса Равшан Миртожиевнинг хабари йўқ эди. Нима бўлдию бир куни тақдир тақозаси билан “Янги аср авлоди” собиқ “Ёш гвардия” нашриётига иш билан бориб қолдим. У ерда Ўзбекистон халқ шоири, ажойиб инсон, раҳматли Нормурод Нарзуллаевни учратиб қолдим. У мен билан кўришаркан, “Қалай, яхши юрибсанми, шоири

замон” – деди. Мен “ха” дея ўз навбатимда кекса шоирдан хол-ахвол сўрадим. Ўшанда Нормурод ака янги жаррохлик амалиётини бошдан кечирган пайтлари экан. Мен “хомий топиб пул ўтказсам китобим чиқадими? – дея сўрадим. “Нага чиқмас экан. Жуда чиқадиде. Сан пулли ўтказган кундан бошлаб бизар ишни бошлаворовуза – деди Нормурод акам. Шунданг сўнг мен китобимни калькуляция қилдириб ҳаражатни аниқладимда Равшан акамга қўнғироқ қилдим.
–“Қанча пул ўтказиш керак? – деди Равшан акам.
- 300 минг сўм – дедим мен хадик ва хавотир ичра.
-Э. арзимас пул эканку. Мен бирор миллион сўммикин дебман – деди Равшан акам энгил тортиб. Сўнг қўшимча қилди:
-Уйга шартномани ташлаб кетинг. Мен пулни ўтказиб бераман.
Мен хурсанд бўлиб кетдим. Қайта-қайта раҳмат айтдим. Бир куни нашриётга қўнғироқ қилсам, Нормурод ака:
-Шоири замон, пулинг ўтди. Китобингни нашр кивоммиз, келиб коррективкасини ўқиб кўл қўйиб кетгин – деди.
Мен уша куниёқ қанот боғлаб Тошкентга учдим гўё. Ахир шоир, ёзувчига китоби чиқаётганини эшитиш, ёш отанинг туғруқхона дарчасидан “ўғил кўрдингиз” деган калимани эшитишдай завқу-шавқли эмасми. Нихоят учинчи китобим “Тунги лайлакқор” ҳам дунё юзини кўрди. Бу воқеа мен учун Аллоҳнинг навбатдаги мўъжизаси эди. Бу ҳам оздай Равшан Миртожиев қайтарилиши керак бўлган 300000 (уч юз минг) сўм пулдан кечиб расман тилхат ёзиб берди. Китобимга дастхат ёзиб совға қилганимда душманчаларнинг ранги кўкариб, кўзларининг пахтаси чиқди, хасаддан кўпчилиги касал бўлиб қолди. Бу ҳам холваси экан. Кунлардан бир кун “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида китобимдан олинган 5-6 шеъримни суратим билан чоп этиб юборишди. У шеърлар орасида севги ҳақидаги лирик шеърлар билан идиотизмда ёзилган кинояли исиёнкор шеърларим ҳам бор эди. У шеърлардан адабий жамоатчилик гўё ларзага келди. Шоир-ёзувчилар орасида шов-шув бўлиб кетди. Ўша шеърлардан бирини ушбу қиссада ҳам келтириш жоиз деб топдим. Мана ўша шеър,

ТАЗАРРУ

Мен осмонни иккиқат дебман,
Кечиринглар, еттиқат экан.
Санчилар, деб булутлар кўрқар,
Иягимда устирсам тикан.
Кечиринглар, менинг кўзимга,
Кўринибди мисоли безак.
Сигирларнинг нодир асари,
Атиргулга ўхшаган тезак.
Узр, писанд этмаган бўлсам,
Назокатли кимсалар дидин.
Устин қўйиб Фаранг мушкидан
Даладаги бурганлар хидин.
Маъзур тутинг, ўхшаса агар,

Бармоқларим семиз куртларга
Ва кузатсам сиздан берухсат
Турналарни олис юртларга.
Узр, одам хисоблаб сизни,
Борган бўлсам баъзан топиниб.
Хайр энди, вақт кеч бўлди,
Мен ухлайин ерни ёпиниб.

Ўша шеърлар орасида “Канглум” деган шеър ҳам чоп этилган бўлиб, у шеър шоир Икром Отамуродга бағишланган эди. Ўз овози, ўз созига эга бўлган бу ажойиб шоир негадир “кўнгил” сўзини ўз шеърларида кўп истемол қилар, яна бу сўзни эркалатиб ўн бешинчи аср тилида “канглум” дея талаффуз қилар, шу сабаб шоирлар ва ёзувчилар уни орқаворотдан “канглум” деб аташарди. Мен Икром акамнинг бу муборак лақабини очик ошқара айтганим шоирларнинг бадтар қитиғини келтириб улар ҳар ҳаёқдан кўнғироқ қилишганича: “Икром, “Адабиёт ва санъат”даги шеърни ўқидингми? Сенга атаб шеър ёзишибди” дея муборакбод этишибди. Мен хавотирланиб “Икром акам хиппа ёқамдан олиб, хой, ахмоқ, нага мани масҳара қилдинг? “Шарқ юлдузи”да шеърларингни эълон қилганимга раҳматингми бу?! – дея, ўнг кўзимнинг остига ҳам хол қўйиб қўймасайди – деб юрдим. Лекин бунинг акси бўлиб чиқди. Учрашганимизда менинг ҳар кимга ҳам шеър бағишлайвермаслигимни, қилган ишим самимийлик, беғараз, меҳр ва эхтиромим белгиси эканини яхши билган бағри кенг буюк шоир Икром Отамурод мени кучоқлаб бағрига босканича:

“Раҳмат укажон, манга атаб шеър ёзибсиз, хурсандман” деб қўйди. Кейин кулиб::
-Шоир-ёзувчилар Сизни сўраб кўнғироқ қилавериб кулок-миямни ейишди.
Жуманиёз Жабборов билан Шукрилло домлага кўнғироқ қилиб қўйинг. Айниқса:
Шукрилло ака “Икром Санга шеър бағишлаган шоир келиб қолса этгин, албатта манга кўнғироқ қилсин – дея тайинладилар. Манга дастхат ёзиб совға қилган китобингизни ҳам ўқиб чиқиб қайтариши шарти билан олиб кетиб қолдилар. Тезда кўнғироқ қилинг, мана телефон рақамлари - деди.

Мен кўнғироқ қилдим. Гўшакни Шукрилло домла кўтардилар. Мен саломлашиб ўзимни танитганимдан сўнг Шукрилло аканинг сўзлаши янада жонланди:
- Э. санмисан? Яхши келдингми? Манга қара, адресси берсам бизани ўйни топиб келолйсанми? – дедилар домла.

-Албатта - дедим мен.

Домла адресини айтдилар мен ёзиб олдим. Сўнг Икром ака билан хайрлашиб йўлга тушар эканман йўл-йўлакай бозордан “Торпеда” деб аталгувчи Мирзачўлнинг узун қовунидан, тарвуз, гўшт, нон дегандай майда-чуйда қилиб Шукрилло домланинг уйига бордим. Дорвоза кўнғироғини боссам домла кутиб турганлари учун хаялламай тезда чиқиб келдилар. Сталиннинг ўлим лагерларида узоқ йиллар ётиб чиққан бу иродаси мустаҳкам, ўжар шоир қариб анча озиб қолганидан йўл-йўл пижамада худди концлагерь махбусини эслатарди. Бизлар кўришдик. Хол-ахвол сўрашар эканмиз, мен олиб келинган нарсаларни дорвозахонага ташидим.

-Э, шоир, намуноча овора бўлиб мамнақа нарсаларни кўтариб юрибсан? – дедилар Шукрилло ака. Кейин: - қани ичкарига юрувр – деб озгин қоқсуяк қўллари билан

йўл бошлади. Мен:

-Манави нарсаларни ичкарига олиб кириб қўймаймизми? дедим. Шунда домла:

-Э, юрувр, ўзлари олиб кириб қўйишади – дедилар.

Бу гап кекса шоирнинг назари тўқ одам эканидан далолат берарди. Биз хашаматли коттеджнинг биринчи қаватидаги залга кириб оқ дастурхон устига плёнка тўшалган узун банкет столи атрофидаги курсиларга ўтирдик. Дуо қилинганч домланинг келини бўлсалар керак, бир зумда столни ноз-неъматларга тўлдириб чой келтирди. Чой ичиб писта, майиз, қиёмлардан тотиниб ўтирдик.

-Ха, шоир, яхши келдингми? Қалай Андижонлар тинчми? Оббо сене-е-й –деб менинг афти ангоримни қизиқиш билан кузатди домла. У мени худди Ҳитой бамбукзорларида у ёққа ағанаб – бу ёққа ағанаб, бамбук барглари ямлаётган "Панда" айиғига қарагандай меҳр ва қизиш билан қарар, унинг бу қарашларида ғараз йўқ эди. Кўп ўтмай овқат келтиришди.

-Ароқ ичасанми? – дедилар домла овқатдан аввал. Мен “йўк” дедим. Чунки йўл-йўлакай қовоқхонага кириб керагини “уриб” олган эдим Биз овқатландик.

Десертга қовун келтирилди:

- Қани мамби қовунлардан олчи, ол - у шундай деб ўзи бошлаб бераркан, бир карч қовунни “шулп-шулп” эткизиб пўчоғини алоҳида қилиб қўяркан сочиқ билан оғзини артиб:

-Сан манинг қовунни яхши кўришимни қаёқдан билдинг? Мирзачўлли қовундан олиб келибсана. – дедилар Мен бу саволга жилмайиб қўя қолдим. Қовундан едим. “Оби новвот” экан. Домла “ха, қани ол, тортинма” дея мулозамат қиларкан яна икки карч қовунни ошқозонига қамади. Дастурхонга дуо қилинганч биз адабиёт, шеърят ҳақида узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Домла менга янги шеърларимдан ўқитдилар. Кейин мени ҳайратда қўйиб модернизм, акмеизм, символизм, авангардизм каби оқимлар ҳақида тушунча беришимни сўради. Мен аввалига беодоблик бўлиб қолмасмикан деб истихола қилдим. Домла ўз сўзида қаттиқ туриб олганч, мен унга “изм”лар ҳақида билганимча тушунтирдим. Шунда кекса реалист шоирнинг биз акмеист, модернист ва полифонистларга хаваси келишини сездим. Ўзини катта олмай, кибру хавога берилмай, қитмирлик қилмай, билмаган нарсасини ор қилмай невараси тенги шоирдан сўраган Шукрилло ака ўзи билмаган ҳолда ўзининг камтарлигини, оққўнгилигини намоёниш қилди. Шундан кейин Шукрилло домлага нисбатан юз чандон хурмат эхтиромим ортиб кетди. Гап гапга уланиб кекса шоир дўстлари Расул Ғамзатов, Давид Кугултинов, Қайсин Кулиев, Чингиз Айтматовларни эслади. Мен утирган жойга ишора қилиб:

- Биласанми, бир пайтлар шу сен утирган жойда Расул Ғамзатов ўтирган эди.. – деб қўйдилар.

Бир маҳал жиринглаётган телефон гушагини кўтариб ким биландир суҳбатлашар экан менга:

-Эткандай, чойхонада бизани бир ўй одам кутвотти. Сани шарафинга ош дамлатиб маҳалладошларга, улфатларга бир шоир келади – деб қўйгандим, чақиришивотти. Юр чикийлу тезроқ – дея тараддуланиб қолдилар. Мен унамадим. Тўғриси тортиндим.

- Раҳмат, бошқа сафар - дедим.

-Э, яхши бўлмадида, ха майли, узоқ йўл. Довонлардан ошиб келгансан. Чарчаган бўлсанг керак. Майли дамнингни олақол – деди домла. Биз кечки овқатдан сўнг яна

анчагача шеър ўқишиб, суҳбатлашиб ўтирдик. Шу кеча домла ховли сахнидаги сўрига мен учун ўрин тайёрлатдилар. Сўнг менга хайрли тун тилаб кампири билан ичкарига кириб кетар экан, мен сўрида ғир-ғир шабада эсаётган ховлида Тошкент осмонида порлаётган юлдузларга қараб хаёл сурганимча донг қотиб ухлаб қолибман. Эрталаб уйғонсам Шукрилло ака ховлида айланиб юрган эканлар. У менга:

- Қалай, шоир совуқ еб қолмадингми, ишқилиб? – дедилар. Мен “йўқ, мазза қилиб ухладим” дея ўрнимдан туриб, юз-қўлимни ювиб, домла узатган сочикқа артиндим. Кейин домла билан хашаматли ошхонага кириб нонушта қила бошларканмиз, домла ушатилган нонларга ишора қилиб:

- Садриддин Айнийга ўхшаб жуда майда ушатвормадимми – деди жилмайиб.

- Садриддин Айний нонни майда ушатар эканми? – сўрадим мен.

- Э. нонни майда ушатиш ҳам гапми, Садриддин Айний ошига пашша тушиб қолса, пашшанинг шундоқ қанотидан ушлаб уни обдон шимиб, бир четга қуярканларда, овқатни пок-покиза тушириб ичиб оларканлар – деди Шукрилло ака. У Садриддин Айнийнинг пашша шимиганини шундай хаётий қилиб курсатдики, кўзимга унинг қўлида ростдан ҳам пашша бордай кўриниб кетди. Шукрилло ака Насриддиндай шунақа қизиқчи одам эканлар. Нонуштадан сўнг кўчага чикдик. Шукрилло ака кўярда қўймай мени муюлишгача кузатиб борди. Хайрлашдик. Мен жўнаб кетар эканман, кекса шоир йўл-йўл пижамада худди махбуслар каби озғин қўлларини ортига қилганича ортимдан узоқ қараб турдилар.

-23-

Хикматли дунё

Қишлоғимизда Қозоқ эшон деган темирчи бўларди. Юксак муомала маданиятига эга бу инсон хуш муомиласи билан ҳар қандай ёвуз одамни ҳам сеҳрлаб ўзига махлиё қила олар, худди қор ғижирлаётганга ўхшаш товуш билан гапирарди. Қозоқ эшон баъзан пиёда баъзан велосипед миниб кўчадан ўтиб қолар, барча билан бирдай қўлини кўксига қўйиб саломлашар, ҳатто кичкина гўдакка ҳам салом берар, шундай гўзал инсоний фазилатлари, камтаринлиги учун бу одамни қишлоқ ахли ёппасига хурмат қилар эди. Қозоқ эшоннинг бошқалардан ажраб турадиган яна бир қирраси - у шеър ёзарди. Қўшиқ айтарди. Ҳеч қандай чолғу анжомисиз кекирдагида сурнай чаларди. У ўзининг темирчилик дўконида дам босиб, темир қиздириб, қизиган темирни сандонда болғалаб катталар учун ўроқ, кетмон, болта, теша каби ускуналар ясаб, кичкина болаларни ҳам эсдан чиқармай, уларга хуштак ясаб берар, болалар ҳам ўз навбатида Қозоқ акани яхши кўришарди. Қозоқ эшон дадамнинг дўсти эди. Мен ёшлик чоғларимда дадамнинг топшириғи билан ўроқ, кетмон, тешаларни таъмирлатгани эшоннинг темирчилик дўконига борар эдим. Эчки пўстаги михланган ўриндикда ўтириб унинг ишлашини кузатиш мен учун жуда завқли эди. Манглайига дурра танғиб олган Қозоқ эшон бақувват, серюнг қўллари билан дастаси узун омбирда қизиб чўғ бўлган металлни олиб сандон устига қўяр, сўнг уни иккинчи қўлидаги болға билан тобига келгунча болғалар, металлдан чатнаган чўғ доналари худди қизил чивинлардай ҳар тамонга учар, “Танг-тунг!”, “Танг-тунг!” деган ёқимли, илохий жаранг дўкон деворларига

урилиб акс-садо берарди. Кўнгилдагидай ишлов берилган усқунани Қозоқ эшон сувли идишга туширганда сув “Пришш” этиб қайнаб, буғ кўтариларди. Мен уша олис завқли тамошани ҳозиргача бот-бот эслайман. Шундай пайтлар қулоқларим остида “Танг-тунг!”, “Танг-тунг!” деган ажойиб товуш жаранглаётгандай туюлади.

Гарчанд Қозик эшоннинг темирчилик дўкони аллақачон йўқ бўлиб кетган эсада, менинг хотирамда ҳамон мавжуд. Бизга муомала-маданиятини, камтаринлик ва хоксорликни, самимийликни ўргатиб кетган ажойиб инсон уста Қозоқ умрининг сўнги йилларини “Сув юлдуз” деган қишлоқдаги касалхонада ўтказди. Кекса шоир шу касалхонада ҳам даволаниб ҳам қоровулчилик қилди. Мен ҳар гал ўша йўл ёқасидаги касалхона ёнидан ўтганимда Қозоқ акани эслайман. Назаримда у ўлмагандай, худди пастак қоровулхона дарчасидан кулиб қараб турганга ўхшайди. Қишлоғимизда Қозоқ эшондан ташқари яна иккита темирчи бўлиб, уларнинг бири Мансурали ака, иккинчиси Абдумухтор ака эди. Мен Мансурали темирчи ҳақида унча кўп билмасамда, Абдумухтор акани жуда яхши билардим. Новча бўйли, қоратўри озғин бўйни, оёқ-қўллари узун, соқоли шамолда хилпираб тургувчи Абдумухтор темирчи ёзда эгнига оқ яқтак, оқ иштон, бошига эски дўппи, оёқларига калиш кийиб юрар, қишда эгнига чопон, бошига куя еган телпак, оёқларига махси-калиш кийиб юргувчи кимса эди. У турли хил латифалар, кулоқ эшитмаган хангомаларни тўқишга ва уни ижро этишга устаси фаранг бўлганидан, унга суҳбатдош бўлган одам зеркмасди. Биз болалар мактабдан қайтаётиб Абдумухтор темирчининг пахса девори ортидаги майдонда футбол ўйнардик. Бир гал тепилган тўп пахса девор оша Абдумухтор темирчининг томорқасига ўтиб кетди. Биз тўпни олиш учун девор ошмоқчи бўлиб турсак, қутилмаганда тўпимиз тенг иккига бўлиниб “талак” этиб ёнимизга тушди. Биз хомушланиб, мотоцикл хайдовчиси ёки сузиш мусобақаси қатнашчилари қалпоғига ўхшаб қолганича, икки бўлакка бўлинган тўпга тикилиб қолдик. Бундай воқеа бир неча бор такрорланиб тўпларимиз сирли равишда қурбон бўлавергач, Абдумухтор темирчининг пахса девори ортида футбол ўйнамайдиган бўлганмиз

Ким билади, балки Абдумухтор темирчи томорқасига тушган тўпимиз ёнига товушсиз, ниндзялардай юриб келиб уни ёриб девордан улоқтиргач, иккига бўлинган тўпга тикилиб турган биз болаларнинг ахволини девор ковагидан кузатиб, овозсиз қотиб-қотиб қулгандир, ҳузурлангандир. Йиллар ўтиб улғайиб мен уй солиб иморат қурдим. Иморат томига шифер қоқишдан аввал туникасоз желуба, тарновлар қилиш керак бўларкан. Бу иш фақат Абдумухтор ака раҳматлининг қўлидан келарди. Мен унга буюртма бердим. У туникаларни қайчида қийиб-бичиб, ёғоч тўқмоғи билан уриб ялпайтириб ишлар, иш жараёнида қизиқ-қизиқ гапларни гапирар, мен ишлашдан тўхтаб роса қулардим. Унинг бир хангомасини сиз билан баҳам кўрмоқчиман.

- Менинг отим асли Тўхтасин бўлган – дея гап бошлайди Абдумухтор ака. Фарзандлари кетиб қолавергач дадам раҳматли нобудгарчилик тўхтар деб, менга Тўхтасин исмини қўйган экан. Дадам мироб бўлганликлари учун ўз одамлари билан Қорадарёга сепоялар ўрнатиб тўғон босар, шу тариқа пахтазорларга, полиз пайкалларига сув чиқарарканлар. Мен туғилган йили дарё қутуриб сепояларни ағдариб, тўғонни суриб кетаверибди. Шу маҳал тўғонда ишлаётган юзлаб одамлар орасидан кимдир:

- Ҳалойик, орамизда Тўхтасин исмли одам борми?! – дея хайқирибди.

- Бор, нимаиди?! – дебди кимдир унга жавобан

- Ўшани ушланглар, тўғонга босамиз! Тўхтасинни тўғонга боссак сув тўхтади! – дебди ҳалиги одам. Шу махал Тўхтасин исмли новча озғин кимса оломондан ажраб чиқиб қоча бошлабди:

- Хой, Тўхтасин қочиб кетяпти! Ушла! – дея қичқирибди биров. Беш –ўн киши қувиб Тўхтасинни тутишибди. Сўнг Тўхтасинни “Шафқат қилинлар, учта болам б-о-ор! - дейишига ҳам қарамай уни тўғонга босиб юборишган экан. Шу кеча дадам уйга келиб онамга:

- Хотин, Тўхтасин деганини тўғонга босиб юборишди. Бугундан бошлаб ўғлимизни Тўхтасин демайлик – деган экан. Шундай қилиб мен Абдумухтор бўлиб қолганман - деди темирчи туникасоз.

Мен баъзан ёмғир ёғаётганда желуба тарновидан оқиб тушаётган зилол ёмғир сувларига ўйчан термулиб , қизиқчи Абдумухтор акани эслайман.Эх, қанча-қанча ажойиб одамлар ўтиб кетди! -дея ўйлайман. Ҳа, инсон боласи қоронғиликдан чиқиб яна қоронғуликка кириб кетаркану, шу туташган умр чизиғи адоғида бир доира , айлана ясар экан. Айланалар эса сирли. Ер, ой, қуёш ва бошқа тамоми сайёралар, .ғилдираклар, турбиналар айланади. Йиллар айланади, фаслар айланиб келаверади. Мени айланалар , айланишлар, тана тўзилиши циркулга ўхшаш одамнинг айлана шакл чизганича коинотга қўшилиб айланиши, ерга айланиши хайратга солади.

Бир куни кишлоғимизда оддий, ҳеч қайси олий ўқув юртини тугатмаган, содагина махалладошимга :

- Ҳа, астойдилсану, қаёққа? – деб савол бердим. У бўлса:

- Юрибман, айланиб – деди. Бир кампир бўлса:

- Кишлоғимизнинг яралгандан бери қабристон йўқ эди. Хокимлар билан талашиб-тортишиб бизга қабристон ажратиб бердингиз. Илоё муродингизга етинг айланай, журналист болам - деди.. “Айланай” деди. Олимларнинг эмас, оддий одамларининг сўзи коинотда кечгувчи сирли жараён билан боғлиқ ўзбек халқи нега энди “Қўй” ёки “Гой” бўлиши керак? Ер юзи халқларига маданиятни, илму фанни, давлатчилик қонун қоидаларини ўргатган меним халқимни “қўй” деган кўрқоқ, сасиқ чўчқаларга, “гой” деган, Ватансиз, писмиқ, ўғри ҳаромзодаларга ачинаман. Мен бир миллатни иккинчи миллатдан юқори қўйгувчи, хокимият, амалу мансаб учун кези келса кетини ҳам беришга тайёр миллатчиларни, худони унутган калтафахм, маҳалийчи, бўлгинчи сепаратистлардан нафратланаман. Менинг энг буюк орзу ва муқаддас матлабим – аслида Одам Атонинг ҳамда мамо Хавонинг фарзандлари бўлган ёр юзидаги барча инсонлар, чегарасиз, паспортсиз, қуролсиз, КГБсиз, ЦРУсиз, “Токко”сиз, “Массад”сиз ягона оила бўлиб хур озод ва фаровон яшашларидир. Мен бутун ер шари халқлари учун ягона халқаро конституция, ягона пул бирлиги, ягона парламент бўлишини истайман.

Майли мени космополит десинлар. Майли, мени тентак атасинлар, мен умримнинг қолган қисмини шу ғоялар тарғиботи билан боғлиқ қисса ва романлар ёзишга бахш этаман.

Секин аста пуллар бирлашаётганини, давлатлар ҳамжамиятларга, ягона иқтисодий блокларга бирикиётгани инсоният онги балоғатга етиётганидан далолатдир.

Хохшим миллиард – миллиард квадрат километр чегарларга, разведка ва

контрразведкага, атом бомбаларига, армияга сарф қилинаётган маблағлар бутун дунё халқлари ҳаётини яхшилашига, ободончиликка, илму фанга сарф қилинса, уришлар, қимматчиликлар, қахатчиликлар, очарчиликлар йўқ бўлса. Одамлар мен каби Ватандан қувилиб, бола-чақаси билан хор-зор бўлмаса!

Энг майда деталларигача пухта ўйлаб ишга туширилган Каримов режими Ўзбекистонда фаолият юритаётган ҳар бир хурфикрли кишини назоратда ушлаб туриш топшириғини олган сабаб улар қамаса сиёсий жанжалларга сабаб бўлувчи бўйсинмас кимсаларни, норасмий ҳуқуқ ҳимояси ташкилотларга аъзо бўлишининг олдини олиб, махсус сунъий ҳуқуқ ҳимояси ташкилотларини очар ва унга ўша исиёнкор журналист ва мустақил ҳуқуқ ҳимоячиларини тортишга ҳаракат қиларди. Мен иш ахтариб тополмай мустақил журналист сифатида фаолият юрита бошлаганимдан хавотирга тушган режим ўзининг югурдақларини ишга солиб, мени Зоҳидов Марат раҳбарлигидаги МОПЧ (Международное общество прав человека) деб аталган ташкилотга ишга киришимни таклиф қилишди. Бу ташкилотнинг сунъийлигини кейинчалик Толиб Ёқубовдан эшитдим. Бу ҳақда боб охирида ёзаман. Хуллас мен ҳеч нарсадан шубҳа қилмай, мазкур ташкилотнинг Андижон вилоят бўлимида фаолият олиб бора бошладим.

Бўлимнинг бошлиғи Қодиржон Эргашев деган одам бўлиб, у собиқ милиция майори экан. Бир пайтлар Россия Федерациясида йигирма йил ишлаб, яшаб келган бу кимса Андижонда бир неча йил вилоят жиноят қидирув бўлимига раҳбарлик ҳам қилган ва милиция раҳбарияти тамонидан амалга оширилгучи порахўрлик ва ноҳолисликни танқид қилиб пенсияга ҳам чиқмай ишдан четлатилгани маълум бўлди. Юридик маълумотга эга бу инсон аризалар изидан бориб жабр чеккан фуқароларнинг муаммоларини хал қилиб эл орасида катта обрў қозонган эди. Қодиржон Комиловични ҳамма Николай Николаевич деб атар, Николаевич мени шоир дер эди.

У табиатан қувноқ, хушчақчақ, лекин кези келганда айниб – ачиб сўкинсада, кечиримли ва самимий эди. Биз Қодиржон Эргашев билан юзлаб инсоний ҳақ-ҳуқуқлари топтап оёқ ости қилинган, хўрланган, таҳқирланган одамларни ҳимоя қилдик, аризаларида баён қилинган муаммоларини хал қилиб бердик.

13 май 2005 йили Андижон воқеалари юз берди. Мен Андижон воқеалари ҳақида тўхталмоқчи эмасман. Негаки “чумчуқ суйса ҳам қассоб суйсин” дейди донишманд халқимиз. Жаҳон жамоатчилиги олдида ҳамон жумбоқлигича қолаётган бу тарихий муаммони биз каби ёзувчилар эмас, махсус халқаро комиссия, сиёсатшунослар, халқаро экспертлар ўрганиб, таҳлил қилиб хулоса чиқаргани маъқул. Мен фақат Николаевич билан боғлиқ воқеагагина тўхталаман.

2005 йил 13 май куни ишга борсам, ишхонада ҳеч ким йўқ. Шаҳарнинг “Ош” кўчаси, Навоий проспекtlари ва эски шаҳар тамонларида ҳамон гумбирлаган портлама садолари ўқ товушлари эшитилар, шаҳар тутаб ётарди. Мен ишхонага кириб, кабинетда ўтиргандим, бирдан Николай Николаевич бизнинг ҳимоямиздаги 14 май куни ишлари судда қайта кўрилиши керак бўлган 3 махбусни олдига солиб, ишхонага олиб кирди. Мен ҳайрон бўлдим:

- Тинчликми? - дедим шошилишда бошқа сўз тополмай. Шунда махбуслардан бири:

- Э. ака, турмани портлатишиб дорвозасини бузиб, қамоқхонадан чиқишни истамаган махбусларни отиб ташлашди. Мажбур қочиб чиқдик. – деди.

- Шоир, - деди Николай Николаевич – буларни ишхонада сақлаб турмасак, жангариларга кўшиб узоқ муддатга қамаб юборишлари мумкин. Мен ҳозир горотдел милицияга кўнғироқ қилиб, буларни терговчисига топшираман. Қўлига қурол ушламаган булар – деди.

Шундан кейин биз махбусларни овқатлантирдикда, ҳеч қаёққа чиқмай офисда ўтиришларини тайинладик. Бу орада раис ўринбосари Ортиқали Рахматов етиб келди. У оппоқ кўйлак кийиб олган экан. Бу махал Николай Николаевичнинг қўл телефонига турли ёқлардан халқаро журналистлар кўнғироқ қилар, Николаевич бақриб гапирганича шаҳардаги ахвол ҳақида уларга ахборот берарди. “ В районе тюрьмы, у здания СНБ и около хокимията валяются многочисленные трупы!» дея ҳайқирарди. Ўшанда унинг ҳақиқий ҳуқуқ химоячиси. ЭСНБга, милицияга малайлик қилмайдиган журъат-жасоратли покиза инсон эканлигига ишонганман. Кейин Николай Николаевич ўз ўринбосари Ортиқали Рахматов билан маслахатлашиб қаёққадир отлана бошлади.

-Қаёққа? дедим мен.

- Хокимиятга. Биз Ортиқали иккаламиз қон тўқилишини тўхтатиш учун акромийлар билан музокарага борамиз.

- Менчи? – дедим уларга эргашиб. Шунда Николай Николаевич:

- Сиз офисда қоласиз. Анави махбусларни ҳеч қаёққа чиқармай ўтиринг - деди.

Менинг кўнмаётганимни кўриб Николаевич елкамга қўлини қўйдида:

- Э, шоир, Сиз яшашингиз керак. Ахир, биз ўлиб кетсак бизга хотира шеърини ким ёзади? – деб қўйди кулиб.

Тушга яқин Горотделдан терговчи келиб махбусларни олиб кетди. Тушдан кейин кечгача Николай Николаевич ва Ортиқалиларнинг телефон кўнғироғини кутдим. Билсам ўша куни уларни гаровчилар “тирик қалқон”га кўшиб боғлаб, Сойгузар тамонга хайдаб кетибди. Кечга яқин юз берган отишмада Ортиқали ўлиб, Николаевич ўликлар остида қолиб кетибди. Лекин у ҳам узоқ яшамади. Август ойларига бориб Николаевич ҳам сирли равишда ўлди. Ҳар гапга фаришталар “омин” дейди деганлари ҳақ гап экан. Мана Николаевич айтгандай мен улар ҳақида хотиралар ёзиб ўтирибман.

-24-

Тарки Ватан

Николай Николаевич сирли равишда ўлим топгач, бўлимимиз аъзолари мени демократик сайлов йўли билан раисликка танладилар. Шундай қилиб мен инсон ҳуқуқларини химоя қилувчи ташкилотнинг Андижон вилояти бўлимига раислик қила бошладим. Аризалар кўплигидан якшанба кунлари ҳам ишлардик. Лекин ҳақ йўлидаги хатти-ҳаракатларим порахўр прокурор ва терговчиларни ва СНБнинг ғашини келтирар, улар мени зўр бериб ўзларининг қопига солишга ҳаракат қилишарди.

Бир куни менга ташкилотимиз ҳукумат талабларидан келиб чиқиб СНБ билан бақамти ишлаши кераклигини, бизнинг телефон орқали қилинган ҳар бир суҳбатимизни МХХ эшитиб бориши кераклигини айтишди. Табиyki мен бу таклифни қатъиян рад этдим. Шундан кейин улар ташкилотимиз муҳр-штампини

бекор дея эълон қилишди ва мени таҳқиб қилишга киришишди. Эртадан кечгача ҳар куни офис деразалари ортида ойналари қорайтирилган ажнабий русумдаги машина турар, менинг гапларимни тинглашиб ёзиб, қадамимни пойлайдиган бўлишди.

Мен ишлайвердим. Босим эса тобора кучаярди.

Бир куни мен офисга кимдир пинхона кираётганини, ҳатто сейфимни очаётганини сезиб қолдим. Шундан сўнг сейфдаги мижозларнинг ҳужжатларини олиб 2-микрорайонда яшовчи дўстимнинг уйга элтиб қўйдим. Мухр-штамп бекор қилинган бўлсада ишни давом этдиравердим.

Бир гал Андижонга Тошкентдан ҳуқуқ химоячиси Абдухошим Ғофуров келди. У менга қўнғироқ қилиб Қирғиз-Ўзбек чегарасидаги муаммоларни ёритмоқчи эканини, бу ишда ёрдамлашишимни сўради. Мен Хўжаободда яшовчи бир мижознинг аризасидаги муаммоларни ҳал қилишга ёрдамлашишим кераклигини айтдим. Абдухошим у ерга мен билан бирга борадиган бўлди. Эртасига Хўжаободга бориб аризачининг муаммосини ҳал қилдик. Қайтишда менинг уяли телефонимга шеърларимни қўшиқ қилиб куйлагувчи хофиз Толиб Зокиров қўнғироқ қилиб Шерали Жўраевнинг менинг шеъримга куй басталаб айтган қўшиғини телефон орқали эшиттирди. Бу қўшиқни ювмасак бўлмайди деб кечки пайт бир кафедра ўтириб қиттак-қиттак қилдик. Кайф ва чарчоқ мени махв этгач, Абдухошим билан Шукр иккаласи менга "Шу аҳволда уйга борманг. Қолаверса қишлоқ узоқ.. Бугун шу ерда тунайқолинг" деб Шукрнинг квартирасида қолдириб чиқиб кетишди. Бир пайт ухлаб қолибман. Мен уяли телефоним жиринглашидан уйғониб кетдим. Эшитиб боқсам овоз нотаниш. У ҳаяжон ичра шошиб:

- Холдор Вулқон, қаерда бўлсангиз ҳам эҳтиёт бўлинг. Сизга "ов" эълон қилинган. Изингизда одамлар бор. Агар яшашни истасангиз ҳозирок бошқа давлатга чиқиб кетинг. - дедида, алоқани ўзиб қўйди. Мен хавотир ичра бир зум ўйланиб қолдим. Кейин ўрнимдан туриб эшик тамон юрдим. Эшикка яқин бориб "глазок" деб аталгувчи тирқишдан ташқарига қарадим. Шунда спортчиларга хос жуссага эга, фуқаро кийимдаги икки нотаниш одамни кўрдиму, юрагим шув этиб, танам жимирлаб кетди Улар махсус қисм жангчилари каби имо ишора билан гаплашиб бири зинадан пастга қараб турди, иккинчиси эса мен турган квартира эшигига яқинлашиб тимирскалана бошлади.. Мен бадтар таҳликага тушдим. Сўнг шошиб хобхонага ўтдимда чойшабларни олиб бир-бирига боғлаб, бир учини батареяка қувирига махкамладим. Кейин деразани очиб пастга осилиб туша бошладим. Бу пайт қош қорайиб қолган, деразаларда чироқлар порларди. Мен қанча пастладим, эсимда йўқ. Бир маҳал чойшаблардан бири боғланган жойидан ечилиб кетса бўладими? Ҳавода айланганимча пастга қараб учиб кетдим. Яхшиям иккинчи қаватдаги хонадонлардан бирининг кондиционери бор экан. Ўшанга бориб урилдим. Канди "ғарс" этиб кетаркан, ичкаридан қиз боланинг қўркув ичра бақиргани қулоғимга чалинди. Мен орқам билан ерга гурсиллаб тушдим. Жон талвасасида ўрнимдан туришга уриндим Лекин чидаб бўлмас даражадаги оғриқ бунга йўл қўймас, мен эмаклаб, негадир рус тилида: «Помогите, вызовите скорую, мне больно!»- дея бақирдим. Овозим ҳам аллақандай, бировнинг овозига ўхшаб қолган эди. Оғзимдан қон оқарди. Чап қўлим, чап оёғим ва белим оғриғига чидаб бўлмас. Шундай бўлсада, мен билан бирга тепадан тушган уяли телефонимни олиб, букчайганимча ўрнимдан турдим. Кимдир "тез ёрдам" чақирар, кимлардир

“Нима бўлди? Что случилось?” - дея ҳолатимни суриштирар, мен бўлса, танк тепалаб кетган қахрамон жангчидай олдинга интилиб, чиқиб кетишга жой излардим. Чунки “тез ёрдам” келиб мени касалхонага олиб кетса, касалхонадан тирик чиқмаслигимни яхши билардим. Кимдир менга йўл кўрсатди. Мен гандираклаб букчайиб йўл ёқасига чиқдим, машина тўхтатишга урина бошладим. Лекин аҳволимни кўрган таксистлар тезликни янада ошириб жўнаб қолишарди. Орадан анча вақт ўтгач нихоят бир “Тико” келиб тўхтади. Мен орқа ўриндикқа ёнбошлаб эшикни ёпдимда, манзилни айтдим. Таксист мени уйга элиб қўйди. Таксистга бор пулимни тутқазиб, деворларни ушлаб уйга кириб бордим. Хотинимни чақирдим. Мен бу маҳал икинчи хотинга уйланиб улгургандим. Хотиним Гулсара чиқиб аҳволимни кўрдию, кўрқиб кетди. Йиғлаб қақшаб кўлтиғимга кириб, мени уйга олиб кириб кетаркан:

- Нима бўлди?! – дея сўради.

- Ифлослар мени ҳам пиширишди – дедим ўнтаб.

Хотиним мени суяб уйга олиб кириб ётқизди. Катта ўғиллар ишда бўлганлиги сабаб уйда кенжа ўғлим, энди тетапоя бўлиб йўлга юрган Сайидахрор ёнимга келди. Мен оғриқ азобидан афтим бужмайиб ўғлимга:

- Э-э-хх, атанга, болам, эрта етим қоладиган бўлдинг- дедим. Хотиним:

- Унақа деманг. Худо хоҳласа ўлмайсиз. Худодан илтижо қилиб тилайман – дея йиғлади. Мен инқиллаб туриб хотинимга :

- Гули, ўлиб кетсам сендан илтимос, қайта турмуш қилма. Сени ўзимдан ҳам қизганиман – кейин, ўғилларга айт, улардан розиман. Қўлёмаларимни эҳтиёт қилинглар, ўғилларим кейинчалик китобларимни чиқаришсин. Гули, сениям қийнаб юбордим. Қаттиқ-қуруқ гапириб ранжитган бўлсам кечир, мендан рози бўл – дея видолаша бошладим. Бу гапларимдан хотиним хуни жигар бўлиб йиғлар:

- Шу ишингизни йиғиштиринг, сиёсатга аралашманг дея итдек ялиндима.

Одамнинг гапига кирмайди. Мана оқибат - дерди у.

Бел ва оёғимдаги оғриқ эса зўрайгандан зўраяр, мен энди атрофимдаги нарсаларни худди тушда кўраётгандай кўрардим. Шу маҳал кичик ўғлим келиб қолиб шошилиш акаларига хабар қилди. Ўғиллар етиб келишди.

- Дада, “тез ёрдам” чақириб сизни клиникага олиб борайлик. Таниш врачлар бор – деди тўнғич ўғлим.

- Йўқ дедим мен – касалхонага ётқизишсанг мени икки кунда ўлдириб, “операциядан ёмон чиқди” дея кўрпага ўраб жасадимни кўлингга тутқазिशди.

Яхшиси ёлланма врач-травматолог олиб кел.- дедим.

Кўп ўтмай ўғиллар оқ халат кийган медсестра билан кириб келишди. Мен у аёлни танимадим. Аёл мени кўздан кечириб

- Нима бўлди сизга? - дея сўради.

-Учинчи қаватдан йиқилдим – дея жавоб бердим мен зўрға инқиллаб. Кейин:

- Илтимос, пулини берамиз, оғриқни қолдирувчи уколлардан қилинг. Оғриққа чидаб бўлмаяпти - дедим мен. Сиёсий фаолиятим учун қилинган тажовуздан беҳабар ҳамшира: - “Ҳа-а, ўйнашининг эри келиб қолган бўлса деразадан ўзини ташлабдида!” дея ўйлаганини сездим. У менга оғриқларни қолдирувчи уколларни қилиб чиқиб кетди. Уколлардан кейин оғриқ бироз пастладию, лекин кўп ўтмай яна забтига олди. Шу кеча мен оғриқ-азоб, иситма алангаси ичра қаердадир юқорида ўлим билан олишиб алахсираб чиқдим.

Эртасига синиқчи хотин келиб мени кўздан кечираркан умуртка поғоналарим зарарланганини, тос ва оёқ суякларим бироз ёрилиб, пайларим чўзилганини, аниқладида, тандирнинг куйган кесагини янчиб унга тухум сариғини аралаштириб, сўнг танамнинг зарарланган жойларига суртди. Ўғилларим мўмиё, “Синтомицин” мази, ва “Баралгин” таблеткаларини топиб келтиришди.

Зарб захрини олиш учун бел ва оёқларимга юпқа кесилган мол ўпкасини хомича қўйиб боғлаб қўйишди. Лекин оғриқ хадеганда қолавермади. Мен энди ўрнимдан туrolмай қолган эдим. Сал қимирласам оғриқнинг зўридан жоним чиқиб кетай дер эди. Эсимда, биринчи бор мумиё ичганимда бир ўлиб тирилганман. Юрагим тўхтаб қолай деганди ўшанда. О, у кунлар азоби! Худо ундай кунларни душманнинг бошига ҳам солмасин! Оғир кунда ташлаб кетмай хожатимга қараган хотиним Гулсорадан ҳам рози бўлдим. 15 кун шу тариқа қилт этмай ётиб сихат-саломатликнинг қадрига етдим. Соғлом, бемалол юриш – дунёдаги энг катта бахт экан – дея ўйладим. Афсус надомат бўғзимдан тутди. “Эх, аттанг, вояга етган ўғилларимни уйлаш ўрнига уларни тентиратиб, ғам-қайғуга ботириб ўлиб кетаманми энди? Қанча-қанча асарлар ёзишни орзу қилардим. Нахотки энди ҳаммаси тамом?! – дея изтироб чекдим. Бирдан ўжарлигим кўзиди. Йўқ, ўлсам ҳам ўрнимдан тураман. Э, худойим, ўзинг ёрдам қил! – дея ўйлаб ўрнимдан туришга ҳаракат қилдим. Лекин белимни бироз кўтариб азобдан инграганимча “А-а-аххх!” – дея қайта ётиб қолдим. Оғриқдан кўз олдим қоронғилашиб кетди. Бир ишни бошласам уни охиригача етказадиган одатимга кўра, мен яна туришга уриндим. Лекин яна туrolмадим. Мен шу тариқа оғриқ билан аёвсиз кураша бошладим. Бир ойдан кейин мен ниҳоят бир нарса қилиб ўрнимдан туришга муваффақ бўлдим. Шу ҳолатда мен баланд сим дор устида лангарсиз турган тажрибасиз дорбозга ўхшардим.

- Гули, қайдасан?! Қара, мен ўрнимдан турдим! – дея бақириб хотинимни чақирдим мен. Хотиним кир юваётган экан. У шошилишда қўлидаги ювиб эшилган кийим билан кириб остонада турганича:

-Ҳой, эҳтиёт бўлинг! – деди мени суяш учун югириб. Мен уни тўхтатдим:

- Қара – дедим, мен зирқираётган дахшатли оғриқни енгишга уринганимча буюк муваффақиятни намоёйиш қилиб. Хотиним жилмайганича йиғларди. Унинг кўзи жикқа ёшга тўлган эди. “Ҳа, шоирима ...- деди у. Шунда унинг кўз ёшлари дуввиллаб тўкилди. Бир икки қадам юрган эдим хотиним суяб қолди. Хотинимга таяниб жойимга чўзилмоқчи бўлдим. Бунга қарангки, ўрнимдан туришдаги азоб, ётиб олиш азоби олдида ҳеч экан. Ётсам туриш, турсам ётиш қийин эди. Энам раҳматлининг айтишича раҳматли онам мени чақалоқлигимда эркалаб: -Бу бўри, Холбўри - дер эканлар, Шуни эслаб “Ҳа, мен бўриман. Бўрилар бақувват, чидамли ва қайсар бўлишади. Мен бўриман, мен Холбўриман” дея ўзимдаги бор кучни, бардошни тўплаб яна ва яна ўрнимдан туришга, одимлаб юришга тиришардим. Ниҳоят, узоқ машқлардан сўнг икки ой деганда ўзим мустақил юриб ташқарига чиқдим ва ариқ бўйидаги олмамизнинг ёнигача бордим. Кейин қайтиб келдим.

Эртаси куни ховлимиз четидаги хожатхонага ўзим бориб келдим. Худога шукроналар келтирдим. Ўша кунлари мен уяли телефонимда Тошкентга Марат Зоҳидовга қўнгироқ қилдим. Марат менга бақира кетди:

- Э, қаёқларда юрибсан? Бўлимнинг муҳр-штампи бекор қилинганлиги тўғрисидаги хабар “Андижоннома” газетасида эълон қилиндию. Дархол янги

мухр-штамп қилиб ишни давом этдирмайсанми? – деди. Мен йиқилиб жарохатланганимни айтсам, у ишонмай: “Да, мозги не ... да!” деб бақирди. Алоқа узилгач мен “Оббо!” - дея туриб қолдим.

Эртасига бел ва оёқларимдаги оғриққа ҳам қарамай ишга чиқдим. Ходимлар билан маслахатлашиб мухр ва штампни янгилашга киришдим. Маратга телефон қилиб “Адлия рўйхатидан қайта ўтайликми? – дея сўрадим.. Шунда у тажанг феълига кўра жазаваси тутиб:

- Да сколько можно перерегистрироваться? Ты давай быстрее, действуй! У тебя объявление и свидетельство есть. Придоставь эти документы в гор.отдел милиции и пусть они дают тебе разрешение! – деди. Мен Маратнинг гапи бўйича шаҳар милицияси рухсати билан янги мухр ва штамп қилдириб ишлай бошладим.

Анджон воқеаларидан кейин ҳуқуқ химояси халқаро ташкилотларига ҳуқумат томонидан босим кучайтирила бошлагач бизнинг ҳам ишларимиз бадтар оғирлашди. Прокуратура, суд, ва ички ишлар биз билан умуман хисоблашмай кўйди, Судьялар менинг экспертларимни суд залларига киритмас, негалигини суриштирсам Олий Суддан рухсат олинг кейин киритамиз дейшар, сохта адвокатларининг юзаки химояси билан судларни бизсиз ўтказиб бегунох инсонларни ноҳақ айблар билан қамаб юбораверадиган бўлдилар.

Кунлардан бир кун бизнинг уйга СНБ ва адлия бошқармаси ходимлари ҳамда фарғоналик бир сохта ҳуқуқ химоячиси келиб хат ташлаб кетибди. Хатда телефон рақамлари ёзилган бўлиб, зудлик билан кўнғироқ қилишим тайинланган эди. Мен кўнғироқ қилдим. Ўзини Фарғона водийси бўйича координатор деб хисоблаган собиқ милиция ходими менга:

- Қаёқларда юрибсиз ошна? Агар бирон нарсага гирифторм бўлмайсиз десангиз зудлик билан, бугуноқ янги мухр ва штампни Фарғонага, бизнинг офисга етказиб келинг - деди.

- Нега энди? Марат Зоҳидовнинг айтган гапи бўйича қилинганку янги мухр-штамп? Мен Маратга телефон қиламан – дедим.

- Пожалоуста, телефон қилинг – деди сохта координатор. Мен Марат Зоҳидовга телефон қилдим. Муаммони тушунтириб:

- Марат ака, ахир мухр-штампни янгиласиз, чеге ты боишься? Если, что сваливай на меня – деган эдингизку? – дедим фиғоним чиқиб. Марат Зоҳидов бўлса тўнини тескари кийиб:

- Я ничего не знаю, и знать не хочу. Раз сказали, что надо сдать печать и штамп, немедленно сдай. Слышишь, немедленно! – деди. Мен бунақанги лабсиз, лўттивоз, бетутуруқ кимсани биринчи кўришим эди. Сўкина сўкина қош қорайган маҳал мухр-штампни олиб Фарғонага жўнадим. Борсам бояги собиқ милиция ходими мухр-штампни олиб:

- Сиз мухр-штампни ноқонуний қилдиргансиз. Мухрга “Инсон ҳуқуқларни химоя қилиш халқаро ташкилот” деб ёзилган. Аслида: “Ўзбекистон ҳуқуқ химояси ташкилоти” деб ёзилмоғи керак эди. Сиз халқаро ҳуқуқ химояси ташкилотлари билан ғаразли мақсадларда ҳамкорлик қилиш учун атайлаб шу йўлни тутгансиз – деди.

- Ахир бу ташкилот аввалдан МОПЧ яъни “Международное общество прав человека” бўлганку. Нега энди номини ўзгартиришимиз керак? Қолаверса Марат ака ... – дея ўзимни оқлаётсам, собиқ милиция ходими гапимни бўлди:

- Э, бошимни оғритманг. Мен Марат-Паратингизни билмайман. Қани менга айтинчи, шу мухр-штампни сиз қилдирдингизми?
- Ҳа – дедим мен.
- Ҳа, баракалла –деди, мен исми шарифини қиссамда ёзишни ҳам ҳохламаган, кимса. Сўнг:
- Тушунтириш хати ёзинг – деди. Мен тушунтириш хати ёздим. Шунда ҳалиги кимса мен янгилаган мухр-штампни тушунтириш хатига босиб сейфига жойлар экан:
- Энди мана бунга бир ўқиб чиқинг - дея олдимга компьютерда терилган ёзувни ташлади. Ўқисам у ёзув менга қўйилган айблар экан.
- Э, бу қанақаси? – дедим мен ҳужжатни ўқиб чиқиб.
- Шунақа, таксир – деди собиқ мент – Сиз ўн бир йилга қамаласиз. Мен ғазабимни босиб зўрга ўтирардим. Бироздан кейин ўзимни қўлга олиб:
- Мен энди кетаверишим мумкинми? – дедим.
- Ҳа, бораверинг. Яқинда ўзлари прокуратурага чақиришади – деди беғамгина собиқ мент.
Мен қоронғи кўчага чиқиб бусга ўтирдиму, вокзал тамони жўнадим. Охириги таксига бир одам етишмай турган экан. Таксига ўтириб Андижонга келдим. Ярим тунда уйга кириб ўрнимга чўзилар эканман, хотинимга Ватандан қетмоқчи эканимни қоғозга ёзиб тушунтирдим. Чунки СНБ аллақачон уймизга эшитиш мосламалар ўрнатиб улгурганини билардим. Хотиним кўрқиб кетди. “Бизчи?” деб ёзди у қоғозга шоша-пиша. “Ўзим яхши ўрнашиб олгач, сизларни ҳам чақириб оламан” деб ёздим мен қоғозга, кейин қоғозни ёқиб юбордим. Ўша куни тонг қоронғусида уйдан чиқиб кетдим. Шу кетганимча Қирғизистонда анча вақт яшаб юрдим. Кейинчалик 2006 йил феврал ойида ишончли дўстларим ёрдамида ўзим вада қилганимдай бола-чақамни ҳам Бишкек шаҳрига олиб ўтдим. Худога шукрлар бўлсинким, улар ҳозир мен билан бирга.

-26-

Эх, Бишкек, Бишкек!

Бишкекда бизни ўзбек қочқинлардан бири, истеъдодли журналист Тўлқин Қораев кутиб олди. У бизни ўзи ижарада яшаётган уйига олиб кетди. Икки қаватли уйнинг биринчи қаватидаги у квартира Республика жиноят қидирув бошқармаси билан СНБ биноларининг ўртасида жойлашганди.
Тўлқин Қораев қорачадан келган, новча бўйли, юрганда худди ер ислохатида камбағалларга томорқа улашаётган комсомол “землемер” сингари ка-атта – катта қадам ташлаб юргувчи журналист эди. Унинг буклаб жамласа сумкага айланиб қолувчи сув ўтмас жойномози бўлиб, беш вақт номоз қилар, Бишкек шаҳри марказидаги масжидда ўқиладиган жумъа намозларига мунтазам қатнардди. Тўлқиннинг бағри кенглик фазилати сабаб ўзбек қочқинлари деярли ҳар куни унинг уйига йиғилар, унинг “ноутбук” компьютеридан ва телефонидан фойдаланар, ваннасида чўмилиб, кир ювадиган машинасида кийимларини ювиб кетишарди. Пул сўрасанг йўқ демай бериб, у қарзни то ўзинг олиб бориб бермагунингча сўрамайдиган кўли очик инсонлар туридан эди. Тўлқин Қораевдан

Ўзбек қочқинлари фақат яхшилик кўрдилар.

Мен бу ерда Юсуф Расул, Қудрат Бобожон каби журналистлар билан танишдим. Айниқса Юсуф Расул билан қиёматли ака-ука бўлиб кетдик. Мен билан Бишкекка бирга келган собиқ депутат ва “Эрк”чи Насрулло Сайид Тўлқин Қораевнинг уйида яшаб қолди. Мени эса Туркменистонлик қочқин Шамшод деган аёл ўзи ижарада турган уйга олиб кетди. Шамшодлар турадиган уй “Аламедин” бозори тамондаги Фрунзе кўчасига жойлашган эди. Шамшод покистонлик паштун Азатхан билан шу уйда ижарага турар, уларнинг бир ёшли Набилия Арафат исмли ўғиллари бор эди. Уйининг эгаси Ада Сергеевна деган ёши етмишлардаги, юз тузилиши эса 35-40 ёшлардаги аёлни эслатувчи кампир бўлиб, у мени илиқ қарши олди ва мени уйнинг гўлахионасига жойлаштирди. 2х2,5 метрли бу мўъжаз хонага кампир икки табуреткани қўйиб устига шкаф эшигини ётқиздида бу қўлбола ўринга эски пўстинларни тўшади. Сўнг дераза дарпардасини чойшаб қилиб ёпинишга адёл берди. “Мана, ўғлим, сенга қўлбола каравот” – деди у самимий кулиб. Шунда унинг тишлари ҳали ҳам бақувват ва соғлом эканини кўриб хайрон қолганман. Шамшод Азатхан билан катта уйда яшайдилар, бирга овқатланамиз, улар кечалари мени телевизор кўришга таклиф қилишади, тортинма дейишади. Барибир бироз ноқулай. Ховлида ҳаммом, ошхона бор. Хонам деразаси ёнига кампир стол-стул қўйиб бергани айниқса қувончли бўлди. Стулда ўтириб деразадан ташқарига қарайман. Дорвоза ёнидаги инда Рейк исмли қопоғон ит ётади. У баъзан зерикса занжирини шалдиратиб инидан чиқади, букилиб абжағи чиққан баклашкани гоҳ оёқлари билан уриб – суриб, гоҳ тумшуғи билан ерга пайпаслаб, ғажиб, ирғитиб ўйнайди. Ада Сергеевнани биз “бабушка” деймиз.

Бабушка гарчанд кизи билан кўп қаватли уйда турсада, ҳар куни бир маҳал албатта ховлига келиб ошхонадаги картон кути ичида тўшалган яшил адеялда ўтирганича мудрагувчи Васька номли мушугига ва Рейкка қозонда бўтқа пиширар, бўтқа совисин учун уни тоғораси билан қор устига қўйиб итнинг тагини тозаларди. Ин ичидан хашақларни титиб чиқариб юборган итга танбех берар, ит қизиқиш билан кампирнинг хатти-хракатларини кузатиб турарди. Ада Сергеевна итга бўтқани соvuтиб берар, мушуги Васькага колбаса едираркан “Васька, хулиган. Ҳар куни келадиган қушларнинг биттасини тутиб еб қўйибсан, йиртқич” деб қўярди. Сўнг эски-туски тахталар ғарами устидаги картонга майда нон увоқларини сочади. Бу жой менинг хонам деразасининг рўбарўсида бўлгани учун ҳар тонг нон увоқлари билан нонушта қилаётган қушларни кўриб тураман. Азатхан картонни - кўртўн, птицани – питиция деб талаффуз қилади. Баъзан ошхонада кампир билан суҳбатлашиб ўтирсак у:

- Бабушка, Алла ес, челавека и питици делайт. Кроме Аллаха не кито так не делайт – деб унга Аллоҳнинг ягона яратгувчи, қудратли зот эканини тушунтирмоқчи бўлади. Азатнинг соқоли доим ўсиб юради. Соқолини таглаб қирмайди Жуда ўстириб ҳам юбормайди. Кампир унинг гапларини маъқулларкан:

- Да, сынок. На самом деле Ваш Аллах и наш Господь одно и тоже. Хотя у нас разные веры. Но Бог один – деб қўярди. Азатхан баъзан:

- Э, Халдар, я ес политолог. Брат мўй живийўт в Невверке. Он мене прислал эти амиркани сапаги. Тисяча дўлўр стоит. Это ес амиркани салдати адвайт, чтоби змея не кусала ноги - у шундай деб, акаси Нью-Йоркдан юборган этигини мақтайди. Сўнг айвондан кўча тамондаги қор босган оқ қайинларга ўйчан термулиб давом

этади:

- Халдар, я в Европу еду учиться на политолога. Получаю ес висшие образования и поеду абратна в Авганистан. И стану президентом в места Хамид Карзая. Если я стану президентом Авганистана, в городе Мазари шариф тебе пастрою большо-о-ой дом. Ты ес хороший человек – дерди у.

- Спасибо – деб кўяман. У бироз ўйланиб туриб кўшимча қилади:

- Э, Халдар, Халдар. Здис ес свидетели Йогова. Некотори киргизи тоже приняли крестян. Зачем а? Самий ҳарўший эта, Алла ес.

- Да – дейман мен. Кейин не крестьян ва христиан дейман. Азатхан гарчанд рус тилида қийналиб сўзлашсада англиз тилини жуда яхши билади. Мен ҳам бу ерларда бекор юрмай япон ёзувчилари: Сакё Камацу, Морио Кита, Синити Хоси, Тану Маюмура, Кабо Абеларнинг прозаларини ажойиб испан шоири Альфредо Виварнинг ва хитой шоири Лу Ю нинг шеърятини ўқирдим.

Бир куни кундўзи кўшни хонадан мунгли кўшиқ оханги қулоғимга чалинди.

Қарасам Азатхан куйлаяпти.

У стулда ўтирган ҳолда деворга орқа миясини тираб шифтга тикилганича кўшиқ айтарди. Кўшиқ “Танхай” яъни “ёлғизман” деб аталаркан:

Сая би-и-жаб, Са-а-я бижа-аб

Са-а-атти чўл хўгае-е-е..

Таржимаси: (Соям билан ёлғиз қолдим)

Эй си хе-е-е тан-ха-аи-и-и...

(Ёлғизман жуда)

Жина пау, жина пау –у-...

Ммуди бина-а-а-а-ае-е-е-..

(Яшашни хохламайман, ўлим эса келмаяпти)

Азатхан куйлаган кўшғини таржима қилиб бергач, унга рахмим келиб, эзилиб кетдим. Азатхан яна куйлай бошлади:

Махрў пали-и мера чехра-а

Дей ки кар, кафан ме-е-е-е.

Ли мусафирхў-ў из Ватанме-е,

Ажнаби-и-и шахрике-е-е-е

А-акоме де ки кал лл.

Чехра бадаллке-е-е.

Душмане когут тиолике-е-е

Дўсти хейри-и хува хўгае-е-е,

Тобе ҳаммм, табахе хўгае-е-е-е..

Азатхан айтган кўштғининг давомини ҳам таржима қилди. Бу кўшиқда Ватанни соғинган, мусофирнинг, ажнабийнинг дарду изтироблари акс этган экан. Азатхан кўшиқ куйлашдан тўхтаб, дадаси Афғонистонда Паштун лашкарбошиси бўлгани, уни Бисмиллахоннинг одамлари ўлдиргани, шундан кейин уларнинг оиласи дунёнинг тўрт тарафига тариқдай тарқгани ҳақида гапирди. Онамни соғиндим – деди у бироз туриб. Сўнг шифтга тикилганича унсиз йиғлай бошлади. Азатханнинг кўз ёшлари юзларини кесиб утиб кекирдаги тамон йўналаркан, ўсиб пўстаги чиқиб юрадиган соқолларини ивитиб юборди. Мен яна бир бор халқлар бошига айрилиқ, кулфат солғувчи урушга лаънатлар ўқидим. Азатханнинг яна бир хикояси ҳеч қачон эсимдан чиқмаса керак.

Кандахорда – дейди у – дарё бўйи чойхонаси бўлиб, у ерда балиқ пиширилар, биз ҳам ҳар замонда балиқхўрликка борардик. Бир куни балиқ еб ўтирсак, бир машина қуролланган америка солдатлари келиб қолишди. Улар машинадан тушиб чойхонага киришдида, ташқаридаги столларга ўтиришди.. Буюртмалари тайёр бўлгач балиқ ея бошлашди. Шу пайт қаёқдандир 12 ёшлардаги афғон боласи кашкулда исириқ тутатиб келдида, америка солдатларига исириқ солиб эвазига назру ниёз олмоқчи бўлди. Бир махал солдатлар орасидан кимдир – Майкл! – дея бақирди. Афтидан кўз тегмасин учун солингувчи исириқни билмайдиган америка солдатлари тутаётган кашкулни бомба деб ўйлаб огоҳлантирганди. Огоҳлантирилган Майкл эса кўркув ва шошилишда сакраб туриб автомати билан исириқчи болани отиб қўйди. Суриштирсак бола бечоранинг отаси, акалари урушда ўлиб кетиб, онаси оғир касал ётган экан. Бола америка солдатларида пул кўп бўлади деб ўйлаган, исириқдан тушган пулга онаси учун дори дармон олмоқни мақсад қилгани маълум бўлди. Албатта чойхонада тўс-тўпалон кўтарилди. Лекин боланинг ўлими учун ҳеч ким жавобгарликни бўйнига олмади. Аммо кейинроқ маълум бўлишича бегунох болани отиб қўйган ўша америка солдати виждон азобида қийналиб жинни бўлиб қолибди. Шу хикояни эшитганимдан бери “Қандай қилиб дунёдаги урушларни тўхтатса бўларкин?” – дея ўйлайман. Баъзан мен шундай бир асар ёзсаму, у асарни дунё халқлари ўқиб ёппасига инсофга келса, барча катаклизмалар, фожеалар илдизини англаса ва урушга чек қўйилса деб орзу қиламан.

-27-

Ҳангомаи Хайитвой.

Бишкекдаги қочқинлар ичида Хайитвой Қўзиев деган одам бўлиб, юриш туриши , феъл атвори, кизикқонлиги билан 3 рейх фюрери Адольф Гитлери эслатар, у баъзан:

-Мабодо ман давлат теппасига кесам, халқимизни эзган зўлимлани, порахўрлани, битта қўйма девўрга тираб ўтиб ташлайма! – дер, мен хазиллашиб: Хай, хай, Сиз Хайгитлер, Хайитгитлер экансиз – деб қўярдим. Бу қизик феълли одам, тез хафа бўлиб қолар ва яна хафа қилган одамни тез кечириб юборарди. У жуда тежамкор бўлганидан, топган пулини эҳтиёт қилар, озроқ еб, мундайроқ кийиниб, пулни тежаш учун бусларга чикмай Бишкекда пиёда юрарди. Қорачадан келган, чувак юзли, озғин, ўрта бўйли бу кимса куртқасининг ёқасини кўтариб, икки қўлини куртқа чўнтагига жойлаганича бўйнини қимирлатмай юрар, ўткир кекирдаги билан хавони кесиб борарди гўё. У баъзан менга насихат қилиб:

- Холдор бу ер энангизний уйимас, пулни тежаб ишлатиш кера – дер. Мени ҳам пиёда юришга мажбур қиларди. У Бишкекда Дырылдаев деган ҳуқуқ химоячисини жуда қаттиқ хурматлар, “Рамазан ака, Рамазан ака”, деб унга қўнғироқ қилиб қоларди. Мен Рамазон аканинг фамилиясини биринчи бор эшитиб хайрон қолганман - Дырылдаев. Бу фамилия менга Дырыл-длл-длл-длл!- дея юргувчи қадимий “Ирбит” мотоциклнинг товушини эслатарди. Биз Рамазон Дырылдаев билан “Оқ кема” мехмонхонасида ўтган халқаро форумда учрашиб суҳбатлашдик.

Бу халол, инсонпарвар, жасур ва меҳрибон ҳуқуқ ҳимоячиси ҳақиқатдан ҳам хурмат эҳтиромга лойиқ инсон экан. Мен Шамшодларникида яшаб юрган кезларим Хайитвой ака ҳам ўша Фрунзе кўчасидаги Хусайн деган осетиннинг уйида ҳаёт кечирарди. Бир куни мен Хайитвой ака ижарада турган уйига боргач, у ётадиган хона деворларини кўздан кечирар эканман, бирдан девордаги араб имлосида “Оят ал - Курси” сураси ёзилган календарни кўриб қолдим. Арабча саводим борлиги сабаб сурани ўқий бошладим. Шу маҳал Хайитвой аканинг каравоти ёнига ўрнатилган ва қизиб чўғланган очиқ электроспиральга тегиб, шимимнинг пойчаси тешилиб қолди. “Ух” – дедим шоша-пиша, шимим пойчасининг куйган жойини пайпаслаб Хайитвой ака шимимнинг пойчасига қараб туриб кула бошлади. Сўнг шошиб телефон гўшагини оларкан, кўнғироқ қилиб:

- Юсуф, бир янгилик айтами? – деди. Юсуф “ха” деди шекилли, у давом этди:

- Ҳалиги шоиримиз борку, Холдор. Ўша Холдорри денг шими тиззасигача ёниб кетса бўладими?! Хайитвой ака шундай дея, қикирлаб кула бошлади. Табиийки, мен бу гаплардан хафа бўлдим. Сўнг:

- Ие, э, Хайитвой ака, одам-подаммас экансизку. Шунақа дейсизми? – дедим.

Хайитвой ака бадтар кулди. Кейин менга таскин бериб:

- Хафа бўлманг, ҳозир “Дўрдой” бозорига бўриб сизга янги шим сўтиб оламиз – деди. Шундан кейин “Дўрдой”га жўнадик. Яхшиямки, бироз пулим бор эди.

Бозорга борарканмиз растама-раста юриб Хайитвой ака овозига ясама салобат берганича, осилиб турган шимларнинг пойчаларини қайриб кўрар, сотувчиларга раҳбарларга хос кериклик билан:

- Э-э-э, вы знаете –е, у вас ... э-э-э есть а-аааа-, хорошие брюки? –дер.

Сотувчилар кўрсатган шимга қараб: -э-э-э, вы знаете –е нам... как эта по вашему ... а-а-а, по дешевли есть? - дея уларнинг энсасини қотирарди. Охири сотувчилардан бири:

- Булар қирғизша тушунбайт экен – дедида, бизга қараб:

- Вы что иностранцы, что-ли –деди.

-Э-э-э-э, да-а, да-а, понмайте. А-а-а-а, вы знаете –е.. - дея Хайитвой ака керилишни давом этдирар, менинг тоқатим тоқ бўлиб, “ҳозир сотувчилар иккаламизни ур калтак қилиб саваламасида” – дея ўйлардим. Охири бир шимни сотиб олдик.Қайтишда Хайитвой ака:

- Холдор, бўза ичамизми? –деди. Мен:

- Сиз ичсангиз майли, лекин мен ичмайман – дедим. У давом этди:

- Мен овқатга кетадиган пулни тежаб бўза ичиб юраман Бўза қоринни тўқ тутади, ҳам кайф беради.- деди.

Биз бўза сотадиган жойга бордик. Бўзани кўриб ёшлик пайтларимни эсладим.

Чунки дадам бола пайтларим уйимизда қўл бола бўза тайёрлар, у бўза хуштаъм ва ўткир бўлар, дадам менга косалаб ўша бўзадан ичкизар, мен маст бўлиб гандраклаб юрсам, дадам хурсанд бўлиб роса кулар эди. Мен бу ҳақда Хайитвой акага айтмадим, бўзани худди энди кўриб тургандай бир пиёла ичдим. Бўза менга ёқмади. Кўнглимни алағда қилди. Биз уйга қайтдик.

Хайитвой аканинг Швецияга кетиши ҳам қизиқ бўлди. Саҳарда у мени турткилаб уйғотиб:

-Ман кетутгиман., - деди. Мен сакраб туриб унинг юklarини ташишга кўмаклаша бошладим. Чемоданини олиб тушгунимча, Хайитвой ака машинага чиқиб ўтириб

олибди. Мен шофёрнинг хужжатларини, ООНдан келган-келмаганини суриштирдим. Шофёр каловланиб қолди. Шу махал биз тамон бир киши келдида:
- Вы едете в Швецию? – деб қолди.

-Да –деди шоша-пиша Хайитвой ака. Ҳалиги одам асабийлашди:

-Да, что Вы на самом деле? Я часа два Вас жду, а Вы... – деди у хафа бўлиб. Хайитвой ака қўрқиб кетди. Чунки сал бўлмаса Швециягамас, Ўзбекистонга, “Жаслик” ўлим лагерига кетиб қолишга оз қолди. У тирилиб тобутдан сакраган одамдай машинани тарк этаркан “бай-бай-бай-ба-ай” дегандек бош чайқади. Биз унинг юкларини БМТ юборган ҳақиқий машинага юкладик. Хайрлашдик. Машина чироклар порлаб ётган кўчадан олислаб кетаркан, мен анчагача қўл силтаб турдим. Муҳолифатдаги партия аъзоси ва ҳуқуқ химоячиси бўлгани учун Ватандан қувилган, ҳақиқат йўлида жабру жафоларга гирифтор бўлган хурфикр инсонлардан яна бири қариндош уруғи, бола-чақаси кузатиб қолмай менинг кўз ўнгимда ёлғиз ўзи сўшпайиб кетди – деган ўй хаёлимдан ўтиб бўғзимга хўрлик тикилди. Йиғлагим келди.

-28-

Юсуф Расул

Мен Бишкекдаги қочкинларнинг энг камбағали эдим. Бир қатор қишки кийимларимдан ташқари битта футболкам билан битта эски жемпирим, бир-иккита китобим ва янги ёзган асарларим қўлёзмаси бор эди халос. Қочкинлар орасида Юсуф Расул деган шоир ва журналист бўлиб, у билан муносабатимиз жуда яхши эди. У ўзини туркийларнинг барлос уруғиданман дер, бу билан фахрланар ва сохибқирон Амир Темур даҳосига бўлган эҳтироми юксак эди. Балки менинг ҳам Амир Темурга ва Темурийзодаларга бўлган ҳурматим баланд бўлгани сабаб, Юсуф Расул иккимиз тездан дўстлашиб ака-ука бўлиб кетгандирмиз. Юсуф менга кўп яхшиликлар қилди.

Эсимда, Бишкекда қахратон қиш. Шафқатсиз шаҳар ичра ижара ҳақини тўлолмай бир оқшом кўчада қолдим. Қаёққа боришимни билмайман. Ўйлаб-ўйлаб охири Юсуф Расул бола-чақаси билан ижарада яшовчи квартирага бордим. Эшик ёнига бордим, анчагача торгиниб эшик қўнғироғини босолмай турдим. Ниҳоят, қўнғирокни босдим. Бироздан кейин ичкаридан Юсуф Расулнинг:

- Ким у? –деган овози эшитилди.

- Мен, Вулқонман –дедим. Юсуф эшикни очдида:

- Ие, Холдор ака. Қалайсиз? Қани ичкарига киринг – деди. Мен ийманиб:

- Ука, кечасида сизларни безовга қилмай. Мен қайтаман - дедим. Юсуф хайрон бўлиб эшикнинг ёполмай тураркан:

- Ха, тинчликми, ака? – деди юзларига ташвиш чўкиб. Мен вазиятни тушунтирдим. Бу гапдан Юсуф сал ўзига келгандай бўлиб:

- Ха, шу ҳам муаммоми, ака. Э, киринге, ичкарига. Ҳозир бу муаммомани шесть

секундда ҳал қиламиз – деди.

Мен ичкарига кириб, пойафзалимни ечиб курткамни илмоққа илдимда, мехмонхонага ўтдим. Ичкаридан Юсуфнинг турмуш ўртоғи шоира, илмий тадқиқодчи олима, Умаркул Пўлканнинг кизи Саодат Пўлкановна чиқиб келиб мен билан саломлашиб, хол-ахвол сўраркан, воқеадан хабар тобиб, менга чин юракдан ачинди. Столга емоқ-ичмоқ келтириб: “Ташвиш қилманг, Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади” – дея кўнглимни кўтарди. Бу орада Юсуф Қудрат Божожонга телефон қиларкан, гапира бошлади:

-Қудрат ака, Вулқон ака шоир кўчада коптиларку, нима қиламиз? Уни биронта жойга жойлаштириш керак. Биз икки хонали квартирада бола-чақа билан зўрға сиғиб яшаймиз. Сиз ҳозир бир ўзингиз турибсиз. Вулқон ака уй топгунларича Сиз билан яшаб турсинлар – деди. Қудрат ака рози бўлди шекилли, Юсуф телефон алоқани узаркан менга қараб:

- Ана, бўлди. Шунга ҳам руҳингизни чўктириб юрибсизми? Кетдик. Сизни Қудрат акаканинг уйига жойлаштириб келаман – деди у. Биз йўлга отландик. Мен Саодатга раҳмат айтиб ташқарига чиқдим. Юсуф иккаламиз қалин қорлардан ёришган изғиринли кечада Гоголь кўчасидан Правда кўчасига ўтдикда, пиёда Жукеева-Пудовкина тамон жўнадик. Правда кўчаси то Пудовкинага чиққунча қадар икки ёндаги арчазор аллеялар ва иморатлар қад кўтарган тепаликлар аро чўзилиб ётади. Бу кўча аввалари чуқур анхор ўзани бўлганми дея ўйлайсиз. Вақт кеч бўлганидан автомобил қатнови деярли тўхтаб, йўловчилар қадами тийилган. Юсуф иккаламизнинг одимларимиз товуши “ғарт-ғурт” қилиб қорли сукунатда акс-садо берар, биз йўл-йўлакай суҳбатлашиб борардик. Биз шу тариқа узоқ йўл юрдик, ниҳоят камокхонадан ўтиб кўприкка етгач, Юсуф қўлқопли қўли билан ғиштли уйлардан бирига ишора қилиб:

- Мана келиб қолдик. Қудрат шу уйда яшайди – деди. Биз Қудрат Бобожоннинг уйига кириб бордик. Қудратни тез қизишиб кетадиган, бироз ўзини катта олгувчи, кўполроқ одам сифатида таърифлаб, у билан тил топишиш қийин дейишганди. Акси бўлиб чиқди. Ташқи кўринишдан кибру хаволидай кўринган Қудрат Бобожон назари тўқ, покиза қалбли, кези келганда кулгили воқеаларга бой ўтмиш саргузаштларини ҳикоя қилиб, одамни кулидириб қотиргувчи қувноқ инсон экан. У менга квартира хоналаридан бирини ва эшик калитининг биттасини берди. Юсуф Расул ўша кеча ҳеч кимсиз хилват кўчалардан юриб яна ортига қайтди.

Хайрлашаётиб:

- Юсуф, эҳтиёт бўлинг. Йўлда-чўлда ҳар хил беъмани алкаш, наркоманлар.. – десам, у менинг гапимни бўлиб жилмайганича елкамга урар экан:

-Ташвиш қилманг, ман ахир таэквон-до бўйича спорт мастериман-ку – деди, сўнг яна бир бор хайрлашиб жўнаб кетди.

Шундай қилиб мен Қудрат Бобожоннинг ижарадаги уйда яшай бошладим. Бир оқшом Қудрат:

- Вулқон ака, анави шкафда ООН берган ун бор. Бекор ўтиргунча ўша ундан ҳамир қилиб духовкада нон пиширмаймизми? – деди.

- Майли – дедим мен. Қудрат елим тоғарага халиги ундан соларкан, музлатгичдаги сутдан куйиб ундан қоришма тайёрлади.

-Озгина шакар қўшворсакмикин? – деди у ҳамир қорир экан.

-Яхши бўлади – дедим мен ва шакарни Қудратга узатдим. Қудрат шакарни қўшгач

бироз ўйланиб тураркан:

- Майиз билан майонез ҳам қўшамиз - деб қўйди. Мен майиз билан майонезни узатдим. Бу орада ун титилиб, сочилиб ошхона поли оқариб кетди. Қудрат ҳамир қориш билан овора. Кутилмаганда у:

- Э. каллам қурсин, сметана билан асал қўшмабмизу – деб қолди. Биз ҳамирга асал билан сметанани ҳам қўшдик.

-Тухумчи, тухум? Тухумни қўшмадигу? – дедим мен.

-Даровке – деди Қудрат. Ҳамирга тухум ҳам аралаштирдик. Кейин нон бўрсилдоқ бўлиши учун дрожжи билан чой сўдасини қўшдик. Нихоят қамир тайёр бўлди. Биз ҳамирни бир неча бўлақларга бўлиб зувола қилдикда ялпайтириб вилка билан чекдик. Сўнг уларни духовкага жойлаб қўйдик.

- Лекин нонмисан нон бўладиган бўлди – дедим мен.

- Ха-а – деди Қудрат нарсаларни йиғиштирар экан.

Шундан сўнг иккаламиз нон пишишини кутиб, чой ичиб анчагача сухбатлашиб ўтирдик. Нихоят жахон нонвойчилиги тарихида мисли кўрилмаган кашфиёт “супер нон”ни духовкадан тантанали равишда олишнинг хаяжонли дамлари етиб келди. Биз худди картачи фирибгар буюк ғиромлик олдидан карталар четини охиста суриб кўздан кечираётгандай бағоят эҳтиёткорлик ила духовка эшигини очдик. Қарасак, нонларимиз купчиб, қизариб шунака чиройли бўлиб пишибдики, уларни кўриб биз жуда қувониб кетдик.

Кейин уларни авайлаб олиб столга қўйдик. Нонларга қараб ютиндик. Сабримиз чидмай нонлардан бирини иккига бўлдикда, мусулмончилик таомилига кўра “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим” – деб бўлақларни пуфлаб совутиб танавул қилдик. Биз нонни татидигу бир-биримизга қараб қолдик. Сўнг “хо-хо”лаб кула бошладик. Куламан деб тикилиб қолишимизга оз қолди. Билсак, нонга энг ассосий нарса – туз қўшишни унутган эканмиз.

Шу тариқа кунлар ўтаверди. Бир куни Қудрат Бобожон учинчи мамлакатга жўнаб кетди. Кейин Юсуф Расул ҳам Швецияга кетди. Мен Юсуф Расул ижарада турган уйда қолдим. Доим ака-укадай кадрдон бўлиб бирга юрган дўстингни ярим тунда олис сафарга кузатиб, хайхотдай квартирада бир ўзинг қолишданда ёмонроқ нарса йўқ экан. Қорним очиб холодильникни очсам, Юсуф менга битта пишган товукни қолдириб кетибди. Чой қайнатиб дамлаб, столга товукни қўйдимда ундан бир бўлагини қайриб олиб ея бошладим. Негадир хўрлигим келди. Димоғим ачиб, ўпкам тўлиб, таомни ютолмай қолдим. Кўз ёшларим дувиллаб тўкилди. Ёлғизлик шунақа ёмон бўлар экан.

Вақтлар ўтиб, мен Юсуф Расулга бағишлаб “Ватан фироқи” номли шеър битдим.

ВАТАН ФИРОҚИ

(Туғишган инимдай кадрдон, истеъдодли шоир ва журналист ука Юсуф Расулга)

Ҳақ гапни айтганим айбимми менинг?

Нима гуноҳ қилди, айтинглар, нетдим?

Баланд қорли тоғлар ортида қолган,

Олис Панжикентни соғиниб кетдим.
Онам мени тукқан қишлоқда ҳамон,
Алвон булутларга қуёш ботарми?
Сабо дувиллатиб шудринг тўккан,
Йилгинзор тамонда тонглар отарми?
Кечир, сени ташлаб кетдим, болалик,
Мустабид шох каби қуладим тахтдан.
Умримнинг кимсасиз мавзолейида,
Ўзимни тутолмай йиғладим бахтдан.
Гувиллайди вахший одам ўрмони,
Кети кўринару кўринмас боши.
Қуёшни ёнғиндан кутқариш шартмас,
Энг хавfli ёнилғи кўзимнинг ёши.
Хотиротнинг кўхна омборларида,
Бугун навбатчиман, уйкусиз посбон.
Қуёш манғлайидан қамашди кўзим,
Менга бундай боқма, киприксиз осмон!
Ой оқшом бўғзида ўлмаган охак,
Чириб кетмасайди кўзларим дейман.
Осмон – хирмон, оқ булутлар – пахта,
Бўшликларни ямлаб хавони ейман.
Панжикентга кўнар меҳригиё шом,
Буйраклари тошли далалар хаста
Ҳадемай уфқларда оқ халатли тонг
Осмон грижасини ёради аста.

Мазкур шеърни Юсуф Расулга юбордим. Юсуф Расул менинг электрон почтамга хат йўллаб “Раҳмат акажон, шеърни йиғлаб ўқидим” деб ёзди.

-29-

Омборали Жумборалиевич

Аввало ёзувчи одам бировга бағишлаб бирон нарса ёзиши жуда қийин.
Қачонки инсон унинг қалбига ерлашса, эхтиромини қозонсагина унинг шуурида ўша одамга атаб бирон нарса ёзиш истаги пайдо бўлади. Бундай истак мени ҳам четлаб ўтмаган. Бугун негадир яна бир инсонга эхтиромим зарраси ўлароқ бир нарса ёзгим келди. Ул инсоннинг исми шарифи Абдурашид Отажонов.

Авваллари Божхонада ишлаган, кейинчалик раҳбарларнинг порахўрлигига, адолатсиз фаолиятларига қарши чиқиб ўз аризасига биноан ишдан кетган Фарғоналик бу ҳуқуқ химоячиси билан мен Бишкек шаҳрида танишганман. Бир куни у менга кунғироқ қилиб:

- Ака, ўғилларингиз ҳам, ўзингиз ҳам кўчага чиқманглар. Кеча дўкондан ул – бул харид қилаётиб Ўзбек мелисаларини кўрдим. Какарда, петлица,

погонларидан танидим. Донолар доноси юборибди шекилли. Бишкекда худди энасининг уйида юргандай бемалол юришибди. Биз хам уйни ичкаридан кулфлаб хеч қаёққа чикмай ўтирибмиз – деди.

Мен хайрон бўлиб қолдим. Кейин хавфсизлик чораларини кўриш мақсадида ўғилларимга кўнғироқ қилиб Абдурашиднинг гапларини айтдим. Менинг гапларимни эшитиб тўнғич ўғлим кулди. - Э, дада, қизиқмисиз? Ўзбек мелисалари Бишкекда нима қилади? Улар келса формада юрадими? Қирғизлар хам ахмоқ эмаску – деди . - Тўғри - дедим мен. Шундан сўнг юрагим тубида Абдурашидга нисбатан қахр уйғона бошлади. Кейин бу қахр негадир юморга айланди. Абдурашидга телефон қилиб унга қуйидагича миннатдорчилик билдирмоқчи бўлдим.

– Рашиджон, рахмат, ука. Хақиқатан хам Донолар Доноси Бишкекка ўзбек мелисаларининг битта ротасини дислокация қилган кўринади. Живек жолу билан Токтогул кўчаларидан Ўзбек мелисаларининг ротаси чиқиб карнай – сурнай, ноғора садолари остида кушиқ айтишиб сизлар яшайдиган квартал тамон кетиб боришмоқда. Олдиларида уч-тўртта генерал ва беш – олтита полковниклар карнайга ўйнаб, муқом қилиб, қош қоқиб, елка учуриб, оёқларини шиқиллатиб, шох ташлаб боришяпти. Қирғиз халқи хайрон. Иккита майор генерал, полковникларга Қирғиз сўми, Қозоқ танга, Ўзбек пули ва Тожик сомонийсини пайдарпай қистириш билан овора. Битта капитан тушган пулларни йиғиб қопга жойлаяпти. Менимча улар шу йўл билан ўзбек қочқинларининг эътиборини жалб қилиб, улар қизиқиб яқин келганларида хибсга олишмоқчи шекилли. Бундай провакацияга учманглар. Бу ғоят пухта ўйлаб режалаштирилган маккор харбий хийла бўлиши мумкин. Тагин карнай – сурнай овозини эшитиб, қизиқиб нима бўляптийкин деб ташқарига чиқиб – нетиб юрманглар - демоқчи бўлдимиз ўзимни тийдим.

Шу - шу мен Абдурашиддан То Канадага келгунимча хафа бўлиб юрдим. Кейин билсам у инсондан бекорга хафа бўлган эканман. Негаки мен Квебек шаҳридан Монреал орқали Торонтога келганимда Абдурашид бир тўп Ўзбек Ватандошлар билан вокзалга чиқиб кутиб олди. Торонтода яшарканмиз, суҳбатлар жараёнида Абдурашиднинг феъл – атвори менга янада ойдинлаша бошлади. Билсам у хам менга ўхшаб юморни, аскияни, хазил – мутоибани яхши кўрадиган кўнглида кири йўқ бола экан. Абдурашид жахон тарихи борасида энциклопедик илми билан суҳбатдошини зериктирмайди. Ленин аслида қандай одам бўлган, Троцкийни ким болта билан чопиб ташлаган каби қулоқ эшитмаган ажойиб гаплар шу боладан чиқади. Латифа айтса кулавериб чарчаб қоласиз.

У мен ёзган хажвияларнинг доимий мухлиси. – Ака, Мизхаппарнинг давоми қачон чиқади? - деб кўнғироқ қилади. Яна давом этдиринг деб қистаб қизиқтиради. Бундай сўзлар ёзувчига қанот бағишлайди, рухлантиради албатта. Мана хозир шу Ватандошимни эслаяпману мийямда янги хажвия секин аста шамоил касб этипти. Мизхаппар, Йўлдашвўй, Мамадиёр учаласи

Курумбўйни кўргани турмага кетишаётиб шаҳарда тўпланиб турган оломонни кўришади. Сўнг қизиқиб оломонга яқинлашишади ва Хокимият биносининг олдида турган Вилоят хокимини кўриб энсалари қотади. Негаки Хоким Омборали Жумборалиевич баклажкадаги бензинни кастим – шим ва галстугларига куйиб бир кўлида чакмоқтошни ёкмоқчи бўлиб бақираётган экан:

- Халойиқ! Зудлик билан менинг ишдан кетишимни талаб қилиб, уч – тўрт мингта имзо тўплаб, каттага ёзиб мени судга бермасангизлар ўзимга ўзим ўт кўяман! Ахир менда инсоф борми ўзи! Қачонгача Ўзбек халқини эзаман, қийнаб хорлайман?! Ака укаларим, қариндош уруғ - аймоғимга завод – фабрикаларни аукционсиз хусусийлаштириб бердим! Бунга менинг нима ҳаққим бор?! Нега энди мен уч қаватли қаср қурдим?! Хўшшш, бунча маблағни мен қаердан олдим?! Нега мен ароқ коньяк ичиб эшиллиб тановорга рақсга тушаману мактаб болалар пахта далаларида гўза ягана қилиб пайкалларга захарли дориларни кўллари билан чачади?! Нега мен Кам иссиқ овқат еганидан қувватсиз бўлиб қолган болалар бегона ўтни юлгани кучлари етмай кучаниб бурни қонаб кетганини эшитиб эшитмаганга оламан?! Нега халқимизнинг балоғатга етган фарзандлари ота онасига кўмаклашиш учун иш истаб Россияга кетиб ўлиги қайтаётганини кўриб билиб туриб ҳам аҳолини иш билан таъминлашга ҳаракат қилмайман?! Негааааааааааа! А? Нега?! Давай, чақиринглар журналистларни! Мени сурагга олишиб тамоми кирдикорларимни ёзиб “Янги дунё” гами, “Ватандош” гами, “Узневснет” гами, “Туронзамин” гами чиқаришсин! - деб бақирса одамлар:

-

Омборали Жумборалиевич, журналистлар хаммаси чет элга кетиб қолишган! Храв азашитникларам Европияда! Баъзилари Хрансияда! Бир нечтаси Англияда! Кўйинг энди, ўзингизни ёкманг, илтимос! - деб туришса бир оқсоқол оғзидаги носини туфлаб олиб: - Да что вы на самом деле! Чего вы его слушаете! Пусть он сдохнет! Ўлса Ўзбекистонда битта нонхўр камаяди! То есть, нам больше достанется! – деб бақириб яктагини ечиб унга мангу олов машъаласидан ўт илаштирибди. Сўнг:

- Умри, скотина! - деб туриб ёнаётган яктагини хоким Омборали Жумборалиевичга отибди. Лекин ёнаётган яктак хокимга тегиб ўчиб қолибди. Чунки Омборали Жумборалиевич ўзига сув кўшилган бензинни куйган эканда. Одамлар кўрқиб, кути ўчиб ярим ялонғоч турган оқсоқолга: - Ўлдингиз, қочинг энди, оқсоқол! – дейишибди. Оқсоқол энди қочмоқчи бўлиб турса Омборали Жумборалиевич тагин бақириб қолибди:

- Ха, заправканга ўт тушгур, ифлос! Хокимгаям сув кўшилган бензин берасанми, паразит?! Ха, инсопингассссс... Э, нега ханқайиб туришибсан?! Анави Кинофикациянинг машинасида бориб тезда 16 та боласи бор заправшик гангирни опкелинлар оёғини ерга текизмай!.. Югурдаклар хўп деб Кинофикациянинг машинасида заправшикни кидириб кетишибдида хаялламай

заправшик билан қайтиб келишибди. Заправшик ўзини оклаш учун бир канистир бензин олиб машинадан тушибдида :

- Жумборали Омборалиевич, бир қошиқ қонимдан кечинг! Ахир сиз менинг отамсизу, мен сизга теппа бензин бераманми!? Бу душманларнинг иши! Мен берган бензинга сув қўшиб қўйишибди! Тўғри мен ҳам бензинга керосин билан газалин қўшаман! Лекин сизга тоза бензин берувдим! Мана манави бензиндан. Ишонмасангиз синаб кўришингиз мумкин, Жумборали Омборалиевич! – дебди.

- Қани, буёққа олиб келчи!- дебди Омборали Жумборалиевич. Кейин бензинни ўзига куйибдида “Банияти шипо!” деб туриб чакмоқтошни ёқибди. Қаранги, аксига олиб чакмоқтош ёнмабди. Фигони чиққан Омборали Жумборалиевич чакмоқтошни ерга отиб ярим ялонғоч турган оқсоқолга қараб: - Отахон, ёрдамлашворинг! Сиз хар холда мутахассис одамсиз– дебди. Оқсоқол аччиғи чиқиб : - Сенинг ёнмайдиган теппа бензинингни деб яп - янги яктагимдан айрилдим! Энди чолворимдан ҳам айирмоқчимисан?! Кампирим: - Яктаингни қайси ўйнашингникида қолдирдинг? Ўйнашингнинг эри келиб қолгач чолворингниям кийишга улгурмай деразадан ташлаб қочибсанда – а , йигит ўлгур?! - деса мен нима дейман?! - дебди.

Шу махал заправшик чўнтагидан чакмоқтош олиб : - Омборали Жумборалиевичга хушомад қила кетибди: - Отагинам, сиз қаердаги томи сурилган қаланғир – қасанғирларга ялинманг. Билсангиз мен ҳам ўғлингиз, ҳам энг яқин дўстингизман. Мана, менда Американская заживалка бор - деб чакмоқтошни ёқибдида, уни Омборали Жумборалиевичга отибди. Омборали Жумборалиевич ёниб чинқирганича чирпираб айланиб ўзини хокимиятга урибди. Хокимиятга ўт кетиб тўс – тўпалон бўлиб, осмонда вертолётлар айлана бошлабди. Буни кўрган Мизхаппар, Йўлдашвўй ва Мамадиёрлар тезда Отайўли автобусига ўтириб жўнаворишибди.

Хуллас, бунақа хажвияларни истаганча ёзиш мумкин демоқчиман. Асосий мақсад эса менинг хурматимни жойига қўйгувчи, қалбида кири йўқ бир Ватандошимни ўзимнинг арзимас асаримга киритмоқчи эдим халос. Оила аъзоларингиз билан хамиша омон бўлинг, Абдурашид дўстим!

3 июнь, 2008 йил. Кеч соат 7: 15. Торонто шахри.